

Шайх
Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф


Исломнинг мадори
бўлган ҳадислар



Дин *насихатдир*

**БЕҲУДА ИШЛАРНИ ТАРК ҚИЛИШ
КИШИ ИСЛОМИНИНГ ХУСНИДАНДИР**

«HILOL-NASHR»
ТОШКЕНТ
2016



28-475.5 - Чоломда насихат
М 96

УЎК 297-1
ББК 86.38
Ю-91

عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ:
«الدِّينُ النَّصِيحَةُ»، قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: «لِلَّهِ، وَلِكِتَابِهِ،
وَلِرَسُولِهِ، وَلِأَيِّمَةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَّتِهِمْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Тамим Дорий розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Набий соллааллоху алайҳи васаллам:
«Дин насихатдир», дедилар. «Ким учун?» дедик.
«Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг
Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари
ҳамда оммалари учун», дедилар».
Бухорий, Муслим, Абу Довуд,
Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Шпоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Куръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат тара-тиш, салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиб, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка бар-ҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 5401 -рақамли тавсияси ила чоп этилди.

Ю-91 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Дин – насихатдир
Бехуда ишларни тарк қилиш киши Исломининг хуснидандир
Т.: «Hilol-Nashr» 2016. – 176 б.

УЎК 297-1
ББК 86.38

ISBN 978-9943-4448-5-0

© Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2016.

2017/23 A 1494	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-------------------	--

Ю 44315
291



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом салавотлар ва дурудлар бўлсин!

«Исломнинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиламининг биринчи ва иккинчи рисо-лаларида Мужтаҳид уламолар томонидан Исломнинг мадори деб тан олинган Набий соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг иккита ҳадиси шарифларини имконимиз борича ўрганган эдик. Ушбу рисолада Аллоҳ таоло-нинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда аввал бошлаган ишимизни баҳоли қудрат давом эттириш ниятидамиз. Бу ожизона ишимизда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

«Исломнинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг аввалги икки рисоласида «Ал-батта, амаллар ниятларга боғлиқдир» ва «Ҳалол очик-ойдиндир» ҳадислари ба қадри имкон шарҳ қилинди. Мазкур икки ҳадиси шариф ҳам ўзида мусулмон банда ҳаётининг жуда кўп соҳаларини қамраб олгани учун уларда фикҳ, руҳий тарбия ва бошқа соҳаларда сўз юри-тишга тўғри келди. Жамият ҳаётидаги турли ҳолатларга

оид масалалар юзасидан баҳслар олиб борилди. Ушбу рисоламиздан ўрин оладиган ва сиз азизлар билан бирга ўрганмоқчи бўлиб турган ҳадиси шарифлардаги баҳс юритиладиган мавзулар аҳамият жиҳатидан аввалги икки ҳадиси шарифнинг савиясига яқин бўлса ҳам, қамров жиҳатидан ҳар бир ҳадиснинг мавзуси билан чекланади. Мисол учун, ушбу рисоладаги биринчи ҳадис насиҳатга, яъни холисликка бағишланган. Бошқалари ҳам шунга ўхшаш.

Кўпчилик катта имомлар, муҳаддислар ва мужтаҳидлар Исломнинг мадори деб атаган ҳадиси шарифлардан бири қисқача қилиб «Дин насиҳатдир» деб номланади. Мазкур ҳадиси шарифнинг матни қуйидагича:

عَنْ تَمِيمِ الدَّارِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «الدِّينُ النَّصِيحَةُ»،
قُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: «لِلَّهِ، وَلِكِتَابِهِ، وَلِرَسُولِهِ، وَلِأُمَّةِ الْمُسْلِمِينَ
وَعَامَّتِهِمْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Тамим Дорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллох учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Аввало, катта муҳаддисларимиздан ўрганган одатимизга кўра, ҳадиснинг ровийси Тамим Дорий розияллоху анҳу билан танишиб чиқайлик.

ТАМИМ ДОРИЙ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Тамим ибн Авс ибн Хорижа Дорий. У кишининг кунялари Абу Руқия, нисбатлари Дор ибн Ҳонийга. Тамим Дорий розияллоху анху олдин насроний динида бўлганлар, кейинчалик, ҳижратнинг тўққизинчи йилида Исломга кирдилар. Шундан кейин Фаластин аҳлининг обиди, Куръонни кўп тиловат қилувчи, кечаларини таҳажжуд намози билан бедор ўтказувчи ва масжидга биринчи бўлиб чироқ олиб кирган сифатлари ила улуғ саҳобалардан бирига айландилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бу зотга Фаластиндаги Айнун қишлоғини алоҳида ажратиб бердилар. Бошқа бирор кишига бу имтиёзни – Шомдан ер беришни раво кўрмаганлар. Бу қишлоқ ҳозир ҳам Байтул Макдисда машҳурдир.

Сўнгра Тамим Дорий розияллоху анху Мадинада истиқомат қилдилар. Усмон розияллоху анху қатл этилганларидан кейин Шомга кўчиб кетдилар ва ҳижратнинг 37 санасида Фаластинда вафот этдилар.

«Табақотул Кубро» номли китобда Холид ибн Саъиддан ривоят қилинади: «Тамим Дорий айтди: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам пайғамбар этиб юборилганларида Шомда эдим. Баъзи ҳожатим учун чиққан эдим. Кечаси йўлда қолиб кетдим. «Ушбу кеча бу водийнинг катта жинидан паноҳ тилаб ухлайман», дедим. Ёнбошлаб ётишим билан кўзимга кўринмаган нидо қилувчи нидо қилиб: «Аллоҳдан паноҳ тила, жинлар бирор кишини Аллоҳ таолодан қўрий олмайдилар», деди. «Аллоҳга қасам, нима дейсан?» дедим. «Уммийларнинг Расули чиқди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам,

биз у зотнинг ортларида туриб, Жахунда намоз ўқидик, мусулмон бўлиб, у зотга эргашдик. Жиннинг хийласи кетди. Уларга учкунлар отилди. Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, мусулмон бўл», деди.

Эрталаб туриб, Дайри Айюбга бордим. Роҳибни топиб, унга хабарни айтдим. У: «Тўғри айтишибди. Унинг Ҳарамдан чиққанини топасан. Ҳижрат жойи ҳам Ҳарам бўлади. У анбиёларнинг энг яхшисидир. Унинг хузурига кеч қолма», деди. Қийинчилик билан етиб бориб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни топдим ва Исломга кирдим».

– Тамим Дорий розияллоҳу анҳу Мадинаи Мунаварада, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларида биринчи чироқ ёққан шахсдир. У киши бу ишни Байтул Макдисда кўрганларидан ўрнак олиб, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг даврларида амалга оширганлар.

– Муҳаммад ибн Мункадир айтади: «Тамим Дорий бир кеча ухлаб қолиб, таҳажжуд намозига тура олмади. Тонг отганда турди. Ушбу содир этган иши укубатига бир йилгача кечаси ухламай намоз ўқиди».

– «Табакотул Кубро» китобида Муҳаммаддан ривоят қилинади: «Муҳожир ва ансорийлар яхши кийимларни кияр эдилар. Тамим Дорий минг дирҳамга сарпо сотиб олди. Лекин уни фақат намозга кияр эди».

– «Табакотул Кубро» китобида Абу Қилобадан ривоят қилинади: «Тамим Дорий Куръони Каримни етти кечада хатм қилар эди».

– «Табакотул Кубро» китобида Масрукдан ривоят қилинади: «Менга Макка аҳлидан бўлган бир киши қуйидагиларни айтди: «Мана бу ер биродаринг Тамим Дорийнинг мақомидир. У бу ерда бир кеча тонг отгунча

намоз ўқиган. Ўша намозида фақат бир оятни қироат қилиб йиғлаган. «Наҳотки, ёмонликларни қилганлар уларни иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларга ўхшаш қилмоғимизни, ҳаётлари ҳам, мамотлари ҳам баробар бўлишини ўйласалар?! Қилаётган ҳукмлари нақадар ёмон!» ояти».

– «Табакотул Кубро» китобида Язид ибн Масруқдан ривоят қилинади: «Тамим Дорий денгизда ғозийлик қиларди. Мусо ибн Нусайрдан ўзига румлик асирлардан юборишини сўраб ва уларга садақа қилар эди».

– Тамим Дорий розияллоҳу анҳу ҳаммаси бўлиб 18та ҳадис ривоят қилганлар. Бу ҳадисларни Имом Бухорий ва Муслим ўзларининг «Саҳиҳ» китобларига киритишган. У зотдан Абдуллоҳ ибн Ваҳб, Сулаймон ибн Омир, Шураҳбил ибн Муслим, Қубайса ибн Зуайб ва бошқалар ривоят қилишган. Аллоҳ таоло Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан рози бўлсин!

ТАМИМ ДОРИЙ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУНИНГ ҲАДИСИ РИВОЯТЛАРИ

Имом Муслим ушбу ҳадиси шарифни биз келтирган санаддан бошқа санадлари билан ҳам келтирган. Имом Термизий ҳам ушбу тариқа ривоят қилган. Уламолардан бу ҳадисни икки тарафлама саҳиҳ деганлари ҳам мавжуд. Уни Ибн Умар, Савбон, Ибн Аббос ва улардан бошқалардан ривоят қилган муҳаддислар ҳам бор.

Имом Абу Довуд ушбу ҳадисни «фиқҳ илмининг айланадиган ўқи» дея таърифлаган.

Ҳофиз Абу Нуъайм: «Бу ҳадиснинг шаъни буюқдир», деган.

Муҳаммад ибн Аслам Тусий: «Бу ҳадис диннинг тўртдан биридир», деган.

Имом Нававий «Саҳиҳи Муслим»га ёзган шарҳида мазкур ҳадис ҳақида сўз юритар экан, «Аmmo уламолар жамоасининг «Ушбу ҳадис Ислам ишларини жамловчи тўрт ҳадиснинг биридир», дейишлари тўғри эмас. Ислам мадорининг барчаси мана шу ҳадисдир», деган.

«НАСИХАТ» СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ ВА ТАЪРИФИ

Ушбу ҳадисда комил иймон учун зарур бўлган нарсалар ҳақида сўз кетмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар ҳузурда сўзлаб: «**Дин насиҳатдир**», дедилар.

«Насиҳат» сўзининг луғавий маъноси.

«Насиҳат» сўзи луғатда «холис», «покиза», «содик» ва «ихлос» деган маъноларни билдиради. Аслида «насаҳа» феълининг ўзаги икки нарсанинг орасини тўлдириш ва ислоҳ қилиш – тузатиш маъносини ифода қилади.

«Мавсуъатул ахлоқи ваз-зуҳди вар-рақоиқи» номли китобда «насиҳат» сўзининг луғатдаги маънолари ҳақида жумладан қуйидагилар келтирилган: «Тавбаси насух бўлди» дегани гуноҳдан қайтишга қилган азму қарори нуқсондан халос бўлди деганидир. «Қалби насух бўлди» дегани алдамчиликдан холи бўлди деганидир. «Фалончининг дўстлиги ёки маслаҳати насух бўлди» дегани ихлосли, холис бўлди, деганидир. «Фалончига насиҳат қилди» ёки «Фалончи учун насиҳат қилди», дегани уни ўзига фойдаси бор нарсага йўллади, деганидир. Насх – ихлос билан, самимий, холисона маслаҳат беришдир. Насиҳат – яхшилиги бор нарсага чақириш ва ёмонлиги бор нарсдан қайтаришдир».

Урфда эса насиҳат деб бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан турли яхшиликларни ирода

қилиши, яхши йўл-йўриқларни айтиши, унинг ҳаққини яхши йўл билан адо этишга уринишига айтилади.

«Насиҳат» сўзининг асл маъноси ҳақида икки хил қавл бор:

Биринчиси – «кийим тикиш» дегани. Бундан насиҳат қилувчи насиҳат қилинувчига ўз насиҳати ила маънавий кийим тикиб бергандек, кийимида йиртиғи бўлса, уни ямаб бергандек бўлади, деган маъно келиб чиқади. Кийим эса ўз эгасини иссиқдан, совуқдан сақлайди, айбини беркитади, зийнатлаб кўрсатади, чанг юқтирмайди ва шунга ўхшаш кўплаб фойдалар келтиради. Насиҳат ҳам маънавий жиҳатдан шу каби фойдалар келтиради.

«Насиҳат» сўзининг иккинчи маъноси «асални мумдан тозалаш» маъносидир. Насиҳат қилувчи ҳар хил алдов, хиралик ва кин-кудуратдан холи гапни айтгани учун шундай дейилади. У тоза ва мусаффо асалдек гапни айтган, ишни қилган, холислик билан, покиза қалб билан самимий иш юритган бўлади. Бу эса насиҳат қилинувчи учун ўта фойдали нарса бўлади.

Шунингдек, «насиҳат» сўзида ихлос, садоқат, машарат ва амал маънолари ҳам бор.

«Насиҳат» уламолар истилоҳида.

Ибн Асир: «Насиҳат жамловчи сўз бўлиб, насиҳат қилинувчига яхшилиқни ирода қилишдан иборатдир», деган.

Журжоний: «Насиҳат яхшилиги бор нарсага чақириш ва ёмонлиги бор нарсадан қайтаришдан иборатдир», деган.

Кафавий: «Насиҳат жамловчи калимадир. Маъноси – насиҳат қилинувчига яхши насибани тилашдир», деган.

Мозаний шундай дейди: «Насиҳат» сўзи «асални насх қилдим»дан олинган бўлиб, «уни мусаффо қилдим» де-

ган маънони англатади. Бир нарса насух бўлди, дегани холис бўлди, деганидир. Сўзни насух қилди, дегани унга ихлос билан сўзлади, деганидир. «Насуха»нинг иккинчи маъноси игна билан тикишдир. Араблар игнани «мансаҳа» деб ҳам атайдилар. Бунда худди игна билан тикиб, кийимнинг камчилиги тузатилгани каби, биродарининг камчилигини насихат билан тузатди, деган маъно бор. Шу маънода «насух тавба» дегани гуноҳ динни йиртади, тавба эса уни тикиб, ямайди, деган маънони билдиради.

Амр ибн Салоҳ: «Насихат жамловчи калима бўлиб, насихатчининг насихат қилинувчига барча яхшиликларни ирода қилишини ва бунинг учун амал ҳам қилишини ифода этади», деган.

«Насихат» лафзининг маъносини, унинг аҳамиятини яхшироқ англаб олиш учун у ҳақда келган баъзи ояти карималар ва ҳадиси шарифлар билан танишиб олсак, яхши бўлади.

НАСИХАТ ҲАҚИДАГИ ОЯТЛАРДАН

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

فَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ يَا قَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَةَ رَبِّي
وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَكِنْ لَا تُحِبُّونَ النَّصِيحَةَ

«Кейин улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг рисолатини етказдим ва сизга насихат қилдим. Лекин сиз насихат қилувчиларни севмассиз», деди» (79-оят).

Бу ояти каримадаги сўзлар Солиҳ алайҳиссаломнинг сўзларидир. У киши Аллоҳ таолонинг набийларидан биридир. Аллоҳ таоло бандаларига юборган анбиёларнинг бош вазифаларидан бири ўз қавмига насихат қи-

лишдир. Солиҳ алайҳиссалом ҳам ўша вазифани шараф билан адо этганлар. Аммо афсуски, насиҳат қилувчиларни ёқтирмайдиган нобакор қавм Солиҳ алайҳиссаломни севмаган, у кишининг насиҳатларига кулоқ осмаган ва оқибатда ҳалокатга учраган.

Аллоҳ таоло яна Аъроф сурасида марҳамат қилади:

فَنَوَىٰ عَنْهُمْ وَقَالَ يَاقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَتِي ربي
 وَنَصَحْتُ لَكُمْ فَكَيْفَ ءَأَسَىٰ عَلَىٰ قَوْمٍ كَافِرِينَ

«Кейин улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг рисолатларини етказдим ва сизга насиҳат қилдим. Энди қандай қилиб кофир қавмга ачинай», деди» (93-оят).

Бу оятдаги сўзлар Аллоҳ таолонинг набийси Шуъайб алайҳиссаломга тегишлидир.

Яъни Шуъайб алайҳиссалом тўғри йўлга – ҳидоятга юришга кўнмаган саркаш қавмдан юз ўгирдилар ва ниҳоят, улар Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлганларидан сўнг уларга бу ҳалокатнинг асл сабабини эслатиб:

«Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг рисолатларини етказдим...» дедилар.

Яъни «Ўша илоҳий кўрсатмаларга амал қилиб яшаганингизда, бундай даҳшатли ҳолга тушмас эдингиз».

«...ва сизга насиҳат қилдим».

Яъни «Кофир ва осий бўлиб эмас, иймонда собит туриб, Аллоҳнинг шариатига амал қилган ҳолда яшаганингиз хайрли бўлишини етказдим ва кўплаб панд-насиҳатлар қилдим. Аммо насиҳатларга кулоқ осмадингиз. Оқибатда амалингизга яраша барчангиз ҳалок бўлдингиз. Ўзингизга ўзингиз қилдингиз. Сизнинг бу аҳволингизга қайғуриб бўлмади:

«Энди қандай қилиб кофир қавмга ачинай», деди».

Аллоҳ таоло ушбу суранинг 61-62-оятларида марҳамат қилади:

قَالَ يَقَوْمٍ لَيْسَ بِي ضَلَالَةٌ وَلَكِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ
الْعَالَمِينَ ﴿٦١﴾ أَبْلَغِكُمْ رَسُولَاتِ رَبِّي وَأَنْصَحُ لَكُمْ وَأَعْلَمُ
مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٢﴾

«У айтди: «Эй қавмим, менда залолат йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан расулдирман. Сизларга Роббимнинг рисолатларини етказаман, насиҳат қиламан ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсаларни биламан».

Пайғамбарларнинг вазифаси – кишиларга тушунтириш, даъватни етказиш. Шунинг учун Нух алайҳиссалом қавмларидан номаъқул жавобни эшитган бўлишларига қарамай, уларга ҳақиқатни англатишга ҳаракат қилдилар ва уларнинг кўнгилларини овлаш учун:

«Эй қавмим, менда залолат йўқ», дедилар.

Яъни «Мен сиз ўйлаётгандек, адашганим йўқ. Мен адашувда эмасман».

«Ва лекин мен оламларнинг Роббидан расулдирман».

Сизларга ўзимдан-ўзим сўзлаётганим йўқ. Барча оламларнинг Робби мени сизларга пайғамбар қилиб юборди. Ўша улуғ вазифани адо этиб, мен

«Сизларга Роббимнинг рисолатларини етказаман...»

Аллоҳ таоло икки дунё саодатига эришишингиз учун нималар қилишингиз лозимлигини баён қилиб, сизларга кўрсатмалар – амрлар, наҳийлар, турли ҳукмлар йўл-

лади. Мен сизга ушбу юборилган кўрсатмаларни етказ-
япман, холос. Шу билан бирга, керак бўлиб қолганда,
сизларга ўз томонидан

«...насиҳат қиламан...»

Чунки мен

**«...ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсаларни
биламан».**

Худди шу билимим менга сизларга насиҳат қилиш
учун имкон беради.

Энди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг
насиҳат борасидаги баъзи ҳадиси шарифлари билан та-
нишиб чиқайлик.

НАСИҲАТ ҲАҚИДАГИ ҲАДИСЛАРДАН

Бу борада келган ҳадиси шарифлар кўп. Улардан
баъзиларини шарҳимиз давомида ўрганамиз, иншаал-
лоҳ. Ҳозир эса баъзи намуналар билан танишиб чиқиш-
га ҳаракат қиламиз.

Насиҳат Аллоҳ таолога энг маҳбуб ибодатдир.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ: أَحَبُّ مَا
تَعَبَّدَنِي بِهِ عَبْدِي إِلَيَّ، النَّصْحُ لِي». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Бандамнинг Менга қилган қуллигининг энг
маҳбуби Мен учун насиҳат қилишидир», дедилар».**

Аҳмад ривоят қилган.

Банда борки, Аллоҳ таолога иложи борича кўпроқ ва
яхшироқ қуллик – ибодат қилгиси келади. Зотан, ўзини
билган ҳар бир банданинг энг эзгу орзуси Аллоҳ таоло-

га маҳбуброқ ишни қилиб, У Зотнинг розилигига ва кўп савоб олишга сазовор бўлишдир. Бу орзуга эришиш йўлида кўлидан келган барча чора-тадбирларни ишга солади. Ушбу ҳадиси кудсийда Аллоҳ таолонинг Ўзи банданинг энг маҳбуб қуллиги У Зотнинг розилиги учун насиҳат қилиш, холис бўлиш эканини айтиб турибди. Бас, мўмин банда ушбу ҳақиқатни бир зум ҳам унутмасин ва доимо Аллоҳ таоло учун насиҳатда бўлсин. Аллоҳ таоло учун насиҳат қандай бўлишининг тафсилотини Тамим Дорий розияллоху анхунинг ҳадисларини шарҳ қилиш давомида ўрганамиз.

Насиҳат Аллоҳ таолога ибодат қилиш ва У Зотга ширк келтирмаслик билан бир қаторга қўйилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ يَرْضَى لَكُمْ ثَلَاثًا، وَيَسْخَطُ لَكُمْ ثَلَاثًا، يَرْضَى لَكُمْ أَنْ تَعْبُدُوهُ، وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا، وَأَنْ تَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا، وَأَنْ تَنَاصَحُوا مَنْ وِلَاةُ اللَّهِ أَمْرَكُمْ، وَيَكْرَهُ لَكُمْ قِيلَ وَقَالَ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳ уч нарсага рози бўлади ва уч нарсага ғазаб қилади: Унинг Ўзигагина ибодат қилиб, ҳеч нарсани Унга ширк келтирмаслигингизга, Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутишингизга ва Аллоҳ ишингизга валий – бошлиқ қилиб қўйганларга насиҳатлашингизга рози бўлади. Сизлардаги «деди-деди»ни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёқтирмайди».

Бухорий ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло мусулмонларнинг ўзаро ишбошиларига, раҳбарларига нисбатан бир-бирларига яхши насихатлар қилиб туришлари ўта аҳамиятли ишлардан бири экани алоҳида таъкидланмоқда.

Ушбу ҳадиси шарифда бошлиқларга насихат қилиш иши Аллоҳ таолонинг Ўзигагина ибодат қилиш ва У Зотга ширк кетирмаслик ишларига тенгаштирилмоқда.

Насихат мўминнинг мўминдаги ҳақларидан биридир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لِلْمُؤْمِنِ عَلَى الْمُؤْمِنِ سِتٌّ خِصَالٌ، يَعُودُهُ إِذَا مَرَضَ، وَيَشْهَدُهُ إِذَا مَاتَ، وَيُجِيبُهُ إِذَا دَعَاهُ، وَيُسَلِّمُ عَلَيْهِ إِذَا لَقِيَهُ، وَيُشَمِّتُهُ إِذَا عَطَسَ، وَيَنْصَحُ لَهُ إِذَا غَابَ أَوْ شَهِدَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам дедилар: «Мўминга нисбатан мўминнинг зиммасида олти хислат бор: бемор бўлса, кўргани боради; ўлса, ҳозир бўлади; даъават қилса, қабул қилади; учраса, салом беради; акса урса, соғлик тилайди; ва ғойиб бўлса ҳам, ҳозир бўлса ҳам, фойдасига насихат қилади».

Термизий ривоят қилган.

Демак, борида ҳам, йўғида ҳам бир мўминнинг фойдасига яхшилиқни раво кўриб иш қилиш ҳар бир мўминнинг бурчи экан. Бу эса доимий равишда жамиятдаги ижтимоий алоқаларнинг яхшиланишига хизмат қилади. Ана шу муҳим ишлардан бири мўминнинг ўз мўмин биродарига насихат қилишидир.

Насиҳат банданинг жаннатга киришига сабаб бўладиган омиллардандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «عُرِضَ عَلَيَّ أَوْلُ ثَلَاثَةٍ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ، شَهِيدٌ، وَعَفِيفٌ مُتَعَفِّفٌ، وَعَبْدٌ أَحْسَنَ عِبَادَةَ اللَّهِ، وَنَصَحَ لِمَوَالِيهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Менга жаннатга энг аввал кирадиган учтаси арз қилинди: шаҳид; иффатли бўлиб, иффатини сақлаган; Аллоҳнинг ибодатини яхши қилган ва мавлоларига насихат қилган, холис бўлган банда», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

«ДИН НАСИҲАТДИР» ҲАДИСИ ШАРҲИНИНГ ДАВОМИ

Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг «Дин насихатдир» деганлари диннинг асосий мадори насихатдан иборатдир, деганларидир. Бу у зотнинг «Ҳаж арафадир», деганларига ўхшайди. Бу ҳажнинг мадори, асосий рукни Арафотда туришдир, деганларидир.

Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг «Дин насихатдир» деганлари насихат динимизнинг Жаброил алайҳиссалом ҳадисларида келган Ислом, Иймон ва Эҳсон шўъбаларининг барчасини қамраб олган нарса эканига далолатдир. Бу эса ақийда, шариат ва тариқат бобларидаги барча таълимотларни қамраб олган, деганидир.

ЖАБРОИЛ ҲАДИСИ

Кези келганда Жаброил алайҳиссалом ҳадисларини эсга олишимиз ҳам фойдадан холи бўлмайди.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رضي الله عنه، قَالَ: بَيْنَمَا نَحْنُ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ، إِذْ طَلَعَ عَلَيْنَا رَجُلٌ، شَدِيدُ بَيَاضِ الثِّيَابِ، شَدِيدُ سَوَادِ الشَّعْرِ، لَا يُرَى عَلَيْهِ أَثَرُ السَّفَرِ، وَلَا يَعْرِفُهُ مِنَّا أَحَدٌ، حَتَّى جَلَسَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَأَسْنَدَ رُكْبَتَيْهِ إِلَى رُكْبَتَيْهِ، وَوَضَعَ كَفَيْهِ عَلَى فَخِذَيْهِ، وَقَالَ: يَا مُحَمَّدُ، أَخْبِرْنِي عَنِ الْإِسْلَامِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الْإِسْلَامُ: أَنْ تَشْهَدَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَتَقِيمَ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِيَ الزَّكَاةَ، وَتَصُومَ رَمَضَانَ، وَتُحَاجَّ الْبَيْتَ إِنْ اسْتَطَعْتَ إِلَيْهِ سَبِيلًا». قَالَ: صَدَقْتَ، قَالَ: فَعَجِبْنَا لَهُ، يَسْأَلُهُ وَيُصَدِّقُهُ، قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِيمَانِ، قَالَ: «أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكُتُبِهِ، وَرُسُلِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَتُؤْمِنَ بِالْقَدْرِ خَيْرِهِ وَشَرِّهِ». قَالَ: صَدَقْتَ، قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ، قَالَ: «أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ، كَأَنَّكَ تَرَاهُ، فَإِنْ لَمْ تَرَاهُ، فَإِنَّهُ يَرَاكَ». قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ السَّاعَةِ، قَالَ: «مَا الْمَسْئُولُ عَنْهَا بِأَعْلَمَ مِنَ السَّائِلِ». قَالَ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ أَمَارَاتِهَا، قَالَ: «أَنْ تَلِدَ الْأُمَّةُ رَبَّتَهَا، وَأَنْ تَرَى الْخُفَاةَ الْعُرَاةَ الْعَالَةَ رِعَاءَ الشَّاءِ، يَتَطَاوُلُونَ فِي الْبُنْيَانِ». قَالَ: ثُمَّ انْطَلَقَ، فَلَبِثْتُ مَلِيًّا، ثُمَّ قَالَ لِي: «يَا عُمَرُ، أَتَدْرِي مِنَ السَّائِلِ؟» قُلْتُ:

2017/23 A 1794	Alisher Navoiy nomadagi O'zbekiston MK
-------------------	--

اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: «فَإِنَّهُ جَبْرِيْلُ، أَتَاكُمْ يُعَلِّمُكُمْ دِينَكُمْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ. وَزَيْدٌ فِي رَوَايَةٍ: «فِي خَمْسٍ لَا يَعْلَمُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ». ثُمَّ تَلَا النَّبِيُّ ﷺ ﴿إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ﴾ الْآيَةَ، ثُمَّ أَدْبَرَ، فَقَالَ: «رُدُّوهُ» فَلَمْ يَرَوْا شَيْئًا، فَقَالَ: «هَذَا جَبْرِيْلُ، جَاءَ يُعَلِّمُ النَّاسَ دِينَهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бирдан устимизда оппоқ кийимли, сочлари қоп-қора одам пайдо бўлди. Унда сафарнинг асари кўринмас эди. Уни бирортамиз танимас ҳам эдик. У келиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг тўғриларига ўтирди. Икки тиззасини у зотнинг икки тиззаларига тиради. Икки кафтини сонларининг устига қўйди ва:

«Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер», деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ислом: «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб шаҳодат келтиришинг, намозни тўқис адо қилишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг, агар йўлга қодир бўлсанг, Байтни ҳаж қилишинг», дедилар.

«Тўғри айтдинг», деди у.

Биз ундан ажабландик. Ўзи сўрайди, ўзи тасдиқлайди.

«Менга иймон ҳақида хабар бер», деди.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига иймон келтиришинг, яхшию ёмон қадарга иймон келтиришинг», дедилар.

«Тўғри айтдинг», деб тасдиқлади ва:

«Менга эҳсон ҳақида хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб тургандек ибодат қилишинг», дедилар.

«Менга (қиёмат) соатидан хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сўралувчи бу ҳақда сўровчидан билимлироқ эмас», дедилар.

«Унинг аломатларидан хабар бер», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Чўри ўз хожасини туғиши, ялангоёк, яланғоч, камбағал чўпонларнинг бино қуришда бир-бирларидан ўзишга уринишларини кўришинг», дедилар.

Сўнгра у қайтиб кетди. Бас, мен бирмунча вақт ғойиб бўлдим. Сўнгра у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Эй Умар, сўровчи кимлигини билдингми?» дедилар.

«Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у Жаброилдир. Сизларга динларингиздан таълим бергани келибди», дедилар».

Яна бир ривоятда:

«У Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган беш нарсанинг ичидадир», дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида (қиёмат) соати илми бор» оятини тиловат қилдилар. Сўнгра у қайтиб кетди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қайтаринглар», дедилар.

Одамлар ҳеч нарсани кўрмадилар. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу Жаброилдир. Одамларга динларини ўргатиш учун келибди», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Бу Жаброилдир. Одамларга динларини ўргатгани келибди», яъни унинг саволлари одамларга динларини ўргатиш мақсадида берилган эди, дедилар. Шундан бу саволларда зикр қилинган масалаларнинг мажмуаси «дин» экани тушунилади. Саволлар эса Ислом – шариат, Иймон – ақийда ва Эҳсон – тариқат ҳақида бўлган.

Ҳақиқатда ҳам, мўмин бандалар бошқаларга динимизнинг барча таълимотлари борасида доимий равишда яхшилиқ истаб насихат қилиб туришлари лозим.

НАСИҲАТ КИМ УЧУН?

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Дин насихатдир»,** дедилар.

Саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу умумий гапни эшитиб, унинг тафсилотини билмоқчи бўлдилар ва у зотдан:

«Ким учун?» деб сўрадилар.

Яъни **«Насихат қилсак, ким учун қиламиз?»** дедилар. Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам диннинг мадори бўлмиш насихат беш нарсада эканлигини баён қилиб бердилар:

АЛЛОҲ УЧУН НАСИҲАТ

1. «Аллоҳ учун» насиҳат қилиш, яъни Аллоҳга иймон келтириш, Унга шукр қилиш, самимий, холис бўлишдир.

Уламоларимиз бу борада бир оз батафсилроқ гапларни ҳам айтганлар. Уларнинг айтишларича, Аллоҳ таоло учун насиҳат қилиш жумладан, қуйидагилардан иборат:

1. Аллоҳ таолога иймон келтириш.
2. Аллоҳ таолога шерикни манфий қилиш.
3. Аллоҳ таолонинг сифатларида хатони тарк қилиш.
4. Аллоҳ таолони барча камолот сифатлари билан сифатлаш.
5. Аллоҳ таолони барча нуқсонлардан поклаш.
6. Аллоҳ таолога тоатда бардавом бўлиш.
7. Аллоҳ таолога маъсиятни тарк қилиш.
8. Аллоҳ таоло учун муҳаббат қилиш.
9. Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш.
10. Аллоҳ таолонинг тоатидагилар билан дўст бўлиш.
11. Аллоҳ таолога осий бўлганларга адоватда бўлиш.
12. Аллоҳ таолонинг неъматларини эътироф қилиш.
13. Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр келтириш.
14. Аллоҳ таолога барча ишларда ихлос қилиш.

АЛЛОҲНИНГ КИТОБИ УЧУН НАСИҲАТ

2. «У Зотнинг Китоби учун» насиҳат қилиш, яъни Аллоҳнинг Китоби – Қуръони Каримни ўрганиш, унга амал қилиш ва одамларни ҳам шу ишга ундаб, холис бўлиш, насиҳат қилиш.

Уламоларимиз бу борада ҳам бир оз батафсилроқ гапларни айтганлар. Уларнинг айтишларича, Аллоҳ

таолонинг Китоби – Қуръони Карим учун насиҳат қилиш жумладан, қуйидагилардан иборат:

1. Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг нозил қилган каломи эканига иймон келтириш.

2. Қуръони Карим халойиқнинг каломига ўхшамаслигига иймон келтириш.

3. Қуръони Каримга ўхшаш каломни келтиришга халойиқдан ҳеч ким қодир эмаслигига иймон келтириш.

4. Қуръони Каримни улуғлаш.

5. Қуръони Каримнинг ҳаққини жойига қўйиб, уни гўзал равишда тиловат қилиш.

6. Қуръони Карим тиловатини хушуъ билан қилиш.

7. Қуръони Карим тловатида ҳарфларни ўз ўрнидан чиқариш.

8. Қуръони Каримни нотўғри таъвил қилувчилардан ҳимоя қилиш.

9. Қуръони Каримни таъначиларнинг таънасидан ҳимоя қилиш.

10. Қуръони Каримда бор нарсаларни тасдиқлаш.

11. Қуръони Каримнинг ҳукмларини бажариш.

12. Қуръони Каримнинг илмларини ва масалаларини фаҳмлаш.

13. Қуръони Каримнинг ваъзларини эътиборга олиш.

14. Қуръони Каримнинг ажойиботлари ҳақида тафаккур қилиш.

15. Қуръони Каримнинг муҳкам – маъноси бошқасига ўхшамаган очиқ-ойдин оятларига амал қилиш.

16. Қуръони Каримнинг муташобих – маъноси бошқасига ўхшаш, тушуниш учун уриниш керак бўладиган оятларига таслим бўлиш.

17. Қуръони Карим оятларининг оми ва хосини билиш.

18. Куръони Карим оятларининг носих ва мансухияни билиш.
19. Куръони Каримнинг илмларини тарқатиш.
20. Куръони Каримга чақириш.

АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИ УЧУН НАСИҲАТ

3. «У Зотнинг Расули учун» насиҳат қилиш, яъни холис, самимий бўлиш.

Уламоларимиз бу борада ҳам бир оз батафсилроқ гапларни айтганлар. Уларнинг айтишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун насиҳат қилиш жумладан, қуйидагилардан иборат:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларини тасдиқлаш.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган барча нарсаларга иймон келтириш.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига ва қайтариқларига итоат қилиш.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳаётларида ҳам, мамотларида ҳам ёрдам бериш.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни дўст тутганларни дўст тутиш.

6. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларини улуғлаш ва у зотни ҳурматлаш.

7. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига бўлган туҳматларни қайтариш.

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига оид илмларни ўрганиш.

9. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларига оид маънолар фикҳини ўрганиш.

10. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларини ўрганишда ва ўргатишда лутфли бўлиш.

11. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларини улуғлаш ва шарафлаш.

12. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ўқиганда одобли бўлиш.

13. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ҳақида илмсиз равишда сўз юритишдан сақланиш.

14. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига аҳл бўлганларни ҳурматлаш.

15. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан хулқланиш.

16. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одоблари билан одобланиш.

17. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларига муҳаббат қилиш.

18. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига муҳаббат қилиш.

19. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига бидъат аралаштирганлардан четланиш ва бошқалар.

МУСУЛМОНЛАРНИНГ ИМОМЛАРИ УЧУН НАСИХАТ

4. «Мусулмонларнинг имомлари учун».

Мусулмонларнинг имомлари учун насихат қилиш уларга итоат қилиш ва одамларни ҳам шунга чақириш билан бўлади.

Уламоларимиз бу борада ҳам бир оз батафсилроқ гапларни айтганлар. Уларнинг айтишларича, Мусулмонларнинг имомлари учун насихат қилиш жумладан, куйидагилардан иборат:

1. Мусулмонларнинг имомларига ҳақ ишларда ёрдам бериш.

2. Мусулмонларнинг имомларига ҳақ ишларда итоат қилиш.
3. Мусулмонларнинг имомларини ҳақ ишга чақириш.
4. Мусулмонларнинг имомларини юмшоқлик ва лутф билан огоҳлантириш ва эслатиш.
5. Мусулмонларнинг имомларига улар билмай қолган ва уларга етмаган нарсаларни билдириб қўйиш.
6. Мусулмонларнинг имомларига қарши чиқишни тарк қилиш.
7. Мусулмонларнинг имомларига тоат қилишга одамларни ўргатиш.
8. Мусулмонларнинг имомлари ортидан намоз ўқиш.
9. Мусулмонларнинг имомлари ҳақларига дуода бўлиш.
10. Мусулмонларнинг имомларини беҳуда мадҳ қилмаслик ва ҳоказо.

МУСУЛМОНЛАР ОММАСИ УЧУН НАСИҲАТ

5. «Мусулмонлар оммаси учун».

Бу барча мусулмонларга икки дунё саодати, яъни Ислом йўлини кўрсатиб, холис насиҳат қилиш билан бўлади.

Уламоларимиз бу борада бир оз батафсилроқ гапларни ҳам айтганлар. Уларнинг айтишларича, мусулмонлар оммаси учун насиҳат қилиш жумладан, қуйидагилардан иборат:

1. Ўзига раво кўрган нарсани мусулмонлар оммасига ҳам раво кўриш.
2. Ўзига раво кўрмаган нарсани мусулмонлар оммасига ҳам раво кўрмаслик
3. Мусулмонлар оммаси учун шафқатли бўлиш.

4. Мусулмонлар оммасининг кичиклари учун раҳмли бўлиш.

5. Мусулмонлар оммасининг катталари учун ҳурматли бўлиш.

6. Мусулмонлар оммасининг маҳзунлиги учун маҳзун бўлиш.

7. Мусулмонлар оммасининг хурсандлиги учун хурсанд бўлиш.

8. Мусулмонлар оммаси учун салоҳият ва офият бўлишини исташ.

9. Мусулмонлар оммаси учун неъматлар бардавом бўлишини орзу қилиш.

10. Мусулмонлар оммаси учун доимо яхшиликда ёрдамчи бўлиш.

11. Мусулмонлар оммасидан барча озорлар ва кўнгилсизликларни даф қилиш.

Ушбу вазифаларни бажарган одам диннинг энг муҳим ишини амалга оширган бўлади. Аммо бу осон иш эмас. Шунинг учун ҳам у диннинг мадори ҳисобланади. Чунки одамлар насиҳатни ёқтирмайдилар. Айниқса ушбу ҳадиси шарифда зикр этилган нарсалар учун қилинган насиҳат кўпчиликка хуш келмайди.

Бу ҳадиси шариф комил иймон сифатлари бобида келтирилган. Бу бежиз эмас, албатта. Кишида комил иймон бўлгандагина, у шундай насиҳатлар бериш қобилиятига эга бўлади. Комил иймон соҳиби томонидан берилган насиҳатлар эса самара бериши шубҳасиздир. Аллоҳ учун, Аллоҳнинг Китоби ва Расули учун, мусулмонларнинг имомлари, оммаси учун насиҳат қилишни дин деб тушунган жамиятгина олдинга кетади, кўзлаган мақсадига эришади.

Агар биз ушбу ҳадиси шарифдан фойда олмоқчи бўлсак, ана ўша тушунчани қайта тирилтиришимиз,

Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, оммаси учун насиҳат қилишга ўтишимиз лозим бўлади.

Бутун дунё ушбу ҳадиснинг ҳикматига ниҳоятда муҳтождир. Энг аввало, мусулмон олами муҳтож. «Мусулмон олами» деб ном олган олам Исломдан узоқлашгани учун, динни насиҳат деб билмагани учун турли муаммо ва кулфатларга кўмилиб ётибди.

НАСИҲАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳар бир инсоний жамият учун насиҳат ўта аҳамиятли нарса эканини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Қадимда ҳам, ҳозирда ҳам барча жамиятларнинг тараққиёти ва муваффақияти мазкур жамиятлардаги насиҳатнинг даражасига боғлиқ бўлади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Насиҳат борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган жамиятларда ҳамма нарса яхши бўлади. Одамлар ўзлари учун қандай ихлос қилсалар, ўзгалар учун ҳам шундай ихлос қиладилар, ўзлари учун истаган яхшилиқни ўзгаларга ҳам истайдилар, ўзларига раво кўрмаган ёмонликларни ўзгаларга ҳам ёмон кўрадилар.

Насиҳат йўқ бўлган жамиятларда парокандалик юзага келади, одамлар лоқайд бўлиб қоладилар, ўзгаларнинг фойдаси у ёқда турсин, ўзининг фойдаси учун ҳаракат қилишда ҳам дангаса бўлиб қоладилар. Атрофдагиларни яхшиликка чақирмайдилар, ёмонликдан қайтармайдилар. Оқибатда жамият таназзулга юз тутади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, насиҳат барча замонлар ва маконларда барча жамиятлар учун ўта аҳамиятлидир. Насиҳатнинг аҳамиятини қуйидаги омиллардан билиб олсак ҳам бўлади:

1. Насихат анбиё ва расулларнинг вазифасидир.

Бу буюк ҳақиқатни англаб етиш учун узоққа бориб юрмасдан, Куръони Каримга бир назар солишнинг ўзи кифоя қилади. Унда анбиё ва расул алайҳимуссаломлар насихат учун юборилишлари қайта-қайта таъкидланган.

Юқорида Аъроф сурасида Нух алайҳиссалом, Солиҳ алайҳиссалом, Шуъайб алайҳиссаломларнинг ўз қавмларига насихатчи қилиб юборилганлари хусусида келган бир неча оятларни келтирган эдик. Яна ушбу сурада Худ алайҳиссалом тилларидан шундай дейилади:

أَتْلِفُكُمْ رَسُولَتِ رَبِّي وَأَنَا لَكُمْ نَاصِحٌ أَمِينٌ ﴿٦٨﴾ أَوْعَجِبْتُمْ
أَنْ جَاءَكُمْ ذِكْرٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَلَى رَجُلٍ مِنْكُمْ لِيُنذِرَكُمْ
وَأَذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِنْ بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ وَزَادَكُمْ فِي
الْخَلْقِ بَصْطَةً فَأَذْكُرُوا ءَالَاءَ اللَّهِ لَعَلَّكُمْ تَفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾

«Сизларга Роббимнинг рисолатларини етказман ва мен сизларга ишончли насихатгўйман. Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?! Сизларни Нух қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг. Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки, зафар топсангиз» (68-69-оятлар).

У зот жоҳил қавмга ҳақиқатни босиқлик билан, содда қилиб баён қилдилар. Ўзларидан эси пастликни рад этиб, оламларнинг Робби томонидан пайғамбар этиб юборилганларини ҳамда пайғамбарлик мақсадларини зикр қилдилар.

«Эй қавмим, менда эси пастлик йўқ. Ва лекин мен оламларнинг Роббидан расулдирман. Сизларга

Роббимнинг рисолатларини етказаман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйман».

Сўнгра уларни пайғамбар ўзларининг орасидан танлангани учун ажабланмасликка чақирдилар.

«Ўзингиздан бўлган бир кишига сизларни огоҳлантириш учун Роббингиздан эслатма келганидан ажабландингизми?!»

Кейин эса Аллоҳ томонидан уларга берилган имтиёзларни эслатдилар:

«Сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эсланг».

Аллоҳ таоло Нуҳ алайҳиссалом қавмини оғир гуноҳлари туфайли ер юзидан гумдон қилиб ташлаган эди. Худди шу осий қавмдан сўнг сизларни ер юзида Ўзининг халифаси қилиб танлади. Бу – улуғ неъмат. Бунга, албатта, шукр қилиш лозим эди.

«Аллоҳнинг неъматларини эсланг. Шоядки, зафар топсангиз».

Куръони Каримда бошқа анбиё ва расул алайҳиссаломларнинг тилидан ҳам уларнинг насиҳат учун келганлари ҳақиқати зикр қилинган.

2. Насиҳат Аллоҳ таолога энг маҳбуб амаллардандир.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳдан: «Амалларнинг қай бири афзал?» деб сўралганда у киши «Аллоҳ таоло учун насиҳат қилиш», деб жавоб берди.

Ҳасан Басрий айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан баъзиси айтмишки, «Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, агар истасангиз, сизларга Аллоҳ таоло ила қасам ичиб айтаманки, Аллоҳнинг энг маҳбуб бандалари Аллоҳнинг бандаларини Аллоҳга маҳбуб қиладиган ва Аллоҳни бандаларига маҳбуб қиладиган ва ер юзида насиҳат ила юрадиганлардир».

НАСИҲАТ ТАЛАБ ҚИЛИШ

Мухлис бандалар ўзлари бошқаларга насихат қилиб туришлари билан бирга ўзгалардан ўзларига насихат талаб қилиб ҳам турадилар. Ушбу гўзал фазилат Ислон миллатига мансуб барча халқларда мавжуддир. Айниқса аввал ўтган азизларимизда бу фазилат жуда ҳам яхши тарзда йўлга қўйилган.

– Вазир Низомул мулк ўз ҳузурига фақиҳлардан бир кишини кўп чорлар эди. Ундан бу ҳақда сўралганда у: «Бу фақиҳ ҳузуримга кирганда мени мақтамайди ва ғуруга ҳам кетказмайди. Аксинча, менга гуноҳларимни ва камчиликларимни эслатади, сўнгра ҳузуримдан чиқиб кетади. Ўшанда нафсим кибрдан тозаланган бўлади. Сўнгра ҳар қанча кўндиришга уринсам ҳам, у мендан совға қабул қилмайди. Аммо ундан бошқалар ҳузуримдан чиққанларида, ўзимда ғурурни сезаман ва нафсимни ғафлатлар босади», деди.

– Умар ибн Абдулазиз ўзи озод қилган қули Музоҳимга: «Волийлар халқ оммасига пойлоқчилар қўйишадди. Мен эса сени ўзимга пойлоқчи қилиб қўяман. Агар мендан ёқимсиз бир оғиз сўз эшитсанг ҳам ёки ўзинг ёқтирмаган иш кўрсанг ҳам, дарҳол менга мавъиза қил ва мени ундан қайтар», деди.

– Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ Амр ибн Муҳожирдан ҳам худди шуни талаб қилган ва қуйидагиларни айтган: «Эй Амр! Қачон ҳақдан бурилганимни кўрсанг, дарҳол икки қўлинг билан бўғизимдан тутиб, қаттиқ силкитгин ва «Нима қияпсан?!» дегин».

– Бундан ҳам ажабланарлиси, у киши раҳматуллоҳи алайҳ халифа бўлганида ўз атрофидагиларга: «Менга ўзларингиз энг афзал деб билган икки кишини келтиринглар», деди. Икки киши келтирилди. Умар ибн Абдулазиз

қачон амирлик ишига ўтирадиган бўлса, ўша икки кишига унинг рўпарасига жой қилиб бериларди. У эса икковига: «Мени кузатишдан бошқа иш қилманглар. Қачон мендан ҳаққа тўғри бўлмаган нарсани кўрсангиз, мени кўрқитинглар ва Аллоҳ таолони эслатинглар», дер эди.

– Аҳли солиҳ турк султонлари хузурида насихат учун алоҳида катта мартабали шахс бўлар эди. Унинг асосий вазифаси, қаерда бўлмасин, вақти-вақти билан султонга яқин келиб, «Аллоҳу Акбар!» дея наъра тортиш эди. Султонлар ўзларини доимо паст олиб туриш, бандалиklarини эсдан чиқариб қўймаслик учун шундай йўл тутар эдилар.

НАСИХАТНИНГ ВОЖИБЛИГИ

Мусулмон жамияти аъзолари бир-бирларига доимо насихатда бўлишлари вожибдир. Бу ҳақда жуда ҳам кўп шаръий кўрсатмалар келган. Келинг, шу ўринда улардан баъзилари билан танишиб олайлик.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ، سِتٌّ»، قِيلَ: مَا هُنَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «إِذَا لَقَيْتَهُ، فَسَلِّمْ عَلَيْهِ، وَإِذَا دَعَاكَ، فَأَجِبْهُ، وَإِذَا اسْتَنْصَحَكَ، فَانصَحْ لَهُ، وَإِذَا عَطَسَ، فَحَمِدَ اللَّهَ، فَشَمِّتْهُ، وَإِذَا مَرِضَ، فَعُدَّهُ، وَإِذَا مَاتَ فَاتَّبِعْهُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи олтидир», дедилар.

«Улар қайсилар, эй Аллоҳнинг Расули?» дейилди.

«Қачон учратсанг, унга салом бер, қачон сени даъват (таклиф) қилса, унга ижобат қил, қачон сендан насиҳат сўраса, унга насиҳат қил, қачон акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, унга яхшилик тила, қачон бемор бўлса, уни бориб, кўр ва қачон вафот этса, ҳозир бўл», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган мусулмоннинг мусулмондаги ҳақларидан бири насаҳатдир.

«Қачон сендан насиҳат сўраса, унга насиҳат қил».

Албатта, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида турли-туман муаммоларга дуч келиб туради. Бу муаммоларни ҳал қилишда унинг бир ўзи ожиз бўлиши ҳам турган гап. Шунинг учун у ўзгаларнинг маслаҳатига муҳтож бўлади. Ҳар ишнинг ўз мутахассиси бор. Улар ўз мутахассислигига оид масалаларни ҳал қилишда ўзгалардан кўра яхшироқ мавқега эга бўладилар. Бошқалар ундан маслаҳат сўраганда тўғри маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш унинг зиммасидаги ҳақдир.

Шунингдек, мусулмон киши илмли, тажрибали кишиларнинг насиҳатига ҳам муҳтож бўлиб туради. Қачон бир мусулмон ўз биродаридан насиҳат қилишини сўраса, унга насиҳат қилиши лозим бўлади.

Бу омил ҳам кишилар орасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши турган гап.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْمُؤْمِنُ مِرَاةُ الْمُؤْمِنِ، وَالْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ، يَكْفُ عَلَيْهِ ضَيْعَتُهُ، وَيَحْوَطُهُ مِنْ وَرَائِهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ، وَلَفْظُهُ: «إِنَّ أَحَدَكُمْ مِرَاةُ أَخِيهِ، فَإِنْ رَأَى بِهِ أَدَى، فَلْيَمِطْهُ عَنْهُ».

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мўмин мўминнинг кўзгусидир. Мўмин мўминнинг биродаридир. Унинг зое бўлган нарчасини топиб беради ва уни(нг айбларини) ортидан беркитиб туради», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Албатта, бирингиз ўз биродарининг кўзгусидир. Агар унда кирни кўрса, уни ундан кетказсин», дедилар», дейилган.

Ушбу ҳадиси шарифга амал қилингандагина мўминлар катта ютуқларга эришишлари мумкин. Унга амал қилмай туриб ёки унинг тескарисини қилиб туриб, бирор яхшилиқни кутиш мумкин эмас.

«Мўмин мўминнинг кўзгусидир».

Кўзгу ҳар бир кишининг айбини беркитишга хизмат қилади. У ўзига қараган кишига бирор сўз айтмаса-да, унинг бор айбини, хатою камчиликларини кўрсатиб тураверади. Кўзгуга қараган киши бошқалар олдида уятга қолмаслик учун унинг ёрдамида ўзини ўнглаб олишга ҳаракат қилади.

Мўминлар ҳам айбни тузатиш борасида бир-бирлари учун худди ойна кабидирлар. Мўмин одам ўз биродарида бирор айбни кўрса, бошқалар кўрмай туриб, дарҳол уни тузатишга ҳаракат қилади. Иккинчи мўмин ҳам бу гапни тўғри қабул қилади ва ўз айбини тузатишда ёрдам берган биродарига раҳмат айтиб, унинг ҳаққига дуолар қилади.

«Мўмин мўминнинг биродаридир. Унинг зое бўлган нарчасини топиб беради ва уни(нг айбларини) ортидан беркитиб туради».

Ҳа, мўмин мўминга худди шундай муносабатда бўлади. У ўз биродарига доимо яхшилиқни раво кўради. Агар унинг бирор нарсаси йўқолиб қолса, ўша нарсани топиб беришга ҳаракат қилади. Агар биродари йўқлигида унинг бирор айби очилиб қолса ҳам ўша айбини беркитиб, ҳимоя қилади. Энди аъзолари орасида бундай ҳамкорлик ҳукм сурган жамиятнинг қандай бўлишини кўз олдимишга келтираверайлик.

«Албатта, бирингиз ўз биродарининг кўзгусидир. Агар унда кирни кўрса, уни ундан кетказсин».

Биродаридаги гардни кўриб туриб, уни артиб қўймаган киши унга дўст-биродар бўлармиди!?

ФАРЗ ВА НАФЛ НАСИХАТ

Бу борада имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Наср Марвазий ўзининг «Изаму қадрис-солати» номли китобида куйидагиларни ёзади:

«Аҳли илмлардан баъзиси демишлар: «Насихат сўзининг тафсирини жамловчи гап шулки, насихат – ким бўлишидан қатъи назар, насихат қилинувчига қалбнинг иноятидир. Насихат икки турли бўлади. Бири фарз, бошқаси нафл. Аллоҳ таоло учун фарз насихат шуки, бунда насихатчи фарз қилинган нарсани адо этишга, ҳаром қилинган нарсадан четда бўлишга ва Аллоҳнинг муҳаббатини излашга ғоятда ҳарис бўлади. Нафл насихат эса банданинг ўзидан кўра кўпроқ Аллоҳ таолога муҳаббат қилишидир. Бунда бандага икки иш рўбарў бўлади. Бири ўзи учун, бошқаси Робби учун. Ўшанда у Робби учун бўлган ишни олдинга, ўзи учун бўлганини ортга суради. Ушбулар Аллоҳ таоло учун фарз ва нафл насихатнинг қисқача баёнидир.

Энди қисқача баёнини англашга бир оз қийналганлар учун унинг тафсилотини тақдим қиламиз. Фарз

насиҳат, яъни холис бўлиш Аллоҳ таолонинг қайтарган амалларидан иложи борича четда бўлиш ва фарз қилган амалларини бажаришда холис бўлиш. Агар банда ўзига етган беморлик, маҳбуслик ёки шунга ўхшаш бирор му-сибат туфайли фарзни бажаришдан ожиз бўлиб қолса, ўша офат кетганидан кейин ўзига фарз қилинган нарсани адо этишга азм қилади.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

لَيْسَ عَلَى الضُّعَفَاءِ وَلَا عَلَى الْمَرْضَى وَلَا عَلَى الَّذِينَ لَا
يَجِدُونَ مَا يَنْفِقُونَ حَرَجٌ إِذَا نَصَحُوا لِلَّهِ وَرَسُولِهِ مَا عَلَى
الْمُحْسِنِينَ مِنْ سَبِيلٍ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿١١﴾

«Заифларга, беморларга ва сарф-харажат қиладиган нарса топа олмаётганларга, агар Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, танглик йўқ. Яхшилик қилувчилар узра (айблашга) ҳеч қандай йўл йўқ. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» (91-оят).

Баъзи ҳолатларда амалларни бажариш масъулияти банданинг зиммасидан бир йўла кўтарилади. Аммо улардан Аллоҳ таоло учун насиҳат қилиш масъулияти кўтарилмайди. Банда ўзига етган беморлик туфайли аъзолари билан, тили билан ва бошқа нарсалари билан амал қилиш имконини йўқотган бўлса ҳам, унинг ақли собит турган бўлади. Шунинг учун ҳам унинг зиммасидан қалби билан Аллоҳ таоло учун насиҳат қилиш иши соқит бўлмайди. Бу амални эса гуноҳларига надомат қилиш, тузалиб кетса, Аллоҳ таоло ўзига фарз қилган амалларни ўрнида адо этиш, У Зот қайтарган нарсалардан қайтишни ният қилиш билан адо этади. Акс ҳолда Аллоҳ таоло учун қалби билан насиҳат қилувчи бўла

олмайди. Осийнинг исёнини ёмон кўриш ва итоатчининг тоатини яхши кўриш ҳам Аллоҳ таоло учун вожиб насиҳатлардандир.

Фарз эмас, нафл насиҳатга келадиган бўлсак, у қалбга маҳбуб бўлган барча нарсаларда Аллоҳ таолони У Зотдан ўзгадан устун қўйиш учун бор имкониятни ишга солишдан иборатдир».

НАСИҲАТ ОДОБЛАРИ

Насиҳатни аввало инсон ўзига ўзи қилиши керак. Ўзига ўзи насиҳат қила олмаган одам ўзгага ҳам насиҳат қила олмайди. Кимдан насиҳат қилиш талаб этилса, бу ишни ўзига зарар етадиган бўлса ҳам, охирига етказиб ва пухта қилиб адо этиши, бу борада Аллоҳ таолонинг куйидаги қавллари едда тутиши лозим бўлади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِالْقِسْطِ شُهَدَاءَ لِلّٰهِ وَلَوْ
عَلَىٰ أَنفُسِكُمْ أَوِ الْوَالِدِينَ وَالْأَقْرَبِينَ

«Эй иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-она ва қариндошлар зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун гувоҳлик берувчи бўлинг» (135-оят).

Аллоҳ таоло Анъом сурасида марҳамат қилади:

وَإِذَا قُلْتُمْ فَاعْدِلُوا وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ

«Агар гапирсангиз, қариндошингиз бўлса ҳам, адолат қилинг» (152-оят).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху айтадилар: «Модомики киши ўзидан маслаҳат сўраганга насиҳат

қилар экан, ўз фикрининг тўғрилигида бардавом бўлади. Қачон уни алдаса, Аллоҳ таоло унинг насиҳатини ҳам, фикрини ҳам суғуриб олади. Одамларнинг «Бировга насиҳат қилганингда қабул қилмаса, уни алдаш билан Аллоҳ таолога курбат ҳосил қил», деган гапларига эътибор берса, бу шайтон унинг тилига ташлаган гапдир».

НАСИҲАТ ҚИЛУВЧИНИНГ ОДОБЛАРИ

1. Насиҳатни дариг тутмаслик.

Яъни бир одам насиҳат сўраса, дарҳол унга насиҳат қилиш, насиҳатга муҳтож одамларга ўзлари сўрамаса ҳам насиҳат қилиш, бу иш Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида келган мусулмоннинг мусулмондаги ҳақларидан бири эканини унутмаслик лозим.

2. Насиҳат қилувчи ўзи насиҳат қилган масалада ўзгаларга яхши ўрнак бўлиши керак.

Улуғларимиздан бирлари ўз дўстига куйидаги мактубни ёзган: «Одамларга амалинг билан ваъз қил, куруқ гапинг билан эмас. Аллоҳ таолодан У Зотнинг сенга яқинлиги миқдорича ҳаё қил, У Зотнинг сенга қудрати етишига қараб кўрқ. Вассалом!»

Агар Фузайл ибн Иёз ваъз-насиҳат қилса, унинг маҳзунлиги тингловчиларнинг қалбига ўтар, уларнинг кўплари унинг ҳолига тушар эдилар. Унинг ваъзлари атрофидагиларнинг қалбларига маҳзунлик ва афсусни киритар, уларни дунё уйқусидан уйғотар, дунёга берилишдан қайтарарди.

Банда нафсининг кўйига тушиб қолмаслиги, унинг розилигини излаб, йўлдан адашмаслиги учун яхши насиҳатгўй керак бўлади. Албатта, бу борада дуч келган одам насиҳатгўй бўла олмайди, яъни насиҳат берувчининг ўзи аввало нафсининг розилигини кўзламайдиган

шахс бўлиши лозимдир. Бу ҳақда Ибн Атоуллоҳ Сакандарий раҳматуллоҳи алайҳнинг ғоят пурҳикмат кўрсатмалари бор:

«Нафсидан норози бўлган жоҳилга соҳиб бўлишинг нафсидан рози бўлган олимга соҳиб бўлишингдан яхшидир».

3. Насихатни яширин қилиш лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلّى الله عليه وآله قَالَ: «الْمُؤْمِنُ مِرَاةُ الْمُؤْمِنِ، وَالْمُؤْمِنُ أَخُو الْمُؤْمِنِ، يَكْفُ عَلَيْهِ ضَيْعَتُهُ، وَيَحْوَطُهُ مِنْ وَرَائِهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ، وَلَقَطَهُ: «إِنَّ أَحَدَكُمْ مِرَاةُ أَخِيهِ، فَإِنْ رَأَى بِهِ أَدَى، فَلْيَمِطْهُ عَنْهُ».

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мўмин мўминнинг кўзгусидир. Мўмин мўминнинг биродаридир. Унинг зое бўлган нарсасини топиб беради ва уни(нг айбларини) ортидан беркитиб туради», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Албатта, бирингиз ўз биродарининг кўзгусидир. Агар унда кирни кўрса, уни ундан кетказсин», дедилар», дейилган.

Албатта, насихат қилиш бошқаларнинг олдида эмас, ёлғиз ҳолда амалга оширилади, яъни бир одамга унинг айбларини айтиб, йўл кўрсатиб насихат қилиш яккама-якка бўлади. Бу ишни бошқаларнинг олдида қилиш эса насихат эмас, дўқ-пўписа бўлади.

Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ:

«Ким ўз дўстига махфий ваъз қилса, унга насиҳат қилган ва уни зийнатлаган бўлади. Ким ўз дўстига ошкора ваъз қилса, уни шарманда қилган ва айблаган бўлади», деганлар.

Мусаъир раҳматуллоҳи алайҳга «Сенга айбларинг ҳақида хабар берган одамни яхши кўрасанми?» дейилди. У киши: «Агар у билан ўзим ёлғиз бўлсак, яхши кўраман. Агар одамлар орасида бўлса, йўқ», дедилар.

Аллоҳ таоло ҳам қиёмат куни банданинг айбларини унинг ўзига алоҳида айтади.

«إِنَّ اللَّهَ يُدْنِي الْمُؤْمِنَ، فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَنَفَهُ، وَيَقُولُ: أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ فَيَقُولُ: نَعَمْ أَيُّ رَبِّ، حَتَّى إِذَا قَرَّرَهُ بِذُنُوبِهِ، قَالَ: سَتَرْتُهَا عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا، وَأَنَا أَعْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ.»

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, Аллоҳ қиёмат куни бандани ўзига яқинлаштиради. Ҳаттоки елкасини унинг устига қўяди ва унга: «Бу гуноҳни биласанми, бу гуноҳни биласанми?» деб гуноҳларини санайди. У: «Ҳа, Роббим», дейди. Ниҳоят, уни гуноҳларига иқрор қилдириб бўлганидан сўнг унга: «Ана ўшаларни у дунёда сатр қилдим, бугун эса сени мағфират қиламан», дейди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ҳатто Аллоҳ таоло қиёмат куни банданинг гуноҳини ўзига айтишда ва уни иқрор қилишда ошкораликни раво кўрмаганидан кейин, ожиз бандалар бир-бирларининг гуноҳлари хусусида насиҳатни сирли равишда қилишлари жуда ҳам зарур бўлади.

Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Насиҳатгўйнинг ғарази насиҳат қилинувчининг айбини кўпчиликка ошкор қилиш эмас. Унинг ғарази бузукликни йўқотиш-

дир. Шунинг учун насихат буюрувчи билан буюрилувчи орасидаги сир бўлиши керак. Ошкор қилиш ва айбларни очиб ташлаш Аллоҳ таоло ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаром қилган нарсалардан ҳамда мўминларнинг ичида фаҳш ишларни тарқатишдандир».

НАСИХАТ ҚИЛИНУВЧИНИНГ ОДОБЛАРИ

1. Насихат қилинувчи насихатни бағрикенглик билан қабул қилади.

2. Насихат қилинувчи ўзига қилинган тўғри насихатга амал қилади.

3. Насихат қилинувчи насихат қилувчига насихат қилгани учун ташаккур изҳор қилади.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анху: «Менга айбимни ҳады қилган одам мен учун энг сеvimли одамдир», деганлар.

НАСИХАТ ТИНГЛАШ ОДОБЛАРИ

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху нафақат танқидни кўтариш ва уни тўғри тушуниш жасоратига, балки насихат тинглаш жасоратига ҳам эга эдилар.

У киши розияллоҳу анҳуда «Менинг насихатимни бутун дунё тинглаб турибди-ку, менга ким ҳам насихат қила олар эди», деган тушунча мутлақо йўқ эди.

Хавла бинти Саълабанинг насихати

Ибн Абу Ҳотим, Байҳақий ва Доримийлардан ривоят қилинишича, ҳазрати Умар Ибн Хаттоб ўз халифалик даврларида бир гуруҳ кишилар билан кетаётган эканлар, бир аёл у кишини узоқ тўхтатиб қолиб, халифага ваъз-насихат қила бошлабди.

«Эй Умар, – дебди у – яқиндагина сени «Умарча», деб чақиришарди, улғайганингдан сўнг «Эй Умар», деб

чакирадиган бўлишди. Энди эса «Эй амирал мўминин», деб чакиришяпти. Аллоҳдан кўрқкин, эй Умар! Ким ўлимга ишонса, умрини бекор ўтказишдан кўрқадди, ким ҳисоб-китобга ишонса, азобдан кўрқадди», дея сўзлайверибди у. Ҳазрати Умар эса жимгина қулоқ солиб турибдилар. Атрофдагилар у кишига:

«Эй мўминларнинг амири! Бир кампирга ҳам шунчалик тўхтаб турасизми?» дейишганида, ҳазрати Умар уларга жавобан шундай деган эканлар:

«Аллоҳга қасамки, куннинг аввалидан охиригача ушлаб турса ҳам, фарз намоз вақтидан бошқа вақтда туравераман. Бу кампирнинг кимлигини биласизларми ўзи? Бу Хавла Бинти Саълаба. Унинг сўзини Аллоҳ таоло етти осмоннинг устидан эшитган. Бу аёлнинг сўзларини оламларнинг Парвардигори эштади-ю, Умар эшитмасинми?!»

Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳунинг шу қадар олий мақомларга эришишларига сабаб бўлган хислатларидан бири ҳам шу эди. У киши бу хислатга Куръони Карим таълимотларини татбиқ қила бориб эришган эдилар. У киши бу хислатга ўз ҳабиблари Муҳаммад алайҳиссаломнинг сийратларига иқтидо қилиб бориб, эришган эдилар.

Саъид ибн Омирнинг насихати

Ибн Саъд ва Ибн Асокир Макхулдан ривоят қилдилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан Саъид ибн Омир Жумҳий Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳуга:

«Эй Умар! Мен сенга насихат қилмоқчиман», деди.

«Жуда яхши! Менга насихат қил», деди Умар.

«Сенга одамлар ҳақида Аллоҳдан кўркишингни, Аллоҳ ҳақида одамлардан кўркмаслигингни насиҳат қиламан:

Гапинг бошқа, ишинг бошқа бўлмасин. Чунки энг яхши гап иш билан тасдиқ топган гапдир.

Бир ишда икки хил ҳукм чиқарма. Унда ишинг ўзингга хилоф бўлиб, ҳақдан оғасан.

Ҳужжати бор ишни тут, ютуқни оласан, Аллоҳ сенга ёрдам беради ва раъиятингни солиҳ қилади.

Юзингни ҳам, ҳукмингни ҳам Аллоҳ сенга ишларини топшириб қўйган узоқ-яқин мусулмонларга қарат.

Ўзингга ва аҳли байтингга яхши кўрган нарсангни уларга ҳам яхши кўр. Ўзингга ва аҳли байтингга раво кўрмаган нарсангни уларга ҳам раво кўрма.

Ҳақ йўлида оғирликларга шўнғин. Аллоҳнинг ҳақида маломатчининг маломатидан кўркма», деди.

Умар: «Унга ким қодир бўларди?» деди.

Саъид: «Аллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом умматининг ишини топшириб қўйган, сўнгра у билан Аллоҳнинг орасига ҳеч ким туша олмайдиган одам», деди».

Худди ўша одам Умар ибн Хаттоб розияллоху анху эдилар.

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху Мадоинни фатҳ этганларидан сўнг ўша ерда биринчи бор Жума номозини ҳам қоим қилдилар ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анхуга суюнчилик хабари билан ўлжанинг бешдан бирини юбордилар. У киши ўлжаларга қараб туриб: «Буни адо қилган қавм албатта, омонат эгаларидир», дедилар.

Ҳазрати Али розияллоху анху у кишига: «Ўзинг иф-фатли бўлганинг учун одамларинг ҳам иф-фатли бўлдилар», дедилар.

Ўлжалар ичида Кисронинг олтмиш аршинга олтмиш аршин ҳажмдаги «қитф» деб номланадиган гилами ҳам

бор эди. Ҳазрати Умар у ҳақда маслаҳат қилдилар. Ҳамма: «Уни ўзингиз олинг», деди. Фақат ҳазрати Али розияллоху анҳу:

«Эй мўминларнинг амири, буларнинг айтганлари тўғри. Аммо бироз шошилмай, ўйлайлик. Агар бугун сиз буни олсангиз, эртага бошқа биров ўзининг ҳаққи йўқ нарсани олишга ўтиши мумкин», деди. Ҳазрати Умар:

«Тўғри айтасан, менга ҳақ насиҳатни қилдинг», дедилар ва гиламни одамларга бўлиб бердилар.

Абу Муслим Хавлонийнинг Муовия розияллоху анҳуга насиҳати

– «Мавсуатул ахлоқи ваз-зуҳди вар-рақоиқи» номли китобда «Насиҳат қилиш ибодатдир» сарлавҳаси остида қуйидагилар келтирилган:

«Абу Муслим Хавлоний Муовиянинг хузурига кирди. Уни ўзининг обод мажлисларидан бирида кўрди. Уни давлатининг одамлари, аскарининг лашкарбошилари, қавмининг улуғлари қуршаб ўтиришарди. Одамлар уни ҳаддан зиёд муболаға ила улуғлаётганларини кўрди. Бу ҳолат унга зарар қилишидан жуда ҳам кўрқди. Уни кўриши билан «Ассалому алайка, эй ажирал мўминин – мўминларнинг мардикори!» деди. Одамлар унга бурилиб қараб: «Ҳой Абу Муслим! Амирал мўминин», дейишди. У эса одамларга эътибор бермасдан «Ассалому алайка, эй ажирал мўминин – мўминларнинг мардикори!» деди. Одамлар: «Ҳой Абу Муслим! Амирал мўминин», дейишди. У эса уларнинг гапини эшитмаганга олиб, уларга кўз қирини ҳам ташламасдан: «Ассалому алайка, эй ажирал мўминин – мўминларнинг мардикори!» деди.

Одамлар унга ташланмоқчи бўлишган эди, Муовия уларга қараб: «Абу Муслимни ўз ҳолига қўйинглар.

У нима деяётганини яхши билади», деди. Шунда Абу Муслим Муовияга қараб қуйидагиларни айтди:

«Аллоҳ таоло сени одамларнинг ишига волий қилиб қўйганидан кейинги ҳолинг худди қўйини боққани мардикор олган ёки вакил қилган одамга ўхшайди. Агар у қўйини яхши боқса, танасини муҳофаза қилса, жун ва сутини кўпайтирса, иш ҳақи беришни ваъда қилган. Агар мардикор берган ваъдасига вафо қилса, қўйнинг кичигини катта, ориғини семиз, касалини соғлом қилса, иш ҳақини беради ва зиёда ҳам қилади. Агар мардикор чўпон қўйни яхши боқмаса, улардан ғофил қолса, озғинлари ўлиб кетса, семизлари озиб кетса, жунлари ва сутлари зое бўлса, унга иш ҳақи бермайди, ғазабланади ва уни жазолайди. Бас, сен ўзингга яхшилигингни ва иш ҳақингни ихтиёр қил!»

НАСИҲАТГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ ФОЙДАСИ

Улуғларнинг ва устозларнинг насиҳатига амал қилиш доимо фойда келтиради. Бу борада имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «Ал Адаб ал Муфрад» номли китобларида бир ривоят келтирганлар. Эътиборингизга ўша ривоятни унинг шарҳи ила тақдим қиламиз.

عَنِ الْحَسَنِ: أَنَّ رَجُلًا تُوفِّيَ، وَتَرَكَ ابْنًا لَهُ، وَمَوْئِلَ لَهُ، فَأَوْصَى مَوْلَاهُ بِابْنِهِ، فَلَمْ يَأْلُوهُ حَتَّى أَدْرَكَ وَزَوْجَهُ، فَقَالَ لَهُ: جَهِّزْنِي أَطْلُبُ الْعِلْمَ، فَجَهَّزَهُ، فَأَتَى عَالِمًا فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: إِذَا أَرَدْتَ أَنْ تَنْطَلِقَ، فَقُلْ لِي أَعْلَمُكَ، فَقَالَ: حَضَرَ مِنِّي الْخُرُوجَ، فَعَلَّمَنِي، فَقَالَ: اتَّقِ اللَّهَ، وَأَصْبِرْ، وَلَا تَسْتَعْجِلْ، - قَالَ الْحَسَنُ: فِي هَذَا الْخَيْرُ كُلُّهُ -

فَجَاءَ وَلَا يَكَادُ يَنْسَاهُنَّ، إِنَّمَا هُنَّ ثَلَاثٌ، فَلَمَّا جَاءَ أَهْلَهُ، نَزَلَ عَنْ رَاحِلَتِهِ، فَلَمَّا نَزَلَ الدَّارَ، إِذَا هُوَ بِرَجُلٍ نَائِمٍ، مُتَرَاخٍ عَنِ الْمَرْأَةِ، وَإِذَا امْرَأَتُهُ نَائِمَةٌ، قَالَ: وَاللَّهِ، مَا أُرِيدُ مَا أَنْتَظِرُ بِهِذَا، فَرَجَعَ إِلَى رَاحِلَتِهِ، فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَأْخُذَ السَّيْفَ، قَالَ: اتَّقِ اللَّهَ، وَاصْبِرْ، وَلَا تَسْتَعْجِلْ، فَرَجَعَ، فَلَمَّا قَامَ عَلَى رَأْسِهِ، قَالَ: مَا أَنْتَظِرُ بِهِذَا شَيْئًا، فَرَجَعَ إِلَى رَاحِلَتِهِ، فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَأْخُذَ سَيْفَهُ، ذَكَرَهُ، فَرَجَعَ إِلَيْهِ، فَلَمَّا قَامَ عَلَى رَأْسِهِ، اسْتَيْقَظَ الرَّجُلُ، فَلَمَّا رَأَهُ وَثَبَ إِلَيْهِ، فَعَانَقَهُ، وَقَبَّلَهُ، وَسَاءَلَهُ، قَالَ: مَا أَصَبْتَ بَعْدِي؟ قَالَ: أَصَبْتُ وَاللَّهِ بَعْدَكَ خَيْرًا كَثِيرًا، أَصَبْتُ وَاللَّهِ بَعْدَكَ أَنِّي مَشَيْتُ اللَّيْلَةَ بَيْنَ السَّيْفِ وَبَيْنَ رَأْسِكَ ثَلَاثَ مَرَارٍ، فَحَجَزَنِي مَا أَصَبْتُ مِنَ الْعِلْمِ عَنْ قَبْلِكَ.

Ҳасан ривоят қилади:

«Бир одам вафот қилди. Унинг ортидан ўғли ва мавлоси (озод қилган қули) қолди. Мавлосига ўғли ҳақида васият қилди. У бунда нуқсонга йўл қўймади. У вояга етганда уйлантирди. Сўнг ўғил унга: «Менга керакли нарсаларни беринг, илм талаб қилай», деди. У керакли нарсаларни тайёрлаб берди. У бир олимнинг олдига бориб, ундан илм олди. У:

«Қайтишни ирода қилсанг, менга айт. Сенга илм ўргатаман», деди.

«Менинг кетадиган пайтим бўлди. Илмни ўргат», деди.

«Аллоҳга тақво қил, сабрли бўл, пошилма», деди.

Ҳасан: «Яхшилиқнинг ҳаммаси шунда», деди.

У уларни унутмай келди. Улар ўзи учтагина. У аҳлига етиб келганида уловидан тушди. У ҳовлига кириб қараса, бир эркак, ундан нарироқда аёл ухлаб ётибди.

«Аллоҳга қасамки, буни кутиб тура олмайман!» деди.

Юқларининг олдига борди. Қилични олмоқчи бўлганида «Аллоҳга тақво қил, сабрли бўл, шошилма», деди ва орқага қайтди. Бориб, унинг боши устида турди. Яна:

«Аллоҳга қасамки, буни кутиб тура олмайман!» деди.

Юқларининг олдига қайтиб борди. Қилични олмоқчи бўлганда уни эслади. Унинг олдига қайтиб борди. Унинг боши устида турганида эркак уйғониб қолди. Уни кўриши билан сакраб кучоқлаб олди, уни ўпди ва:

«Мендан кейин нима кўрдинг?!» деди.

«Аллоҳга қасамки, сендан кейин кўп яхшиликларни кўрдим. Аллоҳга қасамки, сендан кейин кечаси бошинг билан қиличнинг ўртасида уч марта бориб келдим. Мени сени ўлдиришдан олган илмим тўсди», деди».

Бу ривоятда кўзланган мақсад ҳикоя услуби ила баён қилинмоқда.

Ўтган замонда бир одам вафот қилибди. Унинг бир ўғли ва озод қилган қули қолибди. Ота ўлими олдидан мавлосига ўғли ҳақида васият қилибди.

Озод бўлган қул хожасининг айтганини жуда яхши тарзда адо этибди. Болани тарбиялабди, уйли-жойли қилибди, (ўзининг қизига) уйлантирибди. Сўнг ўғил унга: «Менга йўлга керакли нарсаларни беринг, бориб илм олиб келай», дебди.

Собиқ кул унга ҳамма керакли нарсаларни тайёрлаб берибди. Сўнг ўғил бир олимнинг олдига бориб, ундан илм олибди. Устози унга: «Менинг олдимдан қайтиб кетмоқчи бўлганингда айтиб қўй, бир муҳим илмни сенга ўргатаман», дебди.

Кунлардан бир куни ўғил устозига: «Эй устоз! Менинг кетадиган пайтим бўлди. Ўша айтган илимингизни ўргатинг», дебди.

Устози унга: «Аллоҳга тақво қил, сабрли бўл, шошилма», дебди. Шогирд: «Хўп», деб уйига кетибди.

(Шу ерда ровий Ҳасан устознинг ушбу насиҳатида яхшилиқнинг, хайр-бараканинг ҳаммаси Аллоҳга тақво қилишда, сабрли бўлишда, шошилмасликда жам бўлганини гап орасида таъкидлаб қўйган)

Ўғил уйига қайтар экан, устози айтган учта насиҳатни кулоғига қуйиб олди. Уйига кечаси етиб келди. Отини боғлаб, уйига кириб қараса, хотини ухлаб ётибди, сал нарида бир эркак киши ҳам ухлаб ётибди.

Ҳазабланиб: «Аллоҳга қасамки, ёмон иш бўлибди», деб қайтиб, юқларининг олдига борибди ва қиличини чиқарибди. Қилични қинидан суғураётганида устозининг насиҳатини эслабди: «Аллоҳга тақво қил, сабрли бўл, шошилма».

Насиҳатга амал қилиб, қайтиб уйга кирибди. Келса, яна ўша аҳвол. Яна ғазабга миниб, қайтиб яна қиличини олиш учун юқларининг олдига борибди. Яна насиҳат эсига тушиб, тўхтабди.

У учинчи бор уйга кирганида ухлаб ётган эркак киши уйғониб қолибди. У кирган одамни таниб, сакраб туриб, у билан кучоқлашиб кўришиб кетибди. Шогирд қарасаки, ухлаб ётган одам отаси озод қилган кул экан. Сўрашиб, гаплашиб ўтиришибди.

Озод қилинган қул йигитдан бўлган воқеаларни сўрабди. Йигит шундай дебди: «Мен бу ердан кетиб, кўп нарсани ўргандим. Бир улуғ илм ўргандимки, бу илм менга ҳозир, шу кечада катта манфаат берди. Сенинг бошинг билан қиличнинг ўртасида уч марта бориб келдим. Ана шу илм мени сени ўлдиришдан тўхтатиб қолди, акс ҳолда сени ўлдириб қўярдим».

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «Адабул муфрад» номли китобларида қуйидаги бобни очиб, унда бир неча ҳадиси шарифларни келтирганлар.

ҚУЛ ХОЖАСИГА НАСИХАТ ҚИЛСА

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا نَصَحَ لِسَيِّدِهِ، وَأَحْسَنَ عِبَادَةَ رَبِّهِ، لَهُ أَجْرُهُ مَرَّتَيْنِ».

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қул хожасига насиҳат қилса ва Роббига ибодатни гўзал адо этса, унга икки марта ажр бўлади», дедилар».

Ушбу ҳадисдан Ислом қулларга ўз хожасига насиҳат қилиш ҳуқуқини берганини, бинобарин, уларнинг инсоний мақомини қай даражада кўтарганини билиб оламиз. Исломда қул киши ўз хожасига насиҳат қилиш ҳаққига эгадир. Ходим ўз раҳбарига насиҳат қилиш ҳаққига эгадир. Улар ушбу насиҳат учун ажру савоб оладилар.

Шу тариқа жамиятда яхшилик тарқатиш ва ёмонликка қарши кураш йўлга қўйилади. Бу баракотли ишда ҳар бир шахс фаол қатнашади. Ҳар бир шахс ўз жамиятида эзгулик, хайр ва барака ҳукм суришига ва ёмонликларнинг йўқолишига ўз ҳиссасини қўшади.

Қул бўлган одам икки ажр олиш имконига эга бўлиши катта гап: хожасига насиҳат қилгани учун бир ажр, Роббига ибодат қилгани учун бир ажр. Албатта, бу нарса Исломнинг қуллар ҳолини яхшилаш йўлида олиб борган улуғ ишларидан биридир.

عَنْ أَبِي مُوسَى، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «الْمَمْلُوكُ الَّذِي يُحْسِنُ عِبَادَةَ رَبِّهِ، وَيُؤَدِّي إِلَى سَيِّدِهِ الَّذِي فَرَضَ عَلَيْهِ مِنَ الطَّاعَةِ، وَالنَّصِيحَةِ، لَهُ أَجْرَانِ».

Абу Мусодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Роббининг ибодатини яхшилаб қилган ва хожасига нисбатан зиммасига фарз бўлган итоат ва насиҳатни адо этган қулга икки ажр бор», дедилар».

Қул бўлган кишилар ўз вазиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳам Аллоҳ таолонинг, ҳам ўз хожаларининг ҳақларини адо этишлари лозим бўлади.

Бу икки ҳақ ҳам ўзига яраша бўлади. Аллоҳнинг ҳаққини адо этиш баҳонаси билан хожанинг ҳаққини поймол қилиб бўлмайди. Шунингдек, хожанинг ҳаққини адо этиш баҳонаси билан Аллоҳ таолонинг ҳаққини поймол қилиб бўлмайди.

Албатта, бу ҳолат ўзига яраша қийинчилик туғдириши мумкин, аммо бунинг ўзига яраша мукофоти ҳам бор. Бундай кишилар икки ҳисса ажр олиш имконига эга бўладилар.

НАБАВИЙ НАСИҲАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари бошқа пайғамбарларники каби ваъз-насихатдан иборатдир. Шундай бўлса ҳам, айнан «насихат» сўзи тилга олинган ҳадиси шарифлардан намуна келтиришга ижозат бергайсиз.

عَنْ حَرْمَلَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، أَنَّهُ خَرَجَ حَتَّى أَتَى النَّبِيَّ ﷺ، فَكَانَ عِنْدَهُ حَتَّى عَرَفَهُ النَّبِيُّ ﷺ، فَلَمَّا ارْتَحَلَ، قُلْتُ فِي نَفْسِي: وَاللَّهِ لَا تَبِينُ النَّبِيُّ ﷺ، حَتَّى أَزْدَادَ مِنَ الْعِلْمِ، فَجِئْتُ أَمْشِي، حَتَّى قُمْتُ بَيْنَ يَدَيْهِ، فَقُلْتُ: مَا تَأْمُرُنِي أَعْمَلُ؟ قَالَ: «يَا حَرْمَلَةُ، إِنَّتِ الْمَعْرُوفَ، وَاجْتَنِبِ الْمُنْكَرَ». ثُمَّ رَجَعْتُ حَتَّى جِئْتُ الرَّاحِلَةَ، ثُمَّ أَقْبَلْتُ حَتَّى قُمْتُ مَقَامِي قَرِيبًا مِنْهُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا تَأْمُرُنِي أَنْ أَعْمَلَ؟ قَالَ: «يَا حَرْمَلَةُ، إِنَّتِ الْمَعْرُوفَ، وَاجْتَنِبِ الْمُنْكَرَ، وَأَنْظُرْ مَا يُعْجَبُ أَدْنَاكَ، أَنْ يَقُولَ لَكَ الْقَوْمُ، إِذَا قُمْتَ مِنْ عِنْدِهِمْ فَأَتَهُ، وَأَنْظُرِ الَّذِي تَكْرَهُهُ، أَنْ يَقُولَ لَكَ الْقَوْمُ، إِذَا قُمْتَ مِنْ عِنْدِهِمْ فَاجْتَنِبْهُ». فَلَمَّا رَجَعْتُ، تَفَكَّرْتُ، فَإِذَا هُمَا لَمْ يَدَعَا شَيْئًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ҳармала ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади:

«У сафар қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бир муддат турди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни таниб қолдилар.

«Ўз юртимга қайтганимда ўзимга ўзим:

«Аллоҳга қасамки, яна Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига қайтаман, токи илмим

зиёда бўлсин», дедим. Пиёда юриб, у зотнинг хузурларига бордим. Бориб, қаршиларида тик турдим ва:

«Менга нима қилишни буюрасиз?» дедим.

«Эй Ҳармала! Яхшилик қил, ёмонликдан четда бўл!» дедилар.

Мен қайтдим. Юкларимнинг олдига бордим. Сўнг яна қайтиб, у зотнинг хузурларига бориб, олдиларига яқинроқ туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, нима қилишимни амр қиласиз?» дедим.

«Эй Ҳармала! Яхшилик қил, ёмонликдан четда бўл. Қулоғинг эшитганда ёқимли бўлган нарсага назар сол. Одамлар орқангдан сен ҳақингда нима дейишларини ёқтирсанг, ўша ишни қил.

Ўзингга ёқмайдиган нарсаларга ҳам назар сол. Одамлар орқангдан сен ҳақингда нима дейишларини ёқтирмасанг, ўша ишни қилма», дедилар.

Қайтганимда ўйлаб кўрсам, мана шу икки насиҳат ҳеч нарсани қолдирмай ўз ичига олган экан».

Бухорий ривоят қилган.

Демак, бу дунёда яхшилик қилиб яшаш, ёмонликдан четда бўлиш жуда муҳим ишдир. Ҳармала розияллоху анху қандай яшаш кераклигини сўрадилар. Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам маъруф ишни қилишни, мункар ишдан четда бўлишни насиҳат қилдилар.

Буни жуда яхши англаб олишимиз керак.

Маъруф – шариат буюрган, мақтаган нарсалардир. Бунга қўлимиздан келганича ихлос билан амал қилишимиз лозим.

Мункар – шариат қайтарган, огоҳлантирган, оқибатидан кўрқитган нарсалардир. Бундай ишлардан сақланишимиз, четда бўлишимиз керак.

Қай бир банда бу дунёда маъруф ишни қилиб, мункардан четланиб юрса, яъни яхшиликни қилиб, ёмонликдан четланиб юрса, иншааллоҳ, муродига етади.

Аллоҳ таоло барчамизни маъруф ишни қилиб, мункардан четланадиган бандаларидан қилсин.

عَنْ سُلَيْمِ بْنِ جَابِرِ الْأَحْمَرِيِّ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَهُوَ مُحْتَبٌ فِي بُرْدَةٍ، وَإِنَّ هَدَّابَهَا لَعَلَى قَدَمَيْهِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَوْصِنِي، قَالَ: «عَلَيْكَ بِاتِّقَاءِ اللَّهِ، وَلَا تَحْقِرَنَّ مِنَ الْمَعْرُوفِ شَيْئًا، وَلَوْ أَنْ تَفْرَغَ لِلْمُسْتَسْقَى مِنْ دَلْوِكَ فِي إِنَائِهِ، أَوْ تَكَلَّمَ أَحَاكَ، وَوَجَّهَكَ مُنْبَسِطًا، وَإِيَّاكَ وَإِسْبَالَ الْإِزَارِ، فَإِنَّهَا مِنَ الْمَخِيلَةِ، وَلَا يُجِبُّهَا اللَّهُ، وَإِنْ أَمْرٌ عَيْرُكَ بِشَيْءٍ يَعْلَمُهُ مِنْكَ، فَلَا تُعَيِّرُهُ بِشَيْءٍ تَعْلَمُهُ مِنْهُ، دَعَا، يَكُونُ وَبَالَهُ عَلَيْهِ، وَأَجْرُهُ لَكَ، وَلَا تُسَبِّنَّ شَيْئًا»، قَالَ: فَمَا سَبَّبْتُ بَعْدُ دَابَّةً وَلَا إِنْسَانًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Сулайм ибн Жобир ибн ал-Хужаймийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бордим. Ул зот чопонга ўраниб, тиззаларини кучоқлаб ўтирган эканлар. Унинг этаклари у зотнинг қадамлари устига тушиб турибди.

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга бир насиҳат қилинг», дедим.

«Аллоҳга тақво қилишни лозим тут. Яхшиликдан ҳеч нарсани кичик санама. Ҳатто челагиндан бировнинг идишига сув қуйиб бериш бўлса ҳам ёки биродарингга очиқ чехра билан гапириш бўлса ҳам.

Изорингни судраб юришдан сақлан. Зеро, бу мутакаббирликдир ва уни Аллоҳ хуш кўрмас.

Бир киши сенинг айбингни билиб олиб, юзингга солса, сен унинг айбини билсанг ҳам, юзига солмагин. Кўйиб бер, балоси ўзига, ажри сенга. Ҳеч нарса ни сўкмагин», дедилар.

Бас, шундан кейин ҳайвонни ҳам, инсонни ҳам сўкмадим».

Бухорий ривоят қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ровийга жуда муҳим, гўзал насихат қилган эканлар. Бу насихатлардан яхшиликнинг катта-кичиги бўлмаслиги, кийим билан кибрланмаслик, ёмонликка сабр қилиб, ажр олиш, ҳеч бир нарса ни сўкмаслик лозимлиги каби муҳим билимларни англаб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أُرِيدُ السَّفَرَ، فَأَوْصِنِي، قَالَ: «عَلَيْكَ بِتَقْوَى اللَّهِ، وَالتَّكْبِيرِ عَلَى كُلِّ شَرَفٍ»، فَلَمَّا وَلَّى الرَّجُلُ، قَالَ: «اللَّهُمَّ اطْوِ لَهُ الْأَرْضَ، وَهَوِّنْ عَلَيْهِ السَّفَرَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сафар қилмоқчиман, менга насихат қилинг», деди.

«Аллоҳга тақво қилишни, ҳар баландликда такбир айтишни ўзингга лозим тут», дедилар.

Ҳалиги одам ортига қайтганидан кейин яна: «Аллоҳим! Унга ерни яқин қилгин ва сафарни унга осон қилгин», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ حُمَيْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ،
قَالَ: قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَوْصِنِي، قَالَ: «لَا تَغْضَبُ»، قَالَ:
قَالَ الرَّجُلُ: فَفَكَّرْتُ حِينَ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ مَا قَالَ، فَإِذَا الْغَضَبُ
يَجْمَعُ الشَّرَّ كُلَّهُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Хумайд ибн Абдуллаҳмондан, у Набий алайҳиссаломнинг саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

«Бир киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», деди.

«Ғазаб қилма», дедилар.

«Расулulloҳ алайҳиссалом шу ганни айтганларида ўйлаб кўрсам, ғазаб ҳамма ёмонликни ўзида жамлаган экан».

Аҳмад ривоят қилган.

УЛУҒ ЗОТЛАРНИНГ НАСИҲАТ ҲАҚИДА АЙТГАН ГАПЛАРИДАН НАМУНАЛАР

Ибн Асокир Саъид ибн Абу Саъиддан ривоят қилади:

«Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоху анху Урдунда вабога чалинганида (у зотнинг қабри ҳам шу ерда жойлашган) ўша ерда ҳозир бўлган мусулмонларни чақириб шундай дедилар:

«Мен сизларга бир васият қиламан. Агар уни қабул қилсангиз, яхшилиқда бардавом бўласизлар. Намозни ўқинглар, закотни беринглар, Рамазон ойи рўзасини тутинглар, садақа қилинглар, ҳаж қилинглар, умра қилинглар. Бир-бирингизга насиҳат қилинглар. Амирларингизга насиҳат қилинглар, уларни алдаманглар. Дунё сизни ҳалок қилмасин. Агар бир одам минг йил яшаса

ҳам, албатта, менинг сиз кўриб турган ҳолимга тушиши бор. Аллоҳ таоло Бану Одамга ўлимини ёзгандир. Улар ўлурлар. Уларнинг энг фаросатлиси ўз Роббига итоаткорроқ бўлгани ва қайтар куни учун кўпроқ амал қилганидир. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи! Эй Муъоз, одамларга намоз ўқиб бер».

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Доимо Аллоҳ таоло учун насиҳат қилувчилар бўлган. Улар Аллоҳ таоло учун У Зотнинг бандалари ичида насиҳат қилганлар. Аллоҳ таолонинг бандаларига Аллоҳ таолонинг ҳаққида насиҳат қилганлар. Улар ер юзида Аллоҳ таоло учун насиҳат ила амал қилганлар. Ана ўшалар Аллоҳ таолонинг ер юзидаги ўринбосарларидир».

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Фақиҳ дунёда зоҳидлик қилувчи, охиратга рағбат қилувчи, динини яхши билувчи, Роббининг ибодатида бардавом бўлувчи, мусулмонларнинг обрўсини сақловчи, молларида ифбатли бўлувчи ва уларга насиҳат қилувчи шахсдир».

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлганидан кейин ўғли Абдулмаликка куйидаги насиҳатни қилган эди: «Аммо баъду. Ўзимдан кейин насиҳат ва тавсия қилишимга энг лойиқ одам сенсан. Уни мендан эшитиб, ёдлаб олишга энг ҳақли одам сенсан. Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин, У Зот бизга нозик ишларимизда ҳам, умумий ишларимизда ҳам жуда кўп яхшиликлар қилди...»

Мен сенга ушбу насиҳатни қияпман-у, аммо ўзим ўзимга қарши кўп исрофларни қиламан. Ишларимнинг кўпини яхши бажара олмайман. Агар одам ўзи бекаму-кўст бўлмагунича ва Роббининг ибодатида баркамол бўлмагу-

нича биродарига ваъз қилмай юраверса, одамлар яхшилик қилишда дангаса бўлиб қоладилар. Қачон амри маъруф ва наҳйи мункар кўтарилса, ҳаромлар ҳалол саналиб қолади. Осмонлар ва ернинг Робби, оламларнинг Робби Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин! Осмонлар ва ердаги кибриё У Зотга хосдир. У Зот ўта азиздир, ўта ҳикматлидир».

Мисъар ибн Кидом раҳматуллоҳи алайҳ дейди: «Менга айбларимни ўзи билан менинг орамдаги сир қилиб ҳада этган кишига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин. Албатта, кўпчилик ичидаги насиҳат таққиллатиб уришдир».

Маъмар ибн Рошид ибн Ҳаммом айтади: «Сен учун энг яхши насиҳатгўй сенинг ҳақингда Аллоҳ таолодан кўрқадиган одамдир».

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Муҳаббат кўрқинчдан афзалдир. Агар иккита кулинг бўлса, бири сенга муҳаббатли бўлса, бошқаси сендан кўрқса, муҳаббатлиси сенга муҳаббат қилгани учун бор бўлсанг ҳам, йўқ бўлсанг ҳам сенинг фойданг учун насиҳат қилади. Сендан кўрқадигани эса, эҳтимол, борингда сендан кўрқиб насиҳат қилар, ғойиб бўлганинда сени алдар, насиҳат қилмас».

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳ яна айтади: «Мўмин беркитади ва насиҳат қилади. Фожир фош қилади ва айблайди».

Ожурий раҳматуллоҳи алайҳ дейди: «Насиҳатни ўз нафсидан бошлаган, ўзига вожиб нарсани, шайтоннинг унга адоватини ва ундан қандай эҳтиёт бўлишни, нафс мойил бўладиган нарсалардан қабиҳини унга хилоф қилиш

мақсадида ўрганиш учун илм ва фикҳни талаб қилишда жидди жаҳд қилган одамдан бошқалар Аллоҳ таоло учун, У Зотнинг Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун ва оммалари учун насихатчи бўла олмайдилар».

Ибн Абдулбарр раҳматуллоҳи алайҳ: «Биродарингга сидқидилдан насихат қил. Гарчи у шармандалик қилган бўлса ҳам», дейди.

Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Мусулмон киши учун ҳақнинг зоҳир бўлишини ва мусулмонлар у ҳақда маърифатга эга бўлишини иташ вожибдир. Агар ўша ҳаққа ўзи мувофиқ бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, барибир. Мана шу Аллоҳ таоло учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун, У Зотнинг дини учун, мусулмонларнинг имомлари учун ва оммалари учун насихатдир. Ушбу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларидек диндир».

Яна ўша киши раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Кимнинг уламоларга раддия қилиши Аллоҳ таоло учун ва У Зотнинг Расули учун бўлса, у мусулмонларнинг бошқа уламолари каби икром ва эҳтиром қилинади, улуғланади. Кимнинг уламоларга раддия қилиши камситиш, маъзамат ва айбни очиш учун бўлса, у уқубатга сазовор бўлади. Токи ўшанинг ўзи ҳам, унга ўхшаганлар ҳам ушбу ҳаром қилинган разолатлардан қайтсинлар».

Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳ яна айтади: «Насихатни қасд қилиш билан шармандаликни қасд қилиш орасидаги фарқ жуда ҳам улкан. Уларнинг бири иккинчисига ўхшаши мумкин эмас. Фақатгина ақли расо эмаслар бундан мустасно».

НАСИХАТНИНГ ФЙДАЛАРИДАН

1. Насихат диннинг мағизи, иймоннинг жавҳаридир.

Шунинг учун дину диёнат ҳамда иймон мўмин-мусулмонларнинг Аллоҳ таоло учун, У Зотнинг Расули учун, Китоби учун, мўмин-мусулмонларнинг имомлари учун ва оммаси учун бир-бирларига насихат қилиб туришларини тақозо қилади. Динимизнинг насихат борасидаги таълимотларига амал қилиш Исломнинг мағизига етишдир ва иймоннинг жавҳарига эга бўлишдир. Барча аъзолари бир-бирига сидқидилдан насихат қилиш орқали диннинг мағизига ва иймоннинг жавҳарига эришган жамият тараққий этади, гуллаб-яшнайди ва бахт-саодатга эришади.

2. Насихат бошқаларга яхшилиқни раво кўриш ва ёмонлиқни раво кўрмаслиқнинг далилидир.

Зотан, бошқаларга яхшилиқни раво кўриш ва ёмонлиқни раво кўрмаслиқ инсон учун энг яхши фазилатлардандир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам сиз билан биз умматларига насихат қилиб: «Ўзингга раво кўрган нарсани биродарингга ҳам раво кўр», деганлар. Бу гапнинг заминиди «Ўзингга раво кўрмаган нарсангни биродарингга ҳам раво кўрма», деган маъно ҳам бордир. Ҳар бир аъзоси ўзи учун яхши кўрган нарсани жамиятнинг барча аъзолари учун яхши кўриб, ўзи учун ёмон кўрган нарсани жамиятнинг бошқа аъзолари учун ҳам ёмон кўргандагина жамият тараққий этади, гуллаб-яшнайди ва бахт-саодатга эришади.

3. Насихат дўстларнинг кўплигидир. Зотан, насихатгўйдан фақат омонлиқ келади.

Жамият аъзолари динимиз таълимотлари асосида бир-бирларига насихат қилишни йўлга қўйсалар, бар-

чалари бир-бирлари билан дўст-биродар бўладилар. Уларнинг барчалари бир-бирларига омонлик тарқатадиган шахсларга айланадилар. Барча аъзолари сидқидилдан қилинадиган насиҳат асосида дўст-биродар бўлган, бир-биридан фақат омонлик келадиган жамият тараққий этади, гуллаб-яшнади ва бахт-саодатга эришади.

4. Насиҳат ҳасадгўйларнинг озлигидир. Зотан, насиҳатгўй бошқаларга ёмонлик ва фасодни истамас.

Аллоҳ таоло учун, У Зотнинг Расули учун, Китоби учун, мўмин-мусулмонларнинг имомлари учун ва омаси учун бир-бирларига насиҳат қилиб турадиган жамиятда ҳасадгўйлар озайиши турган гап. Чунки сидқидил ила бир-бирига доимий насиҳат қилинганда ҳасад қилмаслик ҳақида ҳам гап кетади. Энг асосийси, насиҳат ҳасадгўйликни кетказувчи кучли омилдир. Аъзолари бир-бирларига насиҳат қилиши орқали ҳасадгўйликдан тозаланган жамият тараққий этади, гуллаб-яшнади ва бахт-саодатга эришади.

5. Насиҳат жамиятнинг салоҳиятли бўлишидир. Зотан, насиҳат ила жамиятда яхшилик тарқалади ва разолат йўқолади.

Мусулмон жамиятда аъзоларнинг ўзаро насиҳатлари бир-бирларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришлари асосида бўлади. Бу иш тўлалигича амалга оширилганда жамият тараққий этади, гуллаб-яшнади ва бахт-саодатга эришади.

6. Насиҳат бағритошлик ва келишмовчилик ўрнига раҳмдиллик ва иттифоқликни келтиради.

Ислом жамиятида кишиларнинг бир-бирларига насиҳат қилишлари кўпинча бағритошликдан ва келишмовчиликдан бир-бирини қайтариш борасида бўлади. Шунингдек, Ислом жамиятида одамларнинг бир-бир-

ларига насиҳат қилишлари кўпинча раҳмдилликка ва иттифоқликка чақиришдан иборат бўлади.

Аъзолари доимий равишда бир-бирларини бағри-тошлиқдан ва келишмовчиликдан қайтариб, раҳмдилликка ва иттифоқликка чақириб турган жамият тараққий этади, гуллаб-яшнайти ва бахт-саодатга эришади.

7. Насиҳат фазилатларни камолга етказишдир.

Мусулмон жамиятида одамлар бир-бирларига насиҳат қилганларида Аллоҳ таолонинг таълимотларида келган фазилатлар билан зийнатланишга чақирадилар. Бу эса ўз навбатида жамият аъзоларининг фазилатлари камолига сабаб бўлади. Ўз-ўзидан бундай жамият тараққий этади, гуллаб-яшнайти ва бахт-саодатга эришади.

8. Насиҳат хатокорнинг бир ёки бир неча масала бўйича хатосини тўғрилашдир.

Агар жамият аъзолари бир-бирларига насиҳат қилмай, хато, нуқсон ва камчиликларга лоқайд бўлсалар, та-назулга юз тутадилар. Аммо аъзолари доимо бир-бирларининг хатоларини тўғрилаб турган жамият тараққий этади, гуллаб-яшнайти ва бахт-саодатга эришади.

ХУЛОСА

Ушбу юқорида ўтган сатрларда зикр қилинган ожизона маълумотлардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Дин насиҳатдир» деган сўзлари ҳақиқатда ҳам Исломнинг мадори экани яққол кўриниб турибди. Бунда жамият аъзоларининг ҳар бири ўзи учун қанчалик куюнса, ўзи яшаб турган жамияти учун ҳам шунчалик куюниши кераклиги олға сурилгандир. Ана шунда жамият ва унинг аъзолари учун ўта зарур бўлган лоқайд бўлмаслик хислати шаклланган бўлади. Лоқайдлик эса ҳар бир жамиятнинг таназулга юз тутишининг асосий сабабларидан биридир.

Жамият аъзолари насиҳат орқали илоҳий таълимотлар асосида бир-бирларини кузатиб турадилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтардилар. Шу тариқа ҳар бир жамиятнинг турли бўғинларида яхшилик кўпайиб, ёмонлик йўқолиб бораверади. Шунинг учун ҳам Исломда амри маъруф ва наҳйи мункар фарз қилинган. Яъни мўмин-мусулмонлар бир-бирларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтариши мажбурий қилинган. Бу ишни қилмаган одам Аллоҳ таолонинг амрини қилмаган, ўзи учун фарз бўлган ишдан бош тортган банда сифатида Аллоҳ таолонинг ҳузурида гуноҳкор, жамият олдида жиноятчи бўлади.

Мусулмонлар жамиятида илмли ва насиҳатгўй кишиларнинг халқ оммасига ваъз-насиҳат қилиб туришлари кенг тарзда йўлга қўйилган. Турли муносабатлар сабабидан кўпчилик йиғиладиган маросимларда ваъз-насиҳат бўлиши ҳам ўша йиғинларнинг ҳақларидан бирига айланган.

Исломда жамият аъзолари бир-бирларига яхшилик йўлида насиҳат қилишлари кенг ва ҳақчил тарзда йўлга

қўйилиши билан бирга, жамиятнинг раҳбарлари, уламолари ва имомлари ҳар ҳафтада бир марта жума намозларида халқ оммасига ваъз-насиҳат қилиб туриши жума намозининг шартларидан бири қилинган. Ана ўша ҳафталик насихатда турли масжидларда жамият аъзолари учун кундалик насихатлардан кўра юқори савиядаги ҳафталик ваъз-насиҳатлар қилиб турилади. Мазкур ваъз-насиҳатларда бир ҳафтага етадиган улгуржи масалалар ўртага қўйилади, муаммолар ҳал қилинади.

Ҳозирги даврга келиб, ҳар жума кунлари оммавий ахборот воситалари – газета, журналлар, радио ва телевизор орқали ҳам кишиларга алоҳида ваъз-насиҳатлар қилиш одат тусига кириб қолди.

Шунингдек, Рамазон ва Қурбон ҳайити намозларида ҳам ваъз-насиҳат қилиш йўлга қўйилган. Ҳайит намози ўқиб бўлинганидан кейин имомлар халқнинг йилда икки марта йиғиладиган катта жамоасига ўзига яраша ваъз-насиҳат қилади. Бу ваъз-насиҳатлар ҳам муносабатнинг ва жамоатнинг катталиги эътиборидан уларга яраша ҳажмда ва савияда бўлади.

Ушбу ваъз ва насихатларнинг барча турлари кишиларни жамият ҳаётида фаол бўлишга, лоқайд бўлмасликка чорлайди. Бу борада барча баробар ҳаракат қилиши эса жамиятнинг тараққиёти, мустаҳкамлиги, бахти, саодати учун улкан ҳисса бўлади.

Аллоҳ таоло барчаларимизга бу ўта муҳим ишда фаол бўлиб, жамиятимиз, халқимиз ва ватанимиз фойдаси учун ҳисса қўшадиганлардан бўлишимизни насиб қилсин!

ИККИНЧИ ҲАДИС

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ، تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنيه». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ўзи учун беҳуда нарсаларни тарк қилиши киши Исломининг ҳуснидандир», дедилар».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Аввал ушбу Исломининг мадори бўлган ҳадислардан бирини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилган зот – Абу Ҳурайра розияллоху анху билан яқиндан танишиб олайлик.

АБУ ҲУРАЙРА РОЗИЯЛЛОХУ АНҲУНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛЛАРИ

«Абу Ҳурайра розияллоху анхуга:

«Нимага кунянг Абу Ҳурайра бўлган?» дейилди.

«Аҳлимнинг кўйини боқар эдим. Менинг кичкина мушукчам бор эди. Кечаси уни дарахтнинг устига кўяр эдим. Тонг отганда уни кўтариб юриб, ўйнар эдим. Шунинг учун менга Абу Ҳурайра деб куня беришган», дедилар».

Араб тилидаги «хурайра» сўзининг маъноси «мушукча»дир. Арабларда доим ўзига бир нарсани лозим тутган одамга ўша нарсанинг номи билан куня берилади. Абу Ҳурайра розияллоху анху ҳам ўша мушукчани доимо ўзлари билан олиб юрганлари учун «Мушукчанинг отаси» деган куняни олганлар. Бу куня эса у кишининг исмларидан ҳам машҳур бўлиб кетган.

Ушбу ривоят бизга қаҳрамонимиз Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг бир неча сифатлари ҳақида ниҳоятда керакли маълумотларни бермоқда.

Биринчиси: у кишининг меҳрибон шахс бўлганлари. Бир мушукчани кечаю кундуз боқиб, ўйнатиб юриши учун инсон ниҳоятда меҳрибон бўлиши керак.

Иккинчиси: чўпон бўлганлари.

Учинчиси: камбағал мардикор бўлганлари. Ўша пайтларда қавмнинг кўйини боқиб юрадиган одам энг камбағал одам бўлар эди.

Туфайл ибн Амр Давсий Абу Ҳурайрани ва яна баъзиларни етаклаб, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Абу Ҳурайрадан:

«Исминг нима?» деб сўрадилар.

«Абдушшамс», деди у.

«Ундай эмас! Абдурраҳмон», дедилар у зот.

«Ҳа, Абдурраҳмон. Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули», деди у.

Шундан бошлаб Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг исмлари Абдурраҳмон ибн Соҳр бўлиб қолди.

Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга:

«Сен кимдансан?» дедилар.

«Давсданман», дедим.

«Давсдан бирорта яхшилиги бор одам борлигини билмас эдим», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Бу Абу Ҳурайра розияллоху анху учун катта фазлдир. Ўзининг фазлсизлиги билан машҳур бўлган қабиладан биринчилардан бўлиб Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг назарларига тушиш ва яхши номни олиш жуда катта гап.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ўшанда Туфайл ибн Амр Давсий билан ўз юртига қайтиб кетгани бўйича ҳижратнинг еттинчи йили, «Хайбар» санасида қайтиб, Мадинага, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Давснинг ҳаққига қилган дуоларини қабул этди. У Зот давсликларни ҳидоят қилди ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Хайбар урушини тамомлаб турганларида уларни у зот алайҳиссаломнинг ҳузурларига олиб келди.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келаётиб, йўлда:

«Бу кеча қийин ва узун ниҳоят,

Лек бизни куфрдан кутқарар албат», дедим.

Мен билан бир кул ҳам бор эди. У йўлда қочиб кетди. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга байъат қилиб турганимда бирдан ҳалиги кул пайдо бўлиб қолди.

Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, бу сенинг кулингми?» дедилар.

«У Аллоҳнинг розилиги учун (озоддир)», дедим ва уни озод қилдим».

Бу ривоятда Абу Ҳурайра розияллоху анху ва у кишининг қавмлари бўлмиш давсликларнинг иймон ва Ислом йўлида тортган машаққатларидан бир кўриниш ҳикоя қилинмоқда. Улар узун кечаларда машаққатлар тортиб, йўл юриб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига ҳижрат қилиб келганлар. Бу улар учун фазл бўлиб қолган.

Абу Хурайра розияллоху анхунинг кул озод қилишлари ҳақидаги васф ҳам у кишига шон-шараф келтирадиган васфдир.

Абу Хурайра розияллоху анху Хайбардан қайтаётган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Мадинага келдилар. У киши розияллоху анху асҳобус-суффа, яъни Расулуллоҳнинг масжидларидаги суффада яшаб, у зотдан ҳадис эшитиш билан машғул бўла бошладилар.

Абу Хурайра кенг елкали, қорамтир рангли, икки олдинги тишларининг ораси очик, юмшоқ табиатли, ҳазилкаш киши эдилар. Ёш болаларни кўрсалар, уларни кулдирар, бозордаги кишиларга қиссалар айтиб, уларнинг кўнгилларини хушлаб юрар, лекин ўзлари якка қолсалар, кечаларни ибодат билан бедор ўтказар эдилар.

Абу Хурайра кўп вақтларини Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суҳбатларида ўтказар эдилар. Бирор ҳадисни эшита олмай қолишдан кўркиб, кўп пайтларида очликдан букчайиб қолар эдилар.

Имом Бухорий ва Термизийлар қилган ривоятда Абу Хурайра розияллоху анху айтадилар:

«Одамлар «Абу Хурайра (ҳадис ривоятини) кўпайтириб юборди», дейдилар.

Ахир мен «қорним тўйса бўлди» деб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни лозим тутар эдим. Хамиртуруш солинган нонни емас эдим. Кимхоб кийим киймас эдим. Менга фалончи ёки фалона (яъни ҳеч ким) хизмат қилмас эди. Очликдан қорнимни ерга қадар эдим. Мени уйига олиб бориб, таом берса ажаб эмас, деб, одамлардан ўзим билган оятни ҳам ўргатиб қўйишини сўрар эдим. Мискинлар учун одамларнинг энг яхшиси Жаъфар ибн Абу Толиб эди. У бизни олиб бориб, уйда нима бўлса, бизни у билан таомлантирар

эди. Ҳаттоки у бизга ичида ҳеч нарсаи йўқ ёғидишини олиб чиқиб берар эди. Биз уни ёриб, ичини ялар эдик».

Ушбу ривоятда улуғ саҳобий Абу Ҳурайра розияллоху анху энг кўп ҳадис ривоят қилиш мартабасига қанчалик қийинчиликларни енгиш орқали, лаззатли таом ва ичимликларни емай-ичмай, яхши кийимларни киймай, хизматчилар ишлатмай, бировларга муҳтож бўлганларига ҳам қарамай, илмнинг пайдан тушиб, фидокорлик қилиб эришганликларини баён қилиб бермоқдалар.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ўзларининг талаби илм йўлида чеккан машаққатларини қуйидагича баён қиладилар:

«Қорним жуда ҳам очиб кетар эди. Гоҳида чидамасдан, мени уйига олиб бориб, таом берса ажаб эмас, деб, одамлардан ўзим билган оятни ҳам ўргатиб қўйишини сўрар эдим.

Бир куни қорним жуда ҳам очиб кетди. Чидай олмай, қорнимга тош боғлаб олдим. Сўнг саҳобаларнинг йўлига чиқиб, ўтирдим.

Олдимдан Абу Бакр ўтиб қолди. Ундан Аллоҳнинг Китобидаги бир оятни сўрадим. Фақатгина «У мени уйига чақирармикан?» деб сўрадим, холос. У чақирмади.

Сўнгра Умар ўтди. Ундан ҳам оят ҳақида сўрадим. У ҳам мени чақирмади.

Охири Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўтдилар. У зот менинг қанчалик очлигимни билдилар ва:

«Абу Ҳурайра!» дедилар.

«Лаббайка, эй Аллоҳнинг Расули», дедим ва ортларидан эргашдим.

Мен у зот билан уйга кирдим. У зот ичида сути бор бир коса топдилар ва ўз аҳлларига:

«Бу сизга қаердан келди?» дедилар.

«Фалончи сизга юборган эканлар», дейишди.

«Эй Абу Хурайра, аҳли суффанинг олдига бориб, уларни чақириб кел», дедилар.

Уларни чақиришга юборганлари менга ёкмади ва ичимда: «Бу сут аҳли суффага нима қилиб берарди», дедим.

Мен ўзим ундан бир хўплам ичиб бўлса ҳам, қуватланмоқчи, кейин уларнинг олдига бормоқчи эдим. Аҳли суффанинг олдига бориб, уларни чақирдим. Улар келишди. Ҳаммалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига ўтирганларида у зот:

«Эй Абу Хурайра, ол, уларга бер», дедилар.

Мен бир кишига бердим, тўйгунича ичди ва шу тариқа ҳаммалари ичдилар. Кейин косани Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга бердим. У зот бошларини кўтариб, менга қараб, табассум қилдилар ва:

«Мен ва сен, иккимиз қолдик», дедилар.

«Тўғри айтдингиз, эй Аллоҳнинг Расули», дедим.

«Ич», дедилар.

Мен ичдим. У зот яна:

«Ич», дедилар.

Мен ичдим. У зот «Ич», дейишда давом этдилар.

Мен ичиб-ичиб, охири:

«Сизни ҳақ билан юборган Зот ила қасамки, сиғадиган жой қолмади», дедим.

Бас, у зот идишни олиб, ортиб қолганини ичдилар».

Бу ривоятда Абу Хурайра розияллоҳу анхунинг фазллари яққол намоён бўлмоқда. У кишининг сабабларидан асҳоби суффанинг барчалари тўйиб олдилар. У кишининг сабабларидан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг яна бир мўъжизалари зоҳир бўлди. У кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алоҳида эҳтимом билан муомалада бўлдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг талаби илм йўлида чеккан машаққатлари беҳуда кетмади. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг назарларига тушдилар ва ҳеч кимга насиб қилмаган марҳаматларига эришдилар.

Яна Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Одамлар: «Абу Ҳурайра (ҳадис ривоятини) кўпайтириб юборди», дейишади. Аллоҳ Ўзи ҳисоб-китоб қилувчидир.

Улар «Нимага муҳожирлар ва ансорлар унинг ҳадисларига ўхшаш ҳадис айтмайдилар?» дейишади.

Мен сизларга бунинг хабарини бераман. Албатта, биродарларим – ансорларни ўз ерларидаги ишлари машғул қилиб қолар эди. Муҳожир биродарларимни бозорларда олди-сотдилари машғул қилиб қўяр эди. Мен эса қорним тўйса бўлди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни лозим тутар эдим. Улар ғойиб бўлганда, мен ҳозир бўлар эдим. Улар унутганда, мен ёдлаб олар эдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни:

«Сиздан ким кийимини ёйиб, менинг ушбу ҳадисимдан олади? Сўнгра уни ўз кўксига жам қилади? Ўшанда у эшитган нарсасини унутмайдиган бўлади», дедилар.

У зот ҳадисларини тамом қилгунларича мен устимдаги чопонимни ёйиб турдим. Сўнгра уни кўксимга босдим. Ўша кундан кейин у зот менга айтган нарсани унутмайдиган бўлдим.

Агар Аллоҳ Ўз Китобида нозил қилган икки оят бўлмаганида, ҳеч қачон ҳеч нарсани айтмаган бўлардим».

«Албатта, Биз нозил қилган очиқ-ойдин оятларни ва ҳидоятни... беркитганлар...» деб икки оятни охиригача (ўқидилар)».

Муслим, Бухорий ва Термизийлар ривоят қилишган.

Абу Ҳурайра розияллоху анхуга катта илтифот бўлганлиги аниқ кўриниб турибди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларини ёдлаб, уммати Исломияга етказишдаги асосий шахслардан бирини Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг шахсларида кўрдилар ва у кишининг ҳифзи кучли бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб, дуо қилдилар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг дуолари ижобат бўлди. Абу Ҳурайра розияллоху анху мусулмон авлодларга у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳадисларини етказишда асосий суянч саҳобаларнинг пешқадами бўлдилар.

Ҳа, Абу Ҳурайра саҳобаларнинг ичида энг зехни ўткири бўлиб қолган эдилар. У кишининг бундай бўлишларига юқорида зикри келган ҳодиса ва келаси ривоятда хабари келадиган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг муомалалари сабаб бўлган эди.

Бу ҳақда Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар у кишидан келтирган ривоятда шундай дейилади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан кўп нарсани эшитаман-у, ёдлаб қололмайман», дедим.

«Ридойингни ерга ёз», дедилар у зот.

Ридойимни ёздим. Менга кўп ҳадис айтдилар. Айтган ҳадисларидан бирор нарсани эсимдан чиқармадим».

Шу сабабли Абу Ҳурайра розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан фақат тўрт йил бирга бўлганларига қарамай, саҳобалар орасида энг кўп ҳадис ривоят қилган киши ҳисобланадилар. У киши 5374 та ҳадис ривоят қилганлар ва бу ҳадисларнинг барчаси Такий ибн Муҳаммаднинг «Муснад»ларида ва бошқа муҳаддисларнинг китобларида келтирилган.

Саҳобаи киромлар Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг ҳадиси шарифларни ривоят қилишдаги фазллари-ни бир овоздан тан олар эдилар.

Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳу:

«Абу Ҳурайранинг Расулуллоҳдан биз эшитмаганимизни ҳам эшитганларига ҳеч шак йўқ», дейдилар.

Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳу:

«Абу Ҳурайра ҳадисни мендан кўра яхши билдилар», дейдилар.

Марвон ибн Ҳакамнинг волийси ва котиблари Солим Абу Заҳзаҳа ривоят қилиб, шундай дейдилар:

«Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайрани даъват этиб, у кишидан ҳадис сўрай бошладилар. Мен ҳадисларни ёзиб олдим. Бир йил ўтгач, яна Абу Ҳурайрани даъват этган Марвон у кишидан мен ёзиб олган ҳадисларни сўрадилар. Абу Ҳурайра бирон бир ҳарфни ёки сўзни ортиқча ёки ноқис, олдин ёки кейин айтмадилар».

Абу Ҳурайрадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони 800 кишидан ортиқ бўлиб, саҳобалардан: Абу Бакр, Умар, Усмон, Фазл ибн Аббос, Убай ибн Каъб, Усома ибн Зайд, Оиша уммул мўминин, Ибн Умар, Ибн Аббос, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик ва бошқалар; тобеъинлардан: Саъид ибн Мусаййиб, Ибн Сийрин, Абдуллоҳ ибн Саълаба, Урва ибн Зубайр, Салмон ибн Ясир, Ирок ибн Молик, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Амра, Атоъ ибн Абу Рабоҳ, Атоъ ибн Ясор ва бошқалар шулар жумласидандир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматлари ва суҳбатларига бутунлай ажралиб чиққан эдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида оила ҳам қурмадилар, бола-чақа ҳам ортгирмадилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу фақир саҳобалар билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларидаги суффада истиқомат қилар эдилар.

Ҳа, у киши аҳли суффадан бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари суффасида яшар ва доимо у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларидан чиқадиган ҳадисларни пойлаб турар эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг қари оналари ҳам бўлиб, у Исломга кирмаган эди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху ўз оналарини тинмай Аллоҳ таолонинг динига даъват қилар, кампир эса кўнмас эди.

Кунлардан бир куни Абу Ҳурайра розияллоҳу анху яна оналарини Исломга даъват қилдилар. Кампир Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида хунук гап айтиб, ўғлини қаттиқ ранжитди.

Бу ҳақда у киши шундай ривоят қиладилар:

«Онамни Исломга даъват қилар эдим. У мушрика эди. Бир куни уни яна даъват қилдим. У менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мен ёмон кўрган нарсани эшиттирди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига йиғлаб кириб бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мен (тинмай) онамни Исломга даъват қилардим. У гапимга кирмас эди. Бугун ҳам уни даъват қилган эдим, у менга сиз ҳақингизда мени хафа қиладиган гап айтди. Аллоҳга бир дуо қилинг, уни ҳидоят қилсин», дедим.

«Аллоҳим, Абу Ҳурайранинг онасини ҳидоят қил!» дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларидан умидвор бўлиб, уйга бордим. Эшикка яқинлашганимда онам оёқ товушларимни эшитиб:

«Эй Абу Ҳурайра, жойингда тур!» деди.

Мен сувнинг шилдирашини эшитдим. У ғусл қилди. Кийимларини кийиб, рўмолини ўради-да, сўнгра эшикни очди. Сўнгра:

«Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу!» деди.

Хурсандчиликдан йиғлаган ҳолимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига қайтдим:

«Эй Аллоҳнинг Расули, суюнчи! Аллоҳ дуоингизни қабул қилиб, Абу Ҳурайранинг онасини Исломга ҳидоят қилди!» дедим.

У зот Аллоҳга ҳамду сано ва яхши гап айтдилар. Мен у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳга мени ва онамни мўмин бандаларига маҳбуб қилишини, уларни бизга маҳбуб қилишини сўраб, дуо қилинг!» дедим.

«Аллоҳим! Ушбу бандачангни ва унинг онасини мўмин бандаларингга маҳбуб қилгин ва уларга мўминларни маҳбуб қилгин!» дедилар.

Қай бир мўмин халқ қилинса, мени эшитса, кўрмаса ҳам муҳаббат қиладиган бўлди».

Муслим ривоят қилган.

Бу ривоятдан Аллоҳ таоло Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни ихлосларига яраша мукофотлаганини яққол кўриб турибмиз. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бунчалик дуоларини олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермаган. Барча мўминларнинг муҳаббатига сазовор бўлиш ва уларга муҳаббат қиладиган бўлиш катта фазлдир.

Довуд ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Бир одам менга хабар берди. Абу Ҳурайра эрталаб уйдан чиқмоқчи бўлса, кийимларини кийиб, онасининг олдига келиб:

«Ассалому алайкум, онажон ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Мени кичкиналимда тарбия қилганингиз учун Аллоҳ сизни яхши мукофотласин!» дер эди.

«Ўғлим, кексайганимда менга яхшилик қилганинг учун сени ҳам Аллоҳ яхши мукофотласин!» дерди.

Кейин чиқарди. Қачон қайтса, ўшанга ўхшаш гапни айтарди».

Ўша пайтларда Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг Аллоҳ таолодан сўрайдиган асосий нарсалари илм эди. Кечаю кундуз, эртаю кеч илм сўраганлари-сўраган эди.

Бир киши Зайд ибн Собитдан бир масалани сўраб келганида, у киши:

«Абу Ҳурайрага бор. Бир куни мен, Абу Ҳурайра ва Фалончи масжидда Аллоҳнинг зикри ва дуо билан машғул эдик. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам олдимизга чиқиб, ўтирдилар ва:

«Нимани дуо қилаётган бўлсангиз, шунда давом этинг», дедилар.

Мен ва ҳамроҳим дуо қилдик, Расулуллоҳ «Омин», деб турдилар.

Сўнгра Абу Ҳурайра дуо қилиб:

«Аллоҳим! Сендан икки ҳамроҳим сўраганлари ва эздан чиқмайдиган илмни сўрайман», деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Омин», дедилар.

«Биз ҳам эздан чиқмайдиган илм сўраймиз, эй Аллоҳнинг Расули», дедик.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Буни сизлардан олдин давслик ғулом (Абу Ҳурайра) сўради», дедилар».

Убай ибн Каъб розияллоху анху:

«Абу Ҳурайра Расулуллоҳдан бошқа киши сўрай олмайдиган нарсаларни сўрашга журъат этарди», дейдилар.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ Абу Ҳурайра розияллоху анхундан ривоят қиладилар:

«У киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўладиган ким?» деган экан. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингни билганим учун шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билган эдим. Қиёмат куни менинг шафоатимдан энг саодатманд бўладиган кимса «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни чин қалбдан (ёки нафсидан) ихлос билан айтган одамдир», дедилар».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бу ҳадисни ўзлари билан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ораларида бўлиб ўтган савол-жавоб тариқасида ривоят қилганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу саҳобалар ичида энг кўп ҳадис ривоят қилган зот эканликлари алоҳида таъкидланади. У киши розияллоҳу анҳунинг кўп ҳадис ривоят қилишларига асосий сабаблардан бири ҳадисга ҳарисликлари эди.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳамма нарсани ташлаб қўйиб, ўзларини ҳадисга бағишлаган эдилар, десак муболаға бўлар-у, аммо ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ҳадисга қизиқар, кўпроқ ҳадис билан шуғулланар эдилар, десак, адашмасмиз.

У киши розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга турли саволлар беришдан эринмас эдилар. Ана шундай саволларидан бири юқоридаги ҳадиси шарифда зикр қилинмоқда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўладиган ким?» дедилар.

Яъни у киши «Қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг кўп насибага ҳиссадор бўладиган ким?» деб сўраган эканлар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингни билганим учун шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўра-маслигини билган эдим», дебдилар.

Бу эса Абу Ҳурайра розияллоху анху учун буюк шаҳодатдир. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг «Фалон саволни Абу Ҳурайрадан бошқа одам бермаса керак», деб юришларига сазовор бўлиш ниҳоятда катта гап.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон жаннат боғлари ёнидан ўтсангиз, сайл қилинг», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, жаннат боғлари нимадир?» дедим. У зот:

«Масжидлар», дедилар. Мен:

«Сайл нимадир, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим. У зот:

«Субҳаналлоху валҳамду лиллаҳи ва лаа илааҳа иллаллоху валлоху акбар», дедилар.

Бухорий ва Насоийлар Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ёш одамман. Зино қилиб кўйишдан кўрқаман. Аёлларга уйланиш учун эса ҳеч нарсам йўқ», дедим.

У зот менга индамадилар. Сўнг мен яна ўша гапни айтдим. У зот менга индамадилар. Сўнг мен яна ўша гапни айтдим. У зот менга индамадилар. Сўнг мен яна ўша гапни айтдим. Бас, у зот:

«Эй Абу Ҳурайра, қалам сен дучор бўладиган нарсани (битиб, битиги) қуриб бўлган. Шунинг учун хоҳласанг, ўзингни бичиб ол ёки кўй», дедилар».

Абу Ҳурайра розияллоху анху оғир аҳволга тушиб, сабр қила олмай қолган эдилар. Ёш одам. Шаҳват кучи-

дан зино қилиб қўйиш хавфи бор. Уйланай деса, моддий имкониятлари йўқ.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига бориб, аҳволларидан шикоят қилиб, ўзларини бичиб олишга ижозат сўрадилар. Ана шунда гуноҳга бориш эҳтимоли пасаяди, деб ўйладилар. Биринчи бор сўраганларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам индамадилар. Бу у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саволдан норози эканликларининг аломати эди. Лекин Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу саволни такрор-такрор беравердилар.

Ва ниҳоят, савол тўртинчи бор такрорланганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига таҳдид қилиб, «Нима бўладиган бўлса, тақдирингда белгилаб қўйилган! Ҳадеб бу гапни айлангираверасанми?!» деган маънода гап қилдилар. Бу сабрсизликка қарши гап эди.

Шунинг учун вақтинчалик уйланишга илож топа олмай турган кишилар дарров таркидунёчилик йўлини танламай, ўзини бичиб олишнинг йўлини ахтармай, сабр қилиб туришлари, уйланиш учун кулай йўлларни ахтаришлари лозим.

Кўриб турганимиздек, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга кўп саволлар бериб, кўп нарсаларни ўрганганлар. Бу ўзлари учун катта фойда берган. Албатта, бу фазл Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ўзлари учунгина эмас, балки бутун Ислом уммати у кишининг бу фазлларида қиёматгача фойда олади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўпроқ бирга бўлишга хирсларининг чеки йўқ эди. Агар айтиш мумкин бўлса, у киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан фақат уйку вақтидагина ажрар эдилар. Баъзи вақтларда қизик

ҳодисалар ҳам бўлиб қолар эди. Аммо ҳаммаси Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ўзлари учун ва у киши орқали Ислом уммати учун хайр-барака эди.

Имом Бухорий ва Термизийлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо тақсим қилдилар. Ҳар бир кишига етти донадан хурмо бердилар. Менга ҳам етти бериладилар. Битгаси сифатсиз эди. Уларнинг ичида мен учун ўшанисидан маҳбуброғи йўқ эди. У тишимга ёпишиб қолди».

Бу ҳадиси шарифдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар жамоасининг кўп қийинчиликларни, хусусан, очликни бошларидан ўтказганликларини билиб оламиз. Ҳатто ҳолат Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кишилар ўртасида ўша жойларнинг энг кўп ва асосий таоми бўлмиш хурмони ҳам санаб, бўлиб беришларигача етган экан.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу мазкур хурмо тақсимида улуш олганлардан бири эканлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча қатори, у кишига ҳам етти дона хурмо берибдилар.

«Битгаси сифатсиз эди».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга тақсим пайтида теккан етти хурмодан битгаси сифатсиз экан.

Эҳтимол, бошқаларга ҳам битгадан сифатсиз хурмо теккандир. Албатта, буни Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу билмайдилар. Эҳтимол, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг хафа бўлмасликларини билганлари учун у кишига мазкур хурмони бергандирлар.

Дарҳақиқат, у киши ўзларига сифатсиз хурмо текканидан хафа бўлиб эмас, фахрланиб гапирмоқдалар.

«Уларнинг ичида мен учун ўшанисидан маҳбуброғи йўқ эди».

Яъни «Мен учун Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам тақсимлаб берган етти дона хурмонинг ичида ўша сифатсизидан кўра маҳбуброғи йўқ эди».

Ажабо, нима учун Абу Ҳурайра розияллоху анҳуга сифатсиз хурмо энг маҳбуб бўлиб қолди экан? Бу саволга у кишининг ўзлари қуйидаги сабабни айтадилар:

«У тишимга ёпишиб қолди».

«Шунинг учун оғзимда бошқа олти дона хурмодан кўра кўпроқ турди. Мазкур хурмо айнан сифатсиз бўлганлиги учун тишимга ёпишиб қолган эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг қўллари теккан, у зот томонларидан менга берилган нарсалар ичида оғзимда кўпроқ тургани мен учун энг маҳбуби бўлмай, қайсиниси бўлиши мумкин?!»

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга бир нечта хурмо доналарини олиб келиб:

«Эй Аллоҳнинг Набийси! Аллоҳга ушбуларга барака беришини сўраб, дуо қилинг!» дедим.

У зот уларни бир-бирига бириктирдилар ва мен учун Аллоҳдан уларни баракали қилишини сўраб, дуо қилдилар ва менга:

«Уларни олиб, нон халтангга солиб қўй. Қачон ундан бирор нарса олмоқчи бўлсанг, унга қўлингни тикиб ол, уларни тарқатиб юборма», дедилар.

Ўша хурмодан Аллоҳнинг йўлида бунча-бунча васак кўтардим. Биз ўшандан ер эдик. У менинг ён халтамдан тушмас эди. Усмон қатл қилинган куни тўхтаб қолди».

Бу ривоятда зикр қилинган нарса бошқа саҳобаларга насиб қилмаган. Бизнинг билишимизча, улардан ҳеч

бирларининг таом идишидан доимий равишда хурмо чиқиб турмаган.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ўз ташаббуслари ва ихлослари билан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга дуо қилдириб олиб, шу фазлга соҳиб бўлганлар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг дуолари теккан хурмо доналарини халталарига солиб олиб, ўзлари ҳам еб, ўзгаларга ҳам едириб юрганлар.

Бу ҳолат Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан кейин ҳам сал кам ўттиз йилгача давом этган. Бу нарса албатта, катта фазлдир.

Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан кўпроқ ажралган ҳолатларидан бири у кишининг ҳажга бориб, ҳазрати Али билан бароатни эълон қилганларида бўлган.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Али ибн Абу Толибни аҳли Маккага бароат билан юборганларида мен бирга бўлдим», деди Абу Ҳурайра ўғлига.

«Нима деб жар чақиргансизлар?» деди ўғли.

«Жаннатга мўмин бўлмаган жон кирмайди. Байтуллоҳни ҳеч ким яланғоч тавоф қилмайди. Кимнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан тузган аҳд-номаси бўлса, муддати тўрт ойгача, тўрт ойдан кейин Аллоҳ ва Унинг Расулининг мушриклар билан оралари очик. Бу йилимиздан кейин Байтуллоҳни мушрик ҳаж қилмайди», деб чақирар эдик, – деди. Сўнгра: – Бакира-вериб, овозим бўғилиб қолган эди», деб кўшиб кўйди».

Ушбу эълонда аҳдга вафонинг бир кўриниши бор. Мушриклар аҳдга вафосизлик ва хиёнат қилган эдилар. Мусулмонларнинг ҳеч қандай эълонсиз ҳам аҳд бузилган деб ҳисоблашга ҳақлари бор эди. Лекин Аллоҳ

таоло аввал оранинг очиқлигини эълон қилишни ирода этди. Парвардигори Олам бирданига «Ора очиқ», деб қўймасдан, уларга тўрт ой муҳлат берди. Гарчи аҳднома тўрт ойдан аввал тугаган бўлса-да, яхшилаб ўйлаб олишлари учун тўрт ойга муҳлат берди.

«Бас, агар тавба қилсангиз, у ўзингиз учун яхшидир», деб, уларни ҳидоятга тарғиб қилди.

Ҳаж мавсумида бароатни эълон қилишдек масъулиятли тарихий ишда иштирок этиш ҳам улкан фазлдир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу худди ана шу улкан фазлга соҳиб бўлган кишилардан биридирлар.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ичида Абдуллоҳ ибн Амрдан бошқа бирор киши мендан кўра кўпроқ ҳадисни ривоят қилган эмас, чунки у ёзар эди, мен ёзмас эдим».

Термизий ривоят қилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳадиси шарифга бўлган муҳаббатлари, бу йўлдаги ҳаракатлари ва ҳаммадан кўпроқ ҳадис ривоят қилганликлари ҳақида аввал ҳам гапирилган эди. Ушбу ҳақиқат илм аҳллари орасида маълум ва машҳурдир. Муҳаддис уламоларимиз ким қанча ҳадис ривоят қилганлигини ҳисоблаб ҳам чиққанлар. Деярли ҳаммаларининг иттифоқларига кўра, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу энг кўп ҳадис ривоят қилган саҳобий бўлиб чиққанлар.

Ҳазрати Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўзларининг юқоридаги сўзларида ҳам ўзларининг ҳаммадан кўп ҳадис ривоят қилганликларини таъкидламоқдалар. Аммо ёзиб юрмаганларига бир оз афсус қилиб, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳуни ўзларидан устун ҳам қўймоқдалар.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламдан ўрганиб, йиғиб юрган нодир хазиналари Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг кейинчалик Ислом умматининг устозларидан бири бўлиб қолишларига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло у кишига бой илм бериб, ҳамма у кишидан ўзи учун керакли бўлган масалаларни сўрайдиган бўлиб қолди.

Имом Муслим ва бошқалар Абу Шаъсо розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Абу Ҳурайра розияллоху анху билан масжидда бирга эдик. Муаззин Асрга азон айтганидан кейин бир одам чиқиб кетди. Бас, Абу Ҳурайра:

«Аmmo мана бу, батаҳқиқ, Абул Қосим соллаллоху алайҳи васалламга осий бўлди», деди».

Имом Бухорий ва Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қиладилар:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Садақанинг афзали беҳожат қиладиганидир. Устун кўл остин кўлдан яхшидир. Ўз аҳли аёлингдан бошла. Хотин: «Ёки таом бер, ёки талоқ қил», дейди. Кул: «Аввал таом бериб, кейин ишлат», дейди. Ўғил: «Таом бер, мени кимга ташлайсан?!» дейди», дедилар».

Одамлар:

«Эй Абу Ҳурайра, буни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан эшитдингми?» дейишди.

«Йўқ, бу Абу Ҳурайранинг халтасидан!» деди».

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилади:

«У киши изорини ерга судраб кетаётган бир одамни кўриб қолиб, оёғи билан ерни тепиб, (Ўшанда у Баҳрайннинг амири эди) куйидагиларни айтди:

«Амир келди, амир келди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким изорини мутакаббирлик билан

судраса, албатта, Аллоҳ унга назар солмайди», деганлар», деди».

Ушбу ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу одамларнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таълимотларига амал қилишига қанчалик ҳарислик қилганликлари ёрқин намоён бўлмоқда.

Бу ривоятдан кийинининг исломий маданиятига амал қилишда билган кишилар билмаганларга ёрдам беришлари, билмаганларини ўргатиб қўйишлари кераклиги ҳақида ҳам маълумот олмақдамиз.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Ислом туфайли оддий мардикордан улуғ зотга айландилар. Бир кишининг бу даражага етишиши учун Ислом керак эди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ўзлари буни жуда ҳам яхши билар эдилар.

У киши кўпинча қуйидаги гапларни айтиб юрардилар:

«Етим ҳолимда ўсдим. Мискин ҳолимда ҳижрат қилдим. Бусра бинту Ғавонга қорним тўйиши шарти билан мардикорлик қилар эдим. Улар бир жойда турганларида хизматларини қилар эдим. Улар маркабларига минсалар, сарбонлик қилар эдим.

Мана энди Аллоҳ мени уйлаб қўйди! Диннинг барча ишларини қоим қиладиган Абу Ҳурайрани имом қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг хонадонларида кечаси билан намоз ўқилар эди. Оила аъзолари кечани бўлиб олиб, навбат билан намоз ўқир эдилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ўзлари кечанинг учдан бирида, хотинлари учдан бирида ва қизлари учдан бирида намоз ўқир эдилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бир куни Мадина бозори ёнидан ўтиб кетаётган эдилар. Одамларнинг дунё ташвишига кўмилиб кетганларини кўриб:

«Эй Мадина аҳли! Қандай ҳам ожизсизлар-а!» дедилар.

«Эй Абу Ҳурайра! Ожизлигимиз нима?!» дейишди.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мерослари тақсимланмоқда! Сизлар эса бу ердасизлар! Бориб, ўз насибаларингизни олмайсизларми?!» дедилар.

«Қаерда, эй Абу Ҳурайра?!» дейишди.

«Масжидда!» дедилар.

Улар шошилиб, чиқишди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху улар қайтиб келгунча кутиб турдилар. Улар келиб:

«Эй Абу Ҳурайра, масжидга бордик, лекин тақсимланаётган бирор нарсани кўрмадик?» дейишди.

«Масжидда бирор кишини кўрмадингизми?» дедилар.

«Кўрдик. Бир тўп одамлар намоз ўқишяпти. Бир гуруҳи Қуръон қироат қилишяпти. Яна бир тўпи ҳалол ва ҳаромни музокара қилишяпти», дейишди.

«Шўрингиз қурисин! Ана ўша Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мерослари!» дедилар Абу Ҳурайра розияллоҳу анху.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху Марвон ибн Ҳакмнинг даврида Мадинаи Мунавварага волий бўлганлар. Аммо бу катта мансаб у кишини заррача ҳам ўзгартирмаган. Ана шу волийлик вақтларида у киши бир куни уйларига ўтин кўтариб кетаётган эдилар. Йўлларида Саълаба ибн Молик чиқиб қолди. У киши:

«Эй ибн Молик, амирга йўлни очиб тур», дедилар.

«Аллоҳ раҳмингни есин, унга шунча жой етмаяптими?!» деди у.

«Амирга йўлни очиб тур. Унинг елкасида ўтини бор», дедилар Абу Ҳурайра розияллоҳу анху.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхунинг занжия жориялари бор эди. Ўша жория у кишини қаттиқ ранжитди ва аҳли байтларини ғамга ботирди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху уни урмоқчи бўлиб, қамчи кўтардилар ва сўнг тўхтаб:

«Агар қиёмат куни қасос бўлмаганида, бизга озор берганинг учун сени бошлар эдим. Аммо сени яхши нарх берган одамга сотиб юбораман. Ўзи шунга роса ҳожатим тушиб турибди... Бор, кетавер, сен Аллоҳ аzza ва жалла розилиги учун озодсан!» дедилар.

Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайра розияллоху анҳуга юз тилла танга юборди. Эртасига яна одам юбориб:

«Хизматчим адашиб, бошқага аталган пулни сенга бериб қўйибди», деди.

Абу Ҳурайра розияллоху анху хижолат бўлиб:

«Аллоҳнинг йўлига атаб юборган эдим. Бир динор ҳам қолмаган. Маошим чиққанда ўшандан ол», дедилар.

Кейин маълум бўлишича, Марвон ибн Ҳакам бу гапни Абу Ҳурайра розияллоху анҳуни синаш учун айтган экан.

Абу Ҳурайра розияллоху анху бир куни йўлда икки кишини кўриб қолдилар. Уларнинг бири катта ёшда, иккинчиси кичик эди. У киши кичигига:

«Бу одам киминг бўлади?» дедилар.

«Отам», деди.

«Уни исми билан атамагин. Олдига тушиб юрмагин. Ундан олдин ўтирмагин», дедилар.

Оиша онамиз розияллоху анҳонинг жанозаларини буюк саҳобий Абу Ҳурайра розияллоху анху ўқидилар.

Ҳафса бинт Умар онамиз розияллоху анҳонинг тобутларини Абу Ҳурайра розияллоху анху кўтариб борганлар.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ўлим тўшагида ётганларида йиғладилар. Одамлар:

«Эй Абу Ҳурайра, нимага йиғлаяпсан?» дейишди.

«Мен сизларнинг бу дунёингизга йиғлаётганим йўқ. Мен сафарнинг узоқлигидан ва зоди роҳиланинг озлигидан йиғлаяпман. Мен ўзимни жаннат ёки дўзахга

олиб борадиган йўлнинг сўнгида турибман. Уларнинг қай бирида бўлишимни билмайман», дедилар.

Шу пайт Абу Ҳурайра розияллоху анхуни кўргани Марвон ибн Ҳакам келди. У Абу Ҳурайра розияллоху анхуга:

«Аллоҳ сизга шифо берсин» деган эди, Абу Ҳурайра:

«Аллоҳим! Мен Сенга йўлиқишимни севдим, Сен ҳам менинг Сенга йўлиқишимни сев», дедилар.

Марвон ибн Ҳакам Абу Ҳурайранинг хузурларидан чиқиб, бозорнинг ўртасига етмасидан Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг жонлари узилди.

Абу Ҳурайра ҳижрий 57санада вафот этдилар. Жанозаларини Валид ибн Уқба ибн Абу Суфён ўқидилар.

Аллоҳ таоло Абу Ҳурайра розияллоху анхудан рози бўлсин!

«КИШИ ИСЛОМИНИНГ ҲУСНИ» ҲАДИСИ ҲАҚИДА УЛАМОЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ

Ушбу ҳадисни имом Термизий ва Ибн Можалар Авзоъийдан ривоят қилганлар. Ибн Абдулбарр: «Ушбу ҳадис Зухрийдан ушбу санад ила ишончли ровийлар орқали ёдланган», деган. Бу ҳадисни имом Молик ўзининг «Муватто»сида ривоят қилган. Имом Бухорий, Аҳмад, Яҳё ибн Маъийн ва Дора Кутнийлар Али ибн Ҳусайндан ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шариф одоб аслларидан биридир. Имом Амр ибн Салоҳ ўз замонасида моликийларнинг имоми бўлган Абу Муҳаммад ибн Абу Зайддан қуйидагиларни ривоят қилади:

«Яхши одобларнинг жамловчиси ва етакчиси тўртта ҳадисдан чиқади: Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшилиқни гапирсин ёки жим турсин», деган

сўзлари, у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг «Ўзи учун бехуда нарсаларни тарк қилиши киши Исломининг хуснидандир», деган ҳадислари, у зотнинг насихат сўраган одамга қисқа қилиб, «Ғазабланма», деганлари ва у зот соллаллоху алайҳи васалламнинг «Мўмин ўз биродарига ўзига яхши кўрган нарсани яхши кўрмагунча мўмин бўлмас», деган ҳадислари».

– Ибн Доса айтади: «Абу Довуднинг қуйидагиларни айтаётганини эшитдим: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан беш юз минг ҳадис ёзиб олдим. Улардан ушбу китобга қўшганларимни, яъни «Сунан» китобига танлаб олдим. Унда тўрт минг саккиз юз ҳадисни жамаладим. Саҳиҳини, унга ўхшаганини ва яқинини зикр қилдим. Инсонга дини учун улардан тўртта ҳадис кифоя қилади: «Албатта, амаллар ниятларга боғлиқ» «Ўзи учун бехуда нарсаларни тарк қилиши киши Исломининг хуснидандир», «Мўмин ўз биродарига ўзига яхши кўрган нарсани яхши кўрмагунча мўмин бўлмас» ва «Ҳалол очиқ-ойдиндир ва ҳаром очиқ-ойдиндир».

«КИШИ ИСЛОМИНИНГ ХУСНИ» ҲАДИСИНИНГ ШАРҲИ

Аввало ҳадиси шарифдаги баъзи сўзларнинг маъносини чуқурроқ тушуниб олайлик.

Биз «Ўзи учун бехуда нарсалар» деб таржима қилган жумла арабча матнда «маа лаа яънийҳи» деб келган. Бу «иноятга сазовор бўлмаган нарса» деганидир. «Иноят»нинг маъноси эса бир нарсага қаттиқ аҳамият бериш, ўша нарсани шиддат билан талаб қилиш ва ўз мақсади қилиб олишдир. Мазкур иноятга сазовор бўлган нарса гап-сўз бўлиши ҳам, иш-амал бўлиши ҳам мумкин.

Бу борадаги иноят кишининг ҳавойи нафсидан, шахсий истагидан келиб чиққан нарса эмас, балки дин ва

шариат томонидан аҳамиятли деб белгиланган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳадисда «киши Исломининг хусни», дейилмоқда. Демак, киши Исломининг хусни Иломда унинг учун беҳуда нарсаларни, гап-сўз ва иш-амалларни тарк қилишига боғлиқ бўлади.

«Далилул фолиҳийн литуриқи риёзис солиҳийн» китобида «Маа лаа яънийҳи»нинг шарҳида куйидагилар ёзилган: «Яъни ирода қилмаган нарсаси, ўзи муҳтож бўлмаган нарсаси, зарур бўлмаган нарсаси, фойда бермайдиган нарсаси, усиз ҳаёти ўтадиган нарсаси».

Бу эса ўз навбатида ортиқча ишлар ва сўзларни ўз ичига олади. Бас, мусулмон инсон бу дунёси ва охира-ти учун фойдали бўлган ишлар ва гаплар билан машғул бўлиши лозимдир».

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам киши Исломининг хусни ҳақида, чиройли бўлиши ҳақида сўз юритмоқдалар. Шариатда «Фалончининг Исломи хуснли, чиройли бўлди» деган ибора «Фалончи Иломга ичидан ҳам, ташидан ҳам, ҳақиқий равишда кирди», деган маънони ифода қилади.

Ибн Баттол: «Исломи хуснли бўлди» деган ибора «Эҳсон ҳадиси, яъни «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, агар сен Уни кўрмасанг, У сени кўриб турганидек ибодат қилишинг», деган ҳадис билан шарҳ қилинади. Бу билан Аллоҳ таолога муболағали равишда ихлос қилиш ва У Зотнинг муроқабаси ирода қилинади», дейди.

«Исломи хуснли бўлди», дегани ҳақиқий Иломга амал қилди, мунофиқлик қилмади, деганидир.

Имом Нававий: «Бунда Иломнинг ҳақиқатига зиёда қилди деган маъно йўқ. Бу нарса шариат истеъмолида маълум нарсадир. «Фалончининг Исломи гўзал бўлди», дейилса, унга ҳақиқий ихлос билан кирди, дегани бўлади. «Фалончининг Исломи ёмон бўлди ёки гўзал

бўлмади», дейилса, унга ҳақиқий ихлос билан кирмади, дегани бўлади», деган.

«Исломи ҳуснли бўлди», деганда давомли равишда Аллоҳ таолонинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтди, Аллоҳ таолонинг махлуқотларига шафқатли бўлди, деган маъно тушунилади.

Демак, кишининг Исломи ҳуснли бўлиши ҳам ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин экан. Унинг қандай бўлиши эса Исломдаги кишининг ўзига боғлиқ. Агар инсон ўзи учун беҳуда бўлган нарсаларни тарк қилса, бу унинг Исломи ҳуснли бўлганига далил экан. Чунки бу ишни фақат ҳақиқий мусулмон одамгина амалга оширади. Чин мусулмон одам ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасига ўта жиддийлик билан қарайди. Қиёматда ана шу ҳар бир лаҳза учун ҳисоб-китоб, савол-жавоб бўлишини зинҳор унутмайди. Чин мусулмон одам беҳуда сарфланган вақт, молу дунё, соғлиқ, куч-қувват, имконият ва бошқа нарсалар учун қиёмат куни жавоб беришини тўла ҳис қилиб яшайди. Шунинг учун у беҳуда нарсага умуман яқинлашмайди. Бу эса ўз навбатида унинг Исломининг ҳусни бўлади.

Чин мусулмон бўлишни ўйлаган одам беҳуда, фойдасиз ва маъносиз нарсаларга ўзини урмайди. Ундай нарсаларни эса пасткаш кишилар қиладилар. Мусулмонлик эса олий шарафдир, юқори мартаба ва юксак мақомдир. Шундай экан, ҳар биримиз Исломимизнинг ҳуснли бўлиши учун уринайлик, беҳуда нарсаларни тарк қилайлик.

КИШИ ИСЛОМИНИНГ ГЎЗАЛ БЎЛИШИ НИМАНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ?

Инсоннинг Исломи гўзал ва ҳуснли бўлиши ундан аҳамиятли бўлмаган барча нарсаларни тарк этишни тақозо қилади. Ҳаром қилинган нарсаларни, шубҳали нарсаларни, макруҳ нарсаларни, мубоҳларнинг ортиқ-

часини ва ҳожати йўқ нарсаларни тарк қилишни тақозо этади. Ушбу нарсаларнинг барчаси Исломи гўзал бўлган ва эҳсон даражасига етиб, «Аллоҳга худди Уни кўриб тургандек, агар у Уни кўрмаса, Аллоҳ уни кўриб тургандек ибодат қилиш»га эришган банда учун «маалаа яъни» нарсалардир.

Ким Аллоҳ таолога қалби билан яқин бўлиб, У Зотни кўриб тургандек ёки Аллоҳ таоло унга яқинлигини ва уни кўриб, билиб, ҳисобини қилиб турганини ҳис этиб ибодат қилса, унинг Исломи гўзал бўлади. Ана ўшанда мазкур банда Исломда аҳамиятсиз саналган барча нарсаларни тарк қилади ва Исломда аҳамиятли саналган барча нарсалар билан машғул бўлади.

Ушбу мақомга эришган банда Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш мақомига ва ҳаё қилиниши лозим бўлган нарсадан ҳаё қилиш мақомига эришади.

АЛЛОҲДАН ҲАЁ ҚИЛИШ МАҚОМИ

عَنْ سَعِيدِ بْنِ يَزِيدَ الْأَزْدِيِّ، أَنَّهُ قَالَ لِلنَّبِيِّ ﷺ: أَوْصِنِي، قَالَ: «أَوْصِيكَ أَنْ تَسْتَحِيَ مِنَ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، كَمَا تَسْتَحِي مِنَ الرَّجُلِ الصَّالِحِ مِنْ قَوْمِكَ». رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Саъид ибн Язид Аздий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Менга насиҳат қилинг», деди.

«Сенга Аллоҳ азза ва жалладан қавмингдаги солиҳ кишидан ҳаё қилганингек ҳаё қилишингни насиҳат қиламан», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Одатда ҳар қандай одам ҳам, агар одамлигини йўқотмаган бўлса, солиҳ – ибодатли, тақволи ва динига амал қиладиган шахсни ҳурмат қилади. Уни кўрганда беҳуда гап-сўз айтишдан, шармсиз хатти-ҳаракат қилишдан ҳаё қилади. Исломи гўзал бўлган банда доимо Аллоҳ таолони кўриб тургандек, бунга қодир бўлмаса, Аллоҳ таоло ўзини кўриб тургандек яшайди. Шунинг учун у доимо Аллоҳ таолодан ҳаё қилади, У Зотнинг амрини тутиб яшайди.

АЛЛОҲДАН ҲАЁ ҚИЛИШ НИМАНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ?

Аллоҳ таолодан ҳаё қилган банда нималар қилиши лозимлигини қуйидаги ҳадиси шарифдан билиб оламиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «اسْتَحْيُوا مِنْ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ»، قَالَ: قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا نَسْتَحْيِي وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، قَالَ: «لَيْسَ ذَاكَ، وَلَكِنَّ الْأَسْتَحْيَاءَ مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ، أَنْ تَحْفَظَ الرَّأْسَ وَمَا وَعَى، وَالْبَطْنَ وَمَا حَوَى، وَتَتَذَكَّرَ الْمَوْتَ وَالْبَلَى، وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ تَرَكَ زِينَةَ الدُّنْيَا، فَمَنْ فَعَلَ ذَلِكَ فَقَدْ اسْتَحْيَا مِنَ اللَّهِ حَقَّ الْحَيَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан риовят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё ила ҳаё қилинглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, алҳамдулиллаҳ, биз ҳаё қиламиз», дедик.

«Ундай эмас. Аммо Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш – бошни ва у ичига олган нарсани, қоринни ва у ичига олган нарсани муҳофаза қилмоғинг, ўлимни ва чиришни элсамоғингдир. Ким охиратни ирода қилса, дунё зийнатини тарк қилади. Ким ўшани қилса, ҳақиқатда Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Демак, Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш шунчаки хаёлдан ўтказиб қўйиладиган нарса эмас. Бировнинг хузурида қисилиб, қимтиниб ўтиришга ўхшаш нарса эмас. Ёки шунга ўхшаган қуруқ гап ва хатти-ҳаракатлардан ҳам иборат эмас.

«Аммо Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш – бошни ва у ичига олган нарсани, қоринни ва у ичига олган нарсани муҳофаза қилмоғинг, ўлимни ва чиришни элсамоғингдир».

Демак, Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш У Зотнинг таълимотларига амал қилиб яшашдан иборатдир.

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш аввало Ислом ақийдасига тўғри эътиқод ва мафқуранинг мукамал бўлишидир.

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш бошда жойлашган кулокни ҳаромдан тийиш ва уни шариатга мувофиқ нарсаларга ишлатишдир

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш бошда жойлашган оғизни ҳаромдан тийиш ва уни шариатга мувофиқ нарсаларга ишлатишдир.

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш бошда жойлашган бурунни ҳаромдан тийиш ва уни шариатга мувофиқ нарсаларга ишлатишдир.

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш қоринни ва унда жойлашган нарсаларни ҳаромдан тийиш ва уларни шариатга мувофиқ нарсаларга ишлатишдир.

Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиш банданинг доимо ўлим ҳақлигини, ўзи ҳам бир куни ўлиши буюк ҳақиқат эканини эслаб юриши, шунингдек, қабрда чириши ҳақ эканини эслаб юришидир. Бу ишларни амалга оширган одамнинг Исломи гўзал бўлади ва икки дунёси бахтга – саодатга кўмилган бўлади.

«Ким охиратни ирода қилса, дунё зийнати тарк қилади. Ким ўшани қилса, ҳақиқатда Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлади».

Охиратни ирода қилган одам бу дунёга ўта қизиқмайди, унинг бевафолигини яхши билади. Шунинг учун охиратни ўйлаб, бу дунё зийнати тарк қилади. Ана ўша банданинг Исломи гўзал бўлади.

АЛЛОҲДАН ҲАЁ ҚИЛИШНИНГ БАРДАВОМЛИГИ

Исломим гўзал бўлсин, деган одам Аллоҳ таолодан ҳаё қилиши бардавом бўлиши керакдир. Бунинг учун эса у банда доимий равишда ўзига Аллоҳ таолонинг яқинлигини сезиб, ҳис қилиб, У Зот барча нарсани кўриб, билиб, ҳисобини қилиб турганига мустаҳкам ишонч билан яшамоғи лозимдир. Ушбу улкан ҳақиқат Қуръони Каримнинг бир қанча оятларида ўз ифодасини топгандир. У Зот Қоф сурасида марҳамат қилади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعَلَهُ مَا تُوَسْوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ

إِلَيْهِ مِنْ جَبَلٍ أَلْوَيْدٍ ﴿١٦﴾

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз. Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз» (16-оят).

Бирор асбоб ва ёки буюмнинг устаси ундаги энг майда икир-чикирларгача яхши билади. Унинг хусу-

сиятларини, афзалликларини, шунингдек, камчиликларини нуқсонларини ҳам яхши билади. Ҳолбуки, у яратувчи эмас. У бор-йўғи мавжуд нарсаларни бир-бирига қўшиб, улаб, кесиб, ўйиб ва бошқа усуллар билан асбоб ясайди. Яратувчи эса йўқдан бор қилади.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло:

«Албатта, инсонни Биз яратганмиз», деб таъкидламоқда.

Демак, Яратувчи яратган нарсасининг ҳамма тарафни мукаммал билади. Шу билишини Аллоҳ таоло инсоннинг энг нозик жойларидан бирини тилга олиш билан билдирмоқда:

«ва унинг нафси нимани васваса қилишини ҳам билурмиз».

Нафснинг васвасаси инсоннинг хаёлида кечади, унинг жараёнини ташқаридан ҳеч ким билмайди. Аллоҳ таоло ўшандай махфий нарсани ҳам билиб тургандан кейин, бошқасини билиш Унга ҳеч гап бўлмай қолади.

Инсон ҳар доим, ҳар лаҳза Аллоҳнинг чангалида, Унинг сергак кузатиши остида туришини билдириш учун оятнинг охирида:

«Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз», дейди.

«Жон томири» деганда биз қон томирини тушуна-миз. Инсон шуни тўла ҳис қилиб олса, ҳар бир ҳаракати, гапи, сўзи Яратганни рози қилиш учун бўлиши лозимлиги ҳақида ўйлаб қолади, ҳеч бир гуноҳга, ҳаром ишга яқинлашмай қўяди, доимо хушёр, сергак яшайди.

Лекин инсонни кузатиш, унинг ишларини ҳисоб-ки-тоб қилиш бу билан тугамайди. Балки яна бошқа қўшимча кузатиш ҳам бор. Инсон қаерда бўлмасин, доимо ўзига вакил қилинган икки фариштанинг назоратида бўлади. Улар инсондан содир бўлаётган гап-сўз ва амалларни зудлик билан ёзиб борадилар.

إِذْ يَنْلَقَى الْمَلَائِكَةَ عَنِ الْيَمِينِ وَعَنِ الشِّمَالِ قَعِيدٌ ﴿١٧﴾ مَا يَلْفِظُ مِنْ
قَوْلٍ إِلَّا لَدَيْهِ رَقِيبٌ عَتِيدٌ ﴿١٨﴾

«Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда... бирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурда ҳозир у нозир борлар» (17-18-оятлар).

Демак, инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган ва улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб оладилар. Оятда уларни «икки кутиб олувчи» деб айтилмоқда.

«Икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олганда...»

Мазкур фаришталар содир бўлган барча ҳодисаларни ёзиб боришга вакил қилинганлар.

«...бирор сўз талаффуз қилмас, илло ҳузурда ҳозир у нозир борлар».

Инсоннинг оғзидан чиққан битта лафз ҳам уларнинг назарларидан четда қолмайди. Улар ҳамиша ҳозир у нозирдирлар, дарров ёзиб қўядилар.

Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ таоло бандасининг амалларини ҳисоб-китоб қилишда бу икки фариштанинг ишига муҳтож эмас. Ўзи ҳамма нарсани комил илми ила билиб туради, ҳаттоки аввалги оятларда айтилганидек, одамнинг хаёлидан ўтган нарсаларни ҳам билади. Мазкур фаришталарнинг ёзиб боришининг бошқа ҳикмати бор: қиёмат куни инсонга ҳужжат сифатида кўрсатиладиган номаи аъмол ушбу фаришталар ёзган ёзувлар бўлади. Бунга иймон келтириш эса ҳар бир банданинг кўпроқ яхшилик қилишига, ёмонликдан янада кўпроқ четланишига сабаб бўлади.

Ушбу мавзуда кўплаб ривоятлар келган, шулардан баъзилари билан танишиб чиқсак, тушунчаларимиз мукамалроқ бўлади.

Али ибн Абу Толҳа Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қиладики, у зот «Бирор сўз айтмас, магар хузурида ҳозиру нозир борлар» ояти ҳақида: «Ҳар бир яхши-ёмон гапи ёзиб борилади. Ҳаттоки «едим», «ичдим», «бордим», «келдим», «кўрдим» кабилар ҳам. Пайшанба куни унинг иши ва гапи арз қилинади, яхшилиги, ёмонлиги бори қолдирилиб, қолгани ташлаб юборилади», деган эканлар.

Имом Ҳасан Басрий «...ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида» оятини ўқиб туриб: «Эй одам боласи, сенинг саҳифанг очилди, икки хурматли фаришта сенга вакил қилинди, биттаси – ўнг тарафингдагиси яхшиликларингни ёзади, иккинчиси – чап тарафингдагиси ёмонликларингни ёзади. Нимани хоҳласанг, қилавер – озми, кўпми... Вафот этганингда, саҳифанг беркитилади, қабрингда бўйнингга осиб қўйилади. Қиёмат куни шундай ҳолда қабриндан чиқасан...» деган эканлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ўлим тўшагида инграб ётганларида, Товус розияллоху анҳудан «Фаришта ҳар бир нарсани, ҳатто инграшни ҳам ёзади», деган ривоятни эшитибдилар-у, дарҳол инграшни тарк этиб, шу билан то жон таслим қилгунларича инграмаган эканлар.

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

وَمَا تَكُونُ فِي شَأْنٍ وَمَا تَتْلُوا مِنْهُ مِنْ قُرْآنٍ وَلَا تَعْمَلُونَ مِنْ
عَمَلٍ إِلَّا كُنَّا عَلَيْكُمْ شُهُودًا إِذْ تُفِيضُونَ فِيهِ وَمَا يَعْزُبُ عَنْ
رَبِّكَ مِنْ مِثْقَالِ ذَرَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَلَا أَصْغَرَ مِنْ
ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرَ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٦١﴾

«Қайси ҳолда бўлсанг, Қуръондан нимани тиловат этсанг, ишлардан қай бирини қилсангиз, албатта, Биз

ўшанга киришаётган пайтингизда сизларга гувоҳмиз. На ер юзида ва на осмонларда зарра миқдоригаги, ундан кичикроқ ёки каттароқ нарса Роббингдан ғойиб бўлмас, балки очиқ-ойдин китобдадир» (61-оят).

Демак, ҳар бир нарсани Аллоҳ нафақат кўради ёки билади, балки унга гувоҳ бўлади ва очиқ-ойдин китобга ёзиб ҳам қўяди. Қадимги уламоларимиз «зарра» деганда куёш нурида кўзга чалинадиган чанг заррачаларини тушунганлар. Аммо бугун «зарра» деганда «атом», «электрон» каби кўз билан кўриб бўлмайдиган моддалар тушунилмоқда. Ана шу зарралар ҳам Аллоҳ томонидан махфий қолмас экан. Албатта, вақти келганда ўшанга биноан ҳисоб-китоб қилинади. Шундай бўлгандан кейин, дунёда энг катта гуноҳни қилганларнинг – Аллоҳ таологагина хос бўлган ҳаққа тажовуз этиб, У Зотнинг шаънига ёлғон тўқиб, берган ризқининг баъзисини ҳаром, баъзисини ҳалол деганларнинг гуноҳи махфий бўлиб қолармиди? Йўқ, албатта.

Шунингдек, зарра миқдоригаги ишга ҳам Аллоҳ гувоҳ бўлиб турибди, очиқ-ойдин китобга ёзилиб турибди, деган эътиқод билан яшаб, Аллоҳга ихлос ила эътиқод ва бандалик қилганларнинг бирор амали зое бўлармиди? Албатта, йўқ. Ҳаммаси ҳисобга олинади ва мукофоти берилади.

Аллоҳ таоло Зухруф сурасида марҳамат қилади:

أَمْ يَحْسِبُونَ أَنَا لَا نَسْمَعُ سِرَّهُمْ وَنَجْوَاهُمْ بَلَىٰ وَرُسُلْنَا لَدَيْهِمْ
يَكْتُبُونَ

«Ёки улар Бизни уларнинг сирларини (билмас) ва пичирлашиб қилган маслаҳатларини эшитмас, деб ҳисоблайдиларми? Йўқ! Ҳолбуки, элчиларимиз уларнинг ҳузурларида ёзмоқдалар» (80-оят).

Нима учун кофир, мушрик ва мунофиқлар Ҳаққа, Ислонга, Куръонга ва Пайғамбарга қарши бўладилар? Нима учун турли гаплар тарқатадилар? Нима учун душманлик қиладилар?

«Ёки улар Бизни уларнинг сирларини (билмас) ва пичирлашиб қилган маслаҳатларини эшитмас, деб ҳисоблайдиларми?»

Одамлар олдида динимиз ҳақида ёмон гап айтмасалар ҳам, динга қарши ошқора иш қилмасалар ҳам, одамлардан яширин суратда динга қарши ишлар қилишлари шу сабабданми? Ўзлари ёлғиз қолиб, пичирлашиб, динга, диндорларга қарши режалар тузишлари шунданми?

«Йўқ!»

Уларнинг бу гумонлари мутлақо нотўғри. Биз уларнинг ҳамма ишларини ипидан-игнасигача яхши биламиз. Биз уларнинг пичирлашиб қилган маслаҳатларини ҳам эшитиб турамыз.

«Ҳолбуки, элчиларимиз уларнинг ҳузурларида ёзмокдалар».

Устига-устак, уларга бириктирилган элчи фаришталаримиз уларнинг ҳар бир ишларини, гап-сўзларини уларнинг олдида туриб, аниқ қилиб ёзмокдалар. Вақти келганда, ўша элчиларимиз ёзган ҳужжатни уларга кўрсатамыз. Ҳужжатда уларнинг Ислонга, мусулмонларга қарши қилган ишлари, айтган гаплари ва гувоҳи билан очиқ-ойдин ёзилган бўлади. Уларга ўша нома кўрсатилиб, гуноҳларига иқроқ қилингандан сўнг жазолари берилади.

БЕҲУДА ИШЛАРНИ ТАРК ҚИЛИШ КИШИ ИСЛОМИНИНГ ҲУСНИДАНДИР

Ушбу ўта муҳим ишга оид мавзуни руҳий тарбия машойхлари «тил офатлари» ёки «калом офатлари» деб номлайдилар ва унга оид масалаларни эринмай ва батафсил баён қиладилар.

ТИЛ ОФАТЛАРИ

Тилдан келадиган офатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар қалбни сархуш қилади. Одам табиатида ҳам уларга мойиллик бор. Мазкур офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. Бу жуда катта фазилатдир. Жим туриш ҳимматни жамлайди ва фикрни софлайди.

Бу ҳақда бир қанча ҳадислар келган.

عَنْ سَهْلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ يَضْمَنُ لِي مَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ وَمَا بَيْنَ لِحْيَيْهِ، ضَمِنْتُ لَهُ بِالْجَنَّةِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ فِي سَفَرٍ فَأَصْبَحْتُ يَوْمًا قَرِيبًا مِنْهُ وَنَحْنُ نَسِيرٌ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ وَيُبَاعِدُنِي عَنِ النَّارِ، قَالَ: «لَقَدْ سَأَلْتَنِي عَنْ عَظِيمٍ وَإِنَّهُ لَيْسِيرٌ

عَلَى مَنْ يَسْرُهُ اللَّهُ عَلَيْهِ: تَعْبُدُ اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا، وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِي الزَّكَاةَ، وَتَصُومُ رَمَضَانَ، وَتَحُجَّ الْبَيْتَ، ثُمَّ قَالَ: أَلَا أَدُلُّكَ عَلَى أَبْوَابِ الْخَيْرِ: الصَّوْمِ جَنَّةٌ، وَالصَّدَقَةِ تُطْفِئُ الْخَطِيئَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ وَصَلَاةَ الرَّجُلِ مِنْ حَوْفِ اللَّيْلِ»، قَالَ: ثُمَّ تَلَا ﴿تَجَافَى جُنُوبَهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ﴾ ﴿حَتَّىٰ بَلَغَ﴾ ﴿يَعْمَلُونَ﴾ ﴿ثُمَّ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكَ بِرَأْسِ الْأَمْرِ كُلِّهِ وَعَمُودِهِ وَذِرْوَعِ سَنَامِهِ: قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: رَأْسُ الْأَمْرِ الْإِسْلَامُ، وَعَمُودُهُ الصَّلَاةُ، وَذِرْوَعُ سَنَامِهِ الْجِهَادُ»، ثُمَّ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكَ بِمَلَكَ ذَلِكَ كُلِّهِ؟» قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: فَأَخَذَ بِلِسَانِهِ قَالَ: «كُفَّ عَلَيْكَ هَذَا»، فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، وَإِنَّا لَمُؤَاخِذُونَ بِمَا نَتَكَلَّمُ بِهِ؟ فَقَالَ: «تَكَلَّمْتَ أُمَّكَ يَا مُعَاذُ، وَهَلْ يَكُفُّ النَّاسَ فِي النَّارِ عَلَىٰ وُجُوهِهِمْ - أَوْ عَلَىٰ مَنَاخِرِهِمْ - إِلَّا حَصَائِدُ أَلْسِنَتِهِمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилишади:

«Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи васаллам билан сафарга чиққан эдим. Бир куни юриб бораётганимизда у зотга яқинлашиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга мени жаннатга киритадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», дедим.

«Батаҳқиқ, буюк нарсани сўрадинг. Зотан, у Аллоҳ муяссар қилган кимса учун жуда ҳам осондир. Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Ҳамда намозни қоим қиласан. Закот-

ни адо қиласан, Рамазон(рўзаси)ни тутасан, Байтни ҳаж қиласан, – дедилар. Сўнгра: – Сени яхшилик эшикларига далолат қилиб қўяйми: рўза сақловчидир. Садақа худди сув оловни ўчиргандек хатоларни ўчиради. Кишининг тун ичида ўқиган намози солиҳларнинг шиоридир», деб «Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур», оятини тиловат қилдилар.

Сўнгра эса: «Сенга ишнинг боши, умуртқа поғонаси ва ўрқачининг чўққиси ҳақида хабар берайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим.

«Ишнинг боши Исломдир. Унинг умуртқа поғонаси намоздир. Унинг ўрқачининг чўққиси эса жиҳоддир, – дедилар. Сўнгра дедилар: – Сенга ўшаларнинг ҳаммасига молик бўлган нарсанинг хабарини берайми?»

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Набийси», дедим. Бас, у зот тилларини ушлаб:

«Мана буни тийгин!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Набийси, биз гапирган нарсамиз учун албатта (иқобга) олинамизми?» дедим мен.

«Онанг азангни тутсин, эй Муъоз. Одамларни тилларининг маҳсули дўзахга юзтубан (ёки тумшуклари ила) туширмаса, нима туширар эди!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: «Тилдан кўра қамокда туришга ҳожатлироқ нарса йўқ», деган.

Абу Дардо розияллоху анху айтади: «Икки қулоғингни оғзингдан сақла. Оз гапириб, кўп эшитишинг учун сенга битта оғиз, иккита қулоқ берилган».

Мухаллад ибн Ҳусайн: «Эллик йилдан бери узр айтишга сабаб бўладиган бирор оғиз сўз айтмадим», деган экан.

КАЛОМНИНГ ОФАТЛАРИ

Биринчи офат – кераксиз сўз.

Вақтнинг қадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки Аллоҳ таолонинг зикрини қўйиб, кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекор ўтказишдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، فَلْيُكَلِّمْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

وَعَنْ ابْنِ عَمْرٍو: مَنْ صَمَتَ نَجًا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Ким сукут сақласа, нажот топади».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ: إِذَا أَصْبَحَ ابْنُ آدَمَ، قَالَتِ الْأَعْضَاءُ كُلُّهَا لِّلْسَانَ: اتَّقِ اللَّهَ فِينَا، فَإِنَّمَا نَحْنُ بِكَ، فَإِنِ اسْتَقَمَّتْ اسْتَقَمْنَا، وَإِنِ اعْوَجَّجَتْ اعْوَجَّجْنَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъийддан ривоят қилинади:

«Одам боласи тонг отгирса, унинг аъзоларининг барчаси тилга: «Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан

кўрқ! Биз сенга боғлиқмиз. Тўғри бўлсанг, тўғримиз. Эгри бўлсанг, эгримиз», дейдилар».

Термизий ривоят қилган.

قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: لَا خَيْرَ فِي فُضُولِ الْكَلَامِ.

Абу Хурайра айтади: «Гапнинг ортиқчасида яхшилиқ йўқ».

وَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ: مَنْ كَثُرَ كَلَامُهُ، كَثُرَ سَقَطُهُ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху айтади:

Ҳақимлардан биридан: «Сени бунчалик ҳикматга нима етказди?» деб сўралганда, «Билган нарсамни сўрамайман, кераксиз нарсани гапирмайман», деб жавоб берган экан.

Иккинчи офат – ботил сўзга киришиш.

Ботил сўз ичкиликбозлик мажлислари, фосиқларнинг қилмишлари каби нарсалар ҳақидаги гаплардир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَّبِعُن فِيهَا، يَزِلُّ بِهَا فِي النَّارِ أَبْعَدَ مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Банда билиб-билмай бир сўзни айтади ва шу туфайли дўзахнинг мағриб билан машриқ орасидан ҳам чуқур жойига тушади», дедилар».

Аҳмад, Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Жанжал ва тортишувлар ҳам ботил гапга яқин нарсалардир. Уларда бировнинг хатосини исбот қилиш учун низолашилади. Бунга бировдан устун келиш истаги сабаб бўлади.

Агар масала динга тегишли бўлса, мункар нарса-ни инкор қилиш ва тўғриси баён қилиб бериш зарур. Аммо гап дунё тўғрисида бўлса, талашиб-тортишиб ўтиришнинг кераги йўқ. Бу офатнинг давоси ўз фазлини изҳор қилишга сабаб бўлган кибрни синдиришдан иборат.

Жанжал ва тортишувлардан катгароқ офат хусумат қилишдир. Айниқса ботил йўл билан ва илмсиз равишда хусумат қилиш жуда ҳам ёмон иш. Чунки у қалбларни ҳасадга тўлдиради, ғазабни кўзитади ва бировларнинг обрўсига тил теккизишгача олиб боради. Шунинг учун ҳақ эгаси ҳам хусуматлашишдан иложи борича ўзини олиб қочгани афзал.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «كَفَى بِكَ إِثْمًا إِلَّا تَزَالَ مُخَاصِمًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Сенинг хусуматчи бўлиб туришинг гуноҳкорлик учун етарлидир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَبْغَضُ الرِّجَالِ إِلَى اللَّهِ الْأَكْذُ الْخَصِمُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

Оша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллох учун одамларнинг энг ёмон кўрилгани ашаддий хусуматчидир», дедилар».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

«Ашаддий хусуматчи» сулҳни қабул қилмайдиган, жанжални пулга сотиб оладиган шахсдир.

Учинчи офат – гапда чуқур кетиш.

Бу нарса оғизни тўлдириб, қофиясини келтирган ҳолда гапириш ила бўлади.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ أَبْغَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْغَضَكُمْ مِنِّي يَوْمَ الْقِيَامَةِ، الثَّرَثَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ وَالْمُتَفَيْهِقُونَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, менга энг ёмон кўринадиганингиз ва қиёмат кунини мендан энг узоқ бўладиганингиз кўп гапирадиганингиз, оғзини тўлдириб гапирадиганингиз ва мутакаббирлик учун гапирадиганингиз», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Албатта, маърузачиларнинг қофиясини келиштириб, гўзал гапиришлари бу жумлага кирмайди. Чунки улар диний таълимотларни кишиларга етказиши учун одамларга таъсир қиладиган чораларни кўришлари зарур.

Тўртинчи офат – фаҳш, сўкиш ва ачитиб гапириш.

«Фаҳш» сўзи қабих, уят, шармсизлик маъноларини англатади.

Уламолар фаҳшни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: «Фаҳш соғлом табиат нафрат қиладиган ва мустақийм ақл нуқсон санайдиган нарсадир», деган.

Роғиб: «Фаҳш – қабихлиги катта бўлган гаплар ва ишлардир», деган.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида:

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ الْفَوَاحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَالْإِثْمَ وَالْبَغْيَ

بِغَيْرِ الْحَقِّ وَأَنْ تُشْرِكُوا بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ سُلْطَانًا وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ
مَا لَا نَعْمُونَ ﴿٣٣﴾

«Сен: «Роббим фақатгина ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга Ўзи ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан ўзингиз билмайдиган нарсани гапиришингизни ҳаром қилган, холос», деб айт», деган (33-оят).

Аввал айтилганидек, фаҳш иш улкан қабиҳликдир. Бундай ишлар хоҳ ошкора, хоҳ яширин бўлсин, барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларни васф қилганида уларнинг фаҳшдан четда бўлишларини таъкидлаган:

Аллоҳ таоло Шуру сурасида:

وَالَّذِينَ يَجْنَبُونَ كِبْرَ الْأَيْمِ وَالْفَوَاحِشَ وَإِذَا مَا عَضِبُوا هُمْ
يَغْفِرُونَ ﴿٣٧﴾

«Катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиган ва ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар учундир», деган (37-оят).

Уламоларимиз: «Фаҳш ишлар, деганда шахватга тааллуқли гуноҳлар кўзда тутилади», дейдилар. Фаҳш ишлар ичида катта гуноҳлар қаторига кирадиган зинокорлик ва баччабозлик кабилари ҳам бор, катта гуноҳлар сирасига кирмайдиганлари ҳам бор.

Инсон икки дунёда ҳам олий мақомга эришмоқчи бўлса, улкан гуноҳлар, фаҳш иш ва сўзлардан четда бўлмоғи лозим. Бунга эса фақат иймон билан эришилади. Қалби соф иймонга тўла кишигина катта гуноҳлар-

ни ва бузуқ ишларни қилмайди. Улардан четда бўлган соф иймонли бандаларгина Аллоҳ таоло ҳузуридаги яхши ва боқий нарсаларга соҳиб бўладилар.

Бу қабилдаги гапларни гапиришни шариат ман қилган. Улар чиркинликлар манбаси ва ёмонликлар уясидир.

وَقَالَ ﷺ: «إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْفُحْشَ وَلَا التَّفَحُّشَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ.

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ уят-сизликни ва уятсиз гаплар гапирилишини хуш кўрмайди», дедилар».

Абу Довуд яхши иснод ила ривоят қилган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَيْسَ الْمَرْءُ الْمُؤْمِنُ بِالطَّعَّانِ وَلَا بِاللَّعَّانِ وَلَا بِالْفَاحِشِ وَلَا بِالْبَدِيِّ».

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин киши таъначи, лаънатчи, фоҳиша ва базий (сўконғич, аччиқ сўзли) бўлмайди», дедилар».

Фаҳш ва уятсизлик кўп ҳолларда уят гапларни очиқ-ойдин айтиш билан бўлади. Одатда бу нарсалар жинсий алоқага оид гапларни бешармлик ила гапириш орқали юзага чиқади. Аҳли солиҳлар ундай ибораларни ишлатмайдилар.

Сўкиш ва ачитиб гапиришни араб тилида «базоъа» дейилади. Бу сўз луғатда тилда мавжуд бўлган, рост бўлса ҳам, аччиқ ва уятсиз гапни англатади.

Уламолар уни куйидагича таърифлайдилар:

Ғаззолий: «У қабиҳ саналган нарсани очиқ-ойдин сўзлар билан ифодалашдир», деган.

Муновий: «У калом рост бўлса ҳам, нутқдаги фаҳш ва қабиҳликдир», деган.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, у билан урушиш куфрдир», дедилар».

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда сўкиш фисқ, уруш эса куфр дейилмоқда. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

Одатда одамлар сўкишга унчалик эътибор бермайдилар. «Сўкса сўкилиб қолармиди», деб кетаверадилар. «Фалончи бўлганидан кейин сўкади-да», деган ноўрин мулоҳазаларни ҳам айтадилар. Аслида эса сўкиш гуноҳ ва қабиҳ иш бўлиши билан бирга, ўзидан кўра каттароқ гуноҳ ва ҳалокатларга элтувчи йўл ҳам ҳисобланади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ كَالْمُشْرِفِ عَلَى الْهَلَكَةِ». رَوَاهُ الْبَزَّازُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Мусулмонни сўкиш ҳалокат жари ёқасига келиб қолишдекдир», дедилар».

Баззор ривоят қилган.

Жарнинг ёқасига келгандан сўнг унга тушиб кетиш ҳеч нарса бўлмай қолади. Демак, сўкишга эътибор бермай, «Сўкса нима бўпти», дейиш мутлақо нотўғри ишдир.

Хусусан, сўкишни кўп ишлатадиган одамлар катта гуноҳларга сабаб бўладилар. Улар олий илм даргоҳларини битирган, катта мансабларни эгаллаган, яхши кийиниб, яхши яшаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Модомики, ичларида яхшиликка амал қилдирувчи куч йўқ экан, ўзларининг сўзларини тузатолмас эканлар, ким бўлишларидан қатъи назар, фосиқ бўладилар, маданиятсиз, тубан инсон ҳисобланадилар.

Ўзаро муомалада биринчи бўлиб сўккан одам катта маънавий жиноят қилган бўлади. Орадаги ҳурмат ва иззат, ўзаро тушуниш пардасини йиртган, ёмонликка йўл очган бўлади.

Бешинчи офат – мазах.

«Мазох» арабча сўз бўлиб, аслида ҳазил-мутойибани англатади. Бинобарин, ҳазил-мутойиба учун рост гапларни гапириб, озроқ мазах қилиш жоиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳақ гаплардан четламаган ҳолларида ҳазил қилар эдилар. Ул зотнинг бир кишига: «Эй икки кулоқли», бошқа бировга: «Сени туянинг боласига миндирамиз», деганлари ривоят қилинган.

Қари кампирга: «Кампирлар жаннатга кирмайдилар», деганлар ва сўнгра Воқиъа сурасидаги «Албатта, Биз у(хур)ларни дафъатан, махсус яратдик. Бас, уларни бокиралар қилиб қўдик», оятларини ўқиганлар.

Бошқа бир кампирга: «Кўзида оқи бор эрингми?» деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазил-мутойибаларида уч нарсаси мужассам бўлган:

1. Ҳақ бўлган.
2. Аёллар, болалар ва заиф кишилар билан бўлган.
3. Нодир (камдан-кам) бўлган.

Бу ҳолатлар доимий равишда ҳазил қилиб юришга далил эмас. Нодир нарсанинг ҳукми доимий нарсанинг

ҳукмига ўхшамайди. Мисол учун, бир одам ҳабашларнинг ўйинини кечаю кундуз томоша қилиб, бунга «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни томоша қилганлар», деб ҳужжат келтириши нотўғри бўлади.

Ҳазил-мутойибада ҳаддан ошиш ва бардавом бўлиш ман қилинган. Чунки бу иш одамнинг виқорига футур етказди. Турли гина ва кўнгил қолиши ҳолатларини келтириб чиқаради.

عَنْ أَبِي لَيْلَى الْأَنْصَارِيِّ، قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي بَعْضِ غَزَوَاتِهِ، فَأَخَذَ بَعْضُ أَصْحَابِهِ كِنَانَةَ رَجُلٍ، فَعَيَّبُوهَا لِيَمْرُؤٍ مَعَهُ، فَطَلَبَهَا الرَّجُلُ، فَفَقَدَهَا فَرَاعَهُ ذَلِكَ، فَجَعَلُوا يَضْحَكُونَ مِنْهُ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: «مَا أَضْحَكُكُمْ؟» قَالُوا: لَا، وَاللَّهِ، إِلَّا أَنَّا أَخَذْنَا كِنَانَةَ فُلَانٍ لِنَمْرَحَ مَعَهُ، فَرَاعَهُ ذَلِكَ، فَذَلِكَ الَّذِي أَضْحَكْنَا، فَقَالَ: «لَا يَجِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يُرَوِّعَ مُسْلِمًا».

Абу Лайло Ансорийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи ғазотларига чиқдилар. Ул зотнинг саҳобаларидан бирлари бир кишининг ўқдонини олиб, ҳазил учун беркитиб қўйди. Эгаси уни излаб, топмасдан, хавфга тушди. Ундан кула бошладилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб:

«Нимага куляпсизлар?» дедилар.

«Йўқ. Аллоҳга қасам. Фақат Фалончининг ўқдонини ҳазиллашиб беркитиб қўйган эдик, у кўрқиб кетди», дейишди.

«Мусулмонга мусулмонни кўрқитиш ҳалол эмас», дедилар».

Умар ибн Абдулазиз: «Мазаҳдан сақланинг. У кек пайдо қилувчи аҳмоқликдир», деган.

Ҳақимлардан бири шундай дейди: «Мазаҳ сўқиш-у, аммо эгаси кулдиради, холос».

Иброҳим Нахаъий: «Мазаҳ тентаклик ва кибрдир», деган.

«Мунсурул ҳикам»да: «Мазаҳ худди олов ўтинни егандек, ҳайбатни ейди», дейилган.

Ҳақимлардан баъзиси: «Кимнинг мазаҳи кўпайса, ҳайбати йўқолади», деган.

Олтинчи офат – масхара ва истехзо.

«Масхара» сўзи луғатда «бировни ҳақир – паст санаш» ва «хор билиш» маъноларини англатади.

Уламолар масхарани қуйидагича таърифлайдилар:

Муновий: «Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир», деган.

Ибн Камол: «Масхара – масхара қилинганнинг наздида арзийдиган, масхара қилувчининг наздида эса арзимайдиган нарсадир», деган.

Масхара қилиш – хорлаш йўли ила бировни кулгига олиш, пастга уриш, кўпчилик орасида айбини ошкор қилишдир. Гоҳида гап ва амалга тақлид қилиш билан, имо-ишора ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида:

وَلَقَدْ آتَيْنَا إِبْرَاهِيمَ رِسَالًا مِن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِالذِّكْرِ سَخِرُوا مِنْهُمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ



«Батаҳқиқ, сендан олдинги расуллар ҳам истехзо қилинганлар. Бас, уларни масхара қилганларни ўзлари истехзо қилиб юрган нарса ўраб олди», деган (41-оят).

Пайғамбарларни истехзо қилган кофирларга азоб тушди. Улар бу дунёнинг ўзидаёқ азобга дучор бўлдилар. Сени масхара қилаётганлар ҳам, вақт ғаниматлигида эсларини йиғиб, тавба қилмасалар, аввал бу дунёда, кейин у дунёда азобга учрайдилар. Чунки уларни Аллоҳ таолонинг азобидан сақлайдиган ҳеч бир куч йўқ.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида:

الَّذِينَ يَلْمِزُونَ الْمُطَّوِّعِينَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ
فِي الصَّدَقَاتِ وَالَّذِينَ لَا يَجِدُونَ إِلَّا جُهْدَهُمْ فَيَسْخَرُونَ
مِنْهُمْ سَخِرَ اللَّهُ مِنْهُمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٦﴾

«Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиганларни Аллоҳ масхара қиладир ва уларга аламли азоб бўладир», деган (79-оят).

Куръони Каримда мўмин-мусулмонлар бировни масхара ва истехзо қилишдан қайтарилган.

Аллоҳ таоло Хужурот сурасида:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا يَسْخَرَنَّ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَىٰ أَن يَكُونُوا خَيْرًا
مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّنْ نِّسَاءٍ عَسَىٰ أَن يَكُنَّ خَيْرًا مِّنْهُنَّ

«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир», деган (11-оят).

Албатта, ўзгаларни масхара қилиш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Бир одам иккинчисини масхара қилса, камситса, устидан кулса, албатта, масхара қилинган одамнинг аччиғи чиқади, у ҳам масхара қилувчига ўзига яраша жавоб беришга уринади. Орада низо-жанжал чиқади, ижтимоий алоқалар бузилади ва жамият заифлашади. Ислом эса доимо мусулмонлар жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун қайғуради.

عَنْ الْحَسَنِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّ الْمُسْتَهْزِئِينَ بِالنَّاسِ يُفْتَحُ لِأَحَدِهِمْ فِي الْآخِرَةِ بَابٌ مِنَ الْجَنَّةِ، فَيُقَالُ لَهُمْ: هَلُمَّ، فَيَجِيءُ بِكُرْبِهِ وَعَمِّهِ، فَإِذَا جَاءَ أُغْلِقَ دُونَهُ، فَمَا يَزَالُ كَذَلِكَ حَتَّى إِنَّ أَحَدَهُمْ لَيُفْتَحُ لَهُ الْبَابُ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ، فَيُقَالُ لَهُ: هَلُمَّ، فَمَا يَأْتِيهِ مِنَ الْإِيَّاسِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларни масхара қилувчиларнинг бири учун жаннатдан бир эшик очилади. Бас, унга: «Бу ёққа кел», дейилади. У ғам-ғуссаси ила келганида эшик ёпилади. Бу ҳол улардан бирига жаннатдан эшик очилиб, «Бу ёққа кел», дейилганда, ноумидликдан келмайдиган бўлгунича давом этади», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Еттинчи офат – ёлғон.

Ёлғон араб тилида «кизб» дейилади ва луғатда ростнинг тескарисини англатади.

Уламолар ёлғонни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: «Ёлғон хабар унинг воқеликка тўғри келмаслигидир», деган.

Ибн Ҳажар: «Ёлғон бир нарса ҳақида қасддан бўлсин, ноқасддан бўлсин, унга хилоф нарсани гапиришдир», деган.

Ёлғон сўзда бўлиши билан бирга, амалда ҳам бўлади. Бунда ёлғончи бўлмаган нарсани бўлган қилиб кўрсатиш учун ҳийла ишлатади. Ёки бунинг акси бўлиб, бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади.

Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида бунга далил бор:

وَجَاءَ وَآبَاهُمْ عِشَاءَ يَبْكُونَ ﴿١٦﴾ قَالُوا يَا أَبَانَا إِنَّا ذَهَبْنَا
نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا يُوسُفَ عِنْدَ مَتْعِنَا فَاكَلَهُ الذِّئْبُ وَمَا أَنْتَ
بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ كُنَّا صَادِقِينَ ﴿١٧﴾ وَجَاءَ وَعَلَى قَيْصِهِ يَدٌ مِرْكَبٍ

«Кечкурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб: «Эй отамиз, биз Юсуфни матоҳларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар. Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар» (16-18-оятлар).

Ўғиллар оталарини ишонтириш мақсадида, ашёвий далил деб, Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келишди.

Улар ҳам сўз ила, ҳам амал ила ёлғон тўқишди.

Ёлғоннинг сабаблари.

Кишининг ёлғон ишлатишига бир неча сабаблар бор:

1. Фойда жалб қилиш. Ёлғончи ўзига фойда етишини кўзлаб, одамларни алдаб, ўз манфаати учун ёлғон гапиради.

2. Зарарни қайтариш. Ёлғончи ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш мақсадида ҳам ёлғон тўқийди.

У ўзича шу тўғри йўл, деб ўйлайди. Аммо икки ҳолатда ҳам ўзига бу дунё ва охираат зарарини жалб қилаётганини ўйламайди.

3. Сўзини чиройли ва гапни гўзал чиқармоқчи бўлиш. Бунда ёлғончи тўғри сўз ва рост гап ила одамларга ёқиш, уларнинг эътиборини тортиш имкони йўқ бўлганидан, уларга ёқадиган гап-сўз излаб, ёлғон тўқийди.

Ёлғон гапириш одатига айланиб қолгани ва нафси шу нарсани истайдиган бўлиб қолгани сабабли бу ишни қиладиганлар ҳам бор.

4. Душмандан ўч олиш мақсади. Бунда ёлғончи душманини шарманда қилиш ва ундан ўч олиб, кўнгли тўлиши учун ёлғон тўқийди.

5. Ўз обрўсини орттириш мақсади.

Бунда ёлғончи ўзини аҳли фазл, олим, уддабурон қилиб кўрсатиб, мақтаниш учун ёлғон тўқийди.

Ёлғоннинг турлари.

Асли йўқ нарсани тўқиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада кўшимча кўшиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада нуқсон етказиш.

Бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш.

Ёлғоннинг ҳукми.

Имом Ибн Ҳажар ва имом Заҳабий: «Узрсиз ёлғон гуноҳи кабирадир», деганлар.

Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ алайҳиссаломга қасддан ёлғон тўқиш куфрдир.

Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида:

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ
وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

«Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар – ўзлари ёлғончилардир», деган (105-оят).

Аслида ёлғонни фақат иймонсиз кофирларгина тўқийдилар. Чунки кофирларда савоб, гуноҳ деган тушунча йўқ. Ёлғон гапирса, гуноҳ бўлиши, у дунёда азобланиши ҳақида эътиқоди бўлмагани учун, ўйламасдан ёлғон тўқийверадилар.

Мўминлар эса ёлғонни катта гуноҳ деб биладилар. Ёлғон гапириш туфайли охирагача азобга дучор бўлишларидан кўрқадилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبًا، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا أُوْتِمِنَ خَانَ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мунофиқнинг белгиси учта: агар сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъда берса, бажармайди ва унга омонат топширилса, хиёнат қилади», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ صَفْوَانَ بْنِ سُلَيْمٍ رضي الله عنه أَنَّهُ قَالَ: قِيلَ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ: أَيُّكُونُ الْمُؤْمِنُ جَبَانًا؟ فَقَالَ: «نَعَمْ»، فَقِيلَ لَهُ: أَيُّكُونُ الْمُؤْمِنُ بَخِيلًا؟ فَقَالَ: «نَعَمْ»، فَقِيلَ لَهُ: أَيُّكُونُ الْمُؤْمِنُ كَذَّابًا؟ فَقَالَ: «لَا». رَوَاهُ مَالِكٌ.

Имом Молик ривоят қилган ҳадиси шарифда Сафвон ибн Сулайм розияллоху анху айтадилар:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мўмин кўрқоқ бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мўмин бахил бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мўмин ёлғончи бўладими?» деб сўралди. «Йўк», дедилар».

عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي حَازِمٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا بَكْرٍ رضي الله عنه يَقُولُ:
إِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ؛ فَإِنَّ الْكَذِبَ مُجَانِبٌ لِلْإِيمَانِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоху анхунинг «Ёлғондан ҳазир бўлинглар! Албатта, ёлғон иймондан четлатувчидир», деганини эшитдим».

Байҳақий ривоят қилган.

Ёлғон ҳақидаги гаплардан намуналар:

– Умар ибн Хаттоб: «Тўғрилиқнинг мени пастлатгани (аслида унинг пастлатиши нодир нарса) ёлғоннинг мени кўтарганидан (аслида унинг кўтариши нодир нарса) яхшироқдир», деган.

– Арво исмли аёл Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл билан ҳовли талашиб, хусумат қилди. Шунда у (Саъид ибн Зайд): «Бу аёлни ўз ҳолига қўйинглар. Мен Расулulloх соллалллоху алайҳи васалламнинг «Ким бир қарич ерни ноҳақ ўзлаштириб олса, қиёмат куни етти қават ўша ер унга тавқи лаънат бўлади», деганларини эшитганман.

Аллоҳим! Агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилгин ва қабрини ҳовлисида қилгин», деди.

Мен ўша аёлнинг кўр бўлиб, деворларни пайпаслаб юрганини кўрдим. У: «Менга Саъид ибн Зайднинг дуоси тегди», дер эди.

Бир куни ҳовлисида кетаётиб, кудукқа тушиб кетди ва ўша кудук унга қабр бўлди».

Ёлғоннинг зарарлари.

1. Ёлғон ўз эгасини парчалайди.
2. Ёлғон ўз эгасини дўзахга олиб боради.
3. Ёлғон узоқни яқин, яқинни узоқ қиладиган саробдир.
4. Ёлғон мурувват, жамол ва чиройни кетказади.
5. Ёлғон ақл ўғрисидир.
6. Ёлғончи хору зор бўлади.
7. Ёлғон дину дунёни бузади.
8. Ёлғон пасткашлик аломатидир.

Исломда ёлғон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланса ҳам, ундан каттароқ зарарни қайтариш учун уч ҳолатда истисно тариқасида ёлғон ишлатишга рухсат берилган.

1. Одамлар орасини ислоҳ қилиш.

Мусулмонларнинг бир-бирлари билан урушиб юришлари жуда ҳам ёмон иш. Бу ёмон иш оқибатида инсонларнинг ва жамиятларнинг ораси бузилади.

Кишиларнинг бир-бирлари билан хусуматлашишлари, урушишлари барча бало-офатларнинг бошидир.

Шунинг учун бу ҳолат пайдо бўлиши билан, қандай қилиб бўлса ҳам уни бартараф қилишга ўтиш зарур. Бу йўлда ҳатто ёлғон гапирилишига ҳам рухсат берилади.

Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапирган одам фақатгина яхшилик учун ёлғон гапирди.

2. Урушда галаба қилиш учун.

Душман билан бўлаётган қуроли қарама-қаршилик ҳаёт-мамот жанги бўлади. Бу жангда душман қўлидан келган барча ишларни, жумладан, ёлғонни ҳам ишга солади. Агар аскар енгилса, барча уммат ва миллат душман асорати остида қолади.

Шунинг учун ҳам кўпчилик манфаати йўлида душманни доғда қолдириш учун ёлғон гапиришга рухсат берилган.

3. Оиланинг аҳиллигини сақлаб қолиш учун.

Ҳар бир жамиятда оиланинг аҳиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Аҳил оилада ўсган болалар салоҳиятли фуқаро бўлиб ўсадилар. Ота-онанинг жанжаллари садоси остида ўсган болалар эса салоҳиятли фуқаро бўлишлари қийин.

Шунинг учун ҳам эр-хотин орасидаги ўзаро аҳиллик жуда ҳам муҳимдир. Ана ўша аҳилликни сақлаб қолиш мақсадида эр-хотинга бир-бирларига яхшилик маъносида ёлғон гап айтишларига рухсат берилган.

Ушбу истисно тариқасида рухсат берилган уч ҳолатдан бошқа ҳолларда ёлғон гапириш мутлақо мумкин эмас.

عَنْ أُمِّ كَلْثُومِ بِنْتِ عُقْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - وَكَانَتْ مِنَ الْمُهَاجِرَاتِ
الْأُولَى اللَّاتِي بَايَعَنَ النَّبِيُّ ﷺ - أَنَّهَا سَمِعَتْ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ
يَقُولُ: «لَيْسَ الْكَذَابُ الَّذِي يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ وَيَقُولُ خَيْرًا وَيَنْمِي
خَيْرًا»، قَالَتْ: وَلَمْ أَسْمَعْ يُرَخِّصُ فِي شَيْءٍ مِمَّا يَقُولُ النَّاسُ كَذِبٌ إِلَّا
فِي ثَلَاثٍ: الْحَرْبِ، وَالْإِصْلَاحِ بَيْنَ النَّاسِ، وَحَدِيثِ الرَّجُلِ امْرَأَتَهُ
وَحَدِيثِ الْمَرْأَةِ زَوْجَهَا. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ. وَلَفَّظَ أَبِي دَاوُدَ: مَا سَمِعْتُ
رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يُرَخِّصُ فِي شَيْءٍ مِنَ الْكَذِبِ إِلَّا فِي ثَلَاثٍ: كَانَ
يَقُولُ: لَا أَعِدُّهُ كَاذِبًا: الرَّجُلُ يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ يَقُولُ الْقَوْلَ وَلَا يُرِيدُ
بِهِ إِلَّا الْإِصْلَاحَ، وَالرَّجُلُ يَقُولُ فِي الْحَرْبِ، وَالرَّجُلُ يُحَدِّثُ امْرَأَتَهُ
وَالْمَرْأَةُ تُحَدِّثُ زَوْجَهَا.

Умму Кулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган биринчи муҳожиралардан бўлган эди:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Одамлар орасини ислоҳ қилган каззоб эмас, хайрни айтади ва хайрни етказди», деганларини эшитган экан.

У киши айтади:

«Мен у зотнинг одамлар «ёлғон» дейдиган нарсадан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло, уч нарсада: урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эрнинг ўз хотинига ва хотиннинг ўз эрига гапиришида рухсат берганлар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғондан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Фақат уч кишинигина «Ёлғончи ҳисобламайман», дер эдилар: одамлар орасини ислоҳ қилган одамни. У бир гапни айтса, ундан ислоҳдан бошқани ирода қилмайди; Урушда сўз сўзлаган кишини; Ўз хотинига сўз айтган эрни ҳамда ўз эрига сўз айтган хотинни», дейилган.

Гапни буриб гапириш, яъни киши оғир ҳолга тушиб қолганида сиртидан бошқа, ичидан бошқа маъно берадиган гапни айтиб, очик-ойдин ёлғон гапирмай, кутулиб кетишга рухсат бор.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ فِي الْمَعَارِضِ لَمَنْدُوحَةً عَنِ الْكُذْبِ». رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, гапни буриб гапиришда ёлғондан қочиш майдони бордир», дедилар».

Ибн Адий ва Байҳақий ривоят қилишган.

Ислом оламида Куръони Каримни махлуқ дейиш фитнаси чиққанида, халифа ҳаммани бу гапни айтишга мажбур қилишга ўтган.

Навбат имом Шофеъийга келганда у киши: «Албатта, мана булар махлуқдирлар», деб тўрт бармоқларини кўрсатганлар.

Тафтишчилар ўзларича, тўрт илоҳий китобни: Забур, Таврот, Инжил ва Куръонни махлуқ деб айтди, деб тушунганлар. Имом Шофеъий бўлсалар тўрт бармоқни ирода қилганлар.

Ўзининг золимлиги билан донг таратган Ҳажжож саҳобаларнинг бирларидан: «Мен ҳақимда нима дейсан?» деб сўраган. Шунда у киши: «Сен қоситсан», деган.

Араб тилида «қосит» сўзининг икки қарама-қарши маъноси бор. Бу сўз ҳам одил, ҳам жабр қилувчи маъноларини билдиради.

Мазкур саҳобий розияллоху анху Ҳажжожга: «Сен қоситсан», деганида ўша ерда турганлар унга: «Сени мадҳ этди», дейишган. Аммо Ҳажжожнинг ўзи: «Йўқ, у мени жабр қилувчи демоқда», деган.

Саккизинчи офат – ғийбат.

«Ғийбат»нинг луғатдаги маъноси бир нарсанинг кўздан тўсилишидир.

Уламолар ғийбатни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний айтади: «Ғийбат инсоннинг бор айбларини унинг йўқлигида зикр қилишдир».

Муновий уни «Ғойибнинг айбини зикр қилиш», деган.

Ғийбатнинг энг мукамал таърифи қуйидаги ҳадиси шарифда келгандир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قِيلَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَا الْغَيْبَةُ؟ قَالَ: «ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ»، قِيلَ: أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِي مَا أَقُولُ؟ قَالَ: «فَإِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ اغْتَبْتَهُ، وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ بَهْتَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?» деб сўрашди. Расули Акрам алайҳиссалату вассалом:

«Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дедилар. Шунда:

«Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз?» дейишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», деб жавоб қилдилар.

Ғийбатнинг ҳаром, гуноҳи кабиралардан эканини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар.

Ғийбат нақадар қабих ва нақадар ёмон иш экани Хужурот сурасида баён қилинади:

وَلَا يَغْتَبِ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ
لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَحِيمٌ

«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта,

Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳм-лидир» (12-оят).

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «يَا مَعْشَرَ مَنْ آمَنَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يَدْخُلِ الْإِيمَانُ قَلْبَهُ، لَا تَغْتَابُوا الْمُسْلِمِينَ وَلَا تَتَّبِعُوا عَوْرَاتِهِمْ، فَإِنَّهُ مَنْ اتَّبَعَ عَوْرَاتِهِمْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ، وَمَنْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ يَفْضَحْهُ فِي بَيْتِهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Барза Асламийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйда шарманда қилади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Охиратда ҳам ғийбатчилар жазосиз қолмайдилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «لَمَّا عُرِجَ بِي مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نُحَاسٍ، يَحْمِشُونَ وَجُوهَهُمْ وَصُدُورَهُمْ، فَقُلْتُ: مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جَبْرِيلُ؟ قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ وَيَقَعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мерожга чиққанимда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мен:

«Эй Жаброил, улар ким?» деб сўрадим.

«Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар», деб жавоб берди».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Мўмин-мусулмонлар ғийбатдан четланибгина қолмасдан, бошқа ғийбатчиларнинг оғзига уриб, ғийбатга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари ҳам матлубдир.

عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذِ بْنِ أَنَسِ الْجُهَنِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ حَمَى مُؤْمِنًا مِنْ مُنَافِقٍ يَعِيْبُهُ بَعَثَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى مَلَكًا يَحْمِي لَحْمَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ نَارِ جَهَنَّمَ، وَمَنْ بَغَى مُؤْمِنًا بِشَيْءٍ يُرِيدُ بِهِ شَيْنَهُ حَبَسَهُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى جِسْرِ جَهَنَّمَ حَتَّى يُخْرَجَ مِمَّا قَالَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Саҳл ибн Муъоз ибн Анас Жуҳанийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки бир мўминни ғийбатчи мунофикдан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Кимки бир мўминни сўкмоқчи бўлиб, уни ғийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Ғийбатчига кулоқ солган киши унинг шериги ҳисобланади. Фақат унинг гапини тили билан инкор қилсагина, гуноҳидан қутулади. Агар очик инкор қилишдан қўрқса, қалби ила инкор қилсин ва гапни бошқа тарафга буришга ёки туриб кетишга ҳаракат қилсин.

Ғийбатнинг сабаблари ва уни даволаш.

Ғийбатнинг сабаблари жуда кўп, улардан баъзисини эсга оламиз:

1. Аччиғини тўкиб солиш.

Бир одам бошқасининг аччиғини чиқарган бўлса, аччиғи чиққан уни ғийбат қилиш ила ундан ўч олишга ҳаракат қилади.

2. Тенгдошлар ва ҳамсуҳбатларга шерик бўлиш, уларнинг гапини қўллаб-қувватлаш.

Таниш-билиш ёки улфатлар бировнинг ғийбатини қилаётган бўлса, ёкиш ва яхши кўриниш ниятида уларга қўшилади. Буни ўзича одамгарчилик деб ўйлайди. Аслида гуноҳга шерик бўлган бўлади.

3. Ўз обрўсини кўтариш учун бировни айблаш.

Мисол учун, «Фалончи жоҳил, фаҳми йўқ», деб, ўзини илмли ва ўткир фаҳмли қилиб кўрсатишга уринади.

4. Ҳасад.

Одамлар бир кишини мақтаётганлари учун ҳасад қилади ва уни ғийбат қилиб, обрўсини тўкиш пайдан бўлади.

5. Ўйин-кулги ва ҳазил.

Одамларни кулдириш ва даврани қизитиш мақсадида бошқаларнинг камчилиги ва айбини айтиб, ғийбат қилинади. Баъзилар бу ишни ўзига касб қилиб олган ҳам бўлади.

Ғийбатнинг давоси.

Аввало ғийбатчи қиладиган ғийбати туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб қўйиши керак.

Шунингдек, унинг савоблари ғийбат қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлмаса, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб қўйсин.

Ғийбат пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйла-син ва уларни тузатишга киришсин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айблашдан уялсин. Агар ўзини айблардан холи билса, ўшанга шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айб – ғийбатчилик ила иф-лосламасин. Ўзини биров ғийбат қилишини истамага-нидек, ўзи ҳам ўзгаларни ғийбат қилишни истамасин.

Ғийбатга боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилишга ҳаракат қилсин. Дарднинг давоси уни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

Қалб ғийбати.

Гоҳида ғийбат қалб билан ҳам содир этилади. Бу му-сулмонлар ҳақида ёмон гумон қилиш ила бўлади.

Аллоҳ таоло Хужурот сурасида:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا اجْتَنِبُوْا كَثِيْرًا مِّنَ الظَّنِّ اِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ اِنَّهٗ وَا
بِحَسْسُوْا

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан чет-да бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гунохдир. Жо-суслик қилманглар», деган (12-оят).

Гуноҳга олиб борувчи иллатлардан бири бадгумон-ликдир. Бадгумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмагга ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан тухмат ва ҳа-дик маъносида фикр юритишдир. Одатда бундай гумон-ларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам «Кўп гумонлардан четда бўлинглар», дейилмоқда.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ
أَكْذَبُ الْحَدِيثِ، وَلَا تَحَسَّسُوا، وَلَا تَجَسَّسُوا، وَلَا تَنَافَسُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا،
وَلَا تَبَاغَضُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бадгумонликдан сақланинг. Албатта, бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир. Пойлаш ва жосуслик билан шуғулланманг. Ўзаро рақиб бўлманг ва ўзаро ҳасад қилманг. Бир-бирингизни ёмон кўрманг ва бир-бирингизга қарши тадбир қилманг. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Ўтган уламолардан Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган бўлса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор».

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўп ҳолларда бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак.

Бу ҳақда ҳазрати Умар розияллоҳу анху: «Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил», деган эканлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ
الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ...» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар. Чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ مُعَاوِيَةَ رضي الله عنه أَنَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِنَّكَ إِنْ تَتَّبَعْتَ عَوْرَاتِ النَّاسِ أَفْسَدْتَهُمْ».

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг,
уларни бузасан», дедилар».

Ғийбатнинг зарарлари.

1. Ғийбатчи дўзахда сассиқ ва ифлос нарсаларни еб, азобланади.
2. Ғийбатчи қабрида Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўлади.
3. Ғийбатчидан иймон нури ва Ислом асари кетади.
4. Ғийбат қилинган шахс кечирмагунича ғийбатчининг гуноҳи кечирилмайди.
5. Ғийбат бардавом ёмонликдир.
6. Ғийбат озор, зарар, хусумат ва нафрат сабабчисидир.
7. Ғийбатчи пасткаш шахсдир.
8. Ғийбат одамлар орасидаги муҳаббат ришталарини узувчи омилдир.

Ғийбатга рухсатли узрлар.

1. Зулм кўриш.
Зулмга учраган киши то ҳаққини олгунича золимнинг зулми ҳақида гапириш ва шикоят қилишга ҳақли.
Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳақ эгасининг гапи бор», деганлар.
2. Мункарни ўзгартириш ва гуноҳкорни тўғри йўлга солиш.

Хусусан, раҳбарларга гуноҳ иш қилаётганлар ҳақида хабар етказиш ғийбатга кирмайди. Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ўзларига бу каби хабарлар келганда ғийбат ҳисобламаганлар.

3. Фатво сўрашда.

Бир киши муфтийнинг ҳузурига келиб: «Фалончи менга зулм қилди ёки ҳақимни бермаяпти, уни қандай қилиб олсам бўлади?» деса, ғийбат бўлмайди. Айбдорнинг номини ҳам айтиши мумкин. Аммо «Фалон ишни қилган одамнинг ҳукми нима бўлади?» қабалида ишора билан гапирилса, яна ҳам яхши бўлади.

Абу Суфён ибн Ҳарбнинг хотини Ҳинд бинти Утба эридан шикоят қилиб, уни «бахил» деб атаганида, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инкор қилмаганлар.

4. Мусулмонларни ёмонликдан огоҳлантириш учун.

Мусулмонларга зарар келтириши мумкин бўлган фосиқ кишилардан одамларни огоҳлантириш учун ундаги бор гапни айтиб қўйиш мумкин.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: اسْتَأْذَنَ رَجُلٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَ: «اِئْذِنُوا لَهُ، بئْسَ أَخُو الْعَشِيرَةِ - أَوْ ابْنُ الْعَشِيرَةِ -» فَلَمَّا دَخَلَ أَلَانَ لَهُ الْكَلَامَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قُلْتُ الَّذِي قُلْتُ، ثُمَّ أَلَنْتَ لَهُ الْكَلَامَ، قَالَ: «أَيُّ عَائِشَةَ، إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ - أَوْ وَدَعَهُ النَّاسُ - اتِّقَاءَ فُحْشِهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Ошиа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. Бас, у зот:

«Унга изн беринглар. У ўз уруғининг қандай ҳам ёмон биродари ёки уруғининг қандай ҳам ёмон ўғли», дедилар.

У кирганида эса унга мулойим гап айтдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, айтган гапингизни айтдингиз-у, кейин унга мулойим гапирдингиз?» дедим.

«Эй Ойша! Одамларнинг ёмони одамлар унинг фахшидан кўрқиб, тарк қилганларидир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, ушбу ҳадиси шарифда номи зикр қилинмасдан, у ҳақда сўз кетаётган одамнинг исми Махрама ибн Навфал бўлган. Мазкур шахс мунофиқ ва фосиқ одамлардан бўлган. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда ўзига эшиттирмасдан, мазаммат сўзини айтганлар. Ул зот бу билан унинг ёмонлигини бошқаларга билдириб, уларнинг ундан эҳтиёт бўлишлари чорасини кўрганлар.

5. Никоҳ ва омонат қўйиш масаласида биров ҳақида маслаҳат сўралган одам маслаҳат сўровчига борини айтса, гуноҳ бўлмайди.

6. Айби лақабига айланиб қолган кишининг лақабини айтиш ҳам жоиз. Мисол учун, ўтган машҳур кишилар ичида Аъмаш шилпиқ ва Аъраж чўлоқ лақабли зотлар бўлишган.

7. Очик-ойдин фосиқлик қилган кишининг зикри.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «كُلُّ أُمَّتِي مُعَافَى إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ، وَإِنَّ مِنَ الْمُجَاهِرَةِ أَنْ يَعْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ، فَيَقُولُ: يَا فُلَانُ، عَمِلْتَ الْبَارِحَةَ كَذَا وَكَذَا، وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ، وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللَّهِ عَنْهُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мужоҳирдан бошқа умматимнинг ҳаммаси афв қилингандир. «Мужоҳара» кишининг кечаси бир ишни қилиб, тонг отганида, Аллоҳ уни сатр қилган бўлса ҳам, «Эй Фалончи, кечаси ундоқ қилдим, бундоқ қилдим», демоғидир. Батаҳқиқ, у Аллоҳ уни сатр қилган ҳолида ётган эди. Тонг отганида у ўзидан Аллоҳнинг сатрини очади», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

«Мужоҳир» «жаҳр» сўзидан олинган бўлиб, «ошкора қилувчи» деган маънони билдиради.

Шаръий истилоҳда эса гуноҳни ошкора ва уялмасдан қилувчи одамга айтилади. Ушбу ҳадиси шарифдаги таърифга қараганда, ўзи қилган гуноҳни одамларга мақтаниб юрган одам мужоҳир ҳисобланади.

Демак, гуноҳни ошкора қилган, ўзидан содир бўлган гуноҳларини гапириб юрадиган мужоҳирларнинг гуноҳи афв бўлмас экан. Ана шундай мужоҳирларнинг айбини гапириш ғийбат ҳисобланмайди.

Ғийбатнинг каффороти.

Ғийбатчи бир йўла икки ҳаққа нисбатан жиноят қилади:

1. Аллоҳ таолонинг ҳаққига жиноят қилган бўлади. Чунки у Аллоҳ таоло қайтарган ишни қилди. Бунинг каффороти тавба қилиш билан бўлади.

2. Банданинг ҳаққига жиноят қилган бўлади.

Агар ғийбат банданинг ўзига етган бўлса, ғийбатчининг олдига бориб, кечирим сўраши ва надоматини билдириши лозим бўлади.

Уламолар: «Унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун қаерда, қайси мажлисда ғийбат қилган бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда ғийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак», деганлар.

Агар гап ғийбат қилинган одамга етмаган бўлса, тавба қилган ғийбатчи унинг ҳаққига истиғфор айтади.

Тўққизинчи офат – чақимчилик.

Чақимчилик араб тилида «набийма» дейилиб, луғатда бир нарсани зоҳир қилишни билдиради.

Уламолар чақимчиликни қуйидагича таърифлаганлар:

Имом Нававий: «Чақимчилик бузғунчилик йўли билан одамларнинг гапини бир-бирига етказишдир», деган.

Чақимчилик Куръони Каримда ва Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида қораланган ёмон хислатлардан биридир.

Аллоҳ таоло:

وَلَا تُطْعِ كُلَّ حَلَّافٍ مِّمَّيْنِ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَشَاءٍ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَنَاعٍ
لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَيْمٍ ﴿١٢﴾

«Итоат қилма ҳар бир қасамхўр, ҳақирга,.. айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига,.. яхшилиқни ман қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга», деган (Қалам сураси, 10-12-оятлар).

عَنْ هَمَّامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا مَعَ حُذَيْفَةَ، فَقِيلَ لَهُ: إِنَّ رَجُلًا يَرْفَعُ الْحَدِيثَ إِلَى عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، فَقَالَ لَهُ حُذَيْفَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَتَاتٌ».

Ҳаммам розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Ҳузайфа билан бирга эдик. Бас, унга: «Бир киши гапни Усмон розияллоҳу анхуга олиб бориб туради», дейилди.

Шунда Ҳузайфа унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман», деди».

Бу ҳадиси шарифда чақимчилик нақадар оғир гуноҳ экани баён қилинмоқда. Уламоларимиз: «Чақимчиликни ҳалол санаган одам жаннатга кирмайди», деганлар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلَا أَنْبِئُكُمْ مَا الْعِضَةُ؟ هِيَ النَّمِيمَةُ الْقَالَةُ بَيْنَ النَّاسِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Парчалаш нималигини сизга айтиб берайми?

Одамлар орасида «деди-деди»лаб чақимчилик қилишдир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Ҳа, чақимчилик сўйилган ҳайвоннинг аъзолари парчалаб бўлингани каби, жамият аъзоларини парчалаб, бир-биридан ажратиб ташлайди. Чақимчилик тарқалган жамиятда бирлик, ҳамкорлик қолмайди. Бу эса ҳар қандай жамият учун ўта хатарлидир.

Ҳасан Басрий: «Ким сенга чақимчилик қилса, сенинг ҳақингда ҳам чақимчилик қилади», деган.

Имом Заҳабий: «Чақимчилик гуноҳи кабирадир», деган.

Унинг ҳаромлигига мусулмонлар ижмоъ қилишган.

Чақимчилик қилишнинг сабаблари.

1. Гапи нақл қилинаётган шахсга ёмонлик етказиш нияти.

2. Гап айтилаётган одамга яхши кўриниш.

3. Ўзини ўзи хурсанд қилиш ва бошқалар.

Чақимчиликнинг зарарлари.

1. Чақимчилик дўзахга олиб борувчи йўлдир.
2. Чақимчилик улфатлар орасида адоват оловини ёқади.
3. Чақимчилик озор, зарар, алам, хусумат ва нафратдир.
4. Чақимчиликнинг охири войдир.
5. Чақимчилик яхшиликларни кетказади.
6. Чақимчилик пасткашлик, кўрқоқлик, заифлик, макр, ялтоқлик ва мунофиқликдир.

Чақимчиликни даволаш.

Аввало чақимчи қиладиган чақимчилиги туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб кўйиши керак. Шунингдек, унинг савоблари чақимчилик қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлма-са, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб кўйсин.

Чақимчилик пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйласин ва уларни тузатишга киришсин. Агар ўзини айблардан холи деб билса, шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айблардан бири – чақимчилик ила булғамасин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айблашдан уялсин. Ўзи ҳақида бировнинг чақимчилик қилишини истамаганидек, ўзи ҳам ўзгалар ҳақида чақимчилик қилишни истамасин.

Чақимчиликка боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилиш пайдан бўлсин. Дарднинг давоси уни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

Чақимчи билан қандай муомалада бўлинади?

Бу ҳақда имом Заҳабий айтади: «Кимга чақимчилик етиб келса ва унга: «Сен ҳақингда Фалончи ундай деди, бундай деди», дейилса, қуйидаги олти тавсияни амалга оширсин:

1. Чақимчига ишонмасин. Чунки у чақимчилиги сабабли фосиқ бўлди. Шариатда фосиқнинг гапи рад қилинади.

2. Уни бу ишдан қайтарсин. Унга насиҳат қилсин ва чақимчилигини қораласин.

3. Аллоҳ таоло учун уни ёмон кўрсин. Чунки Аллоҳ таоло чақимчини ёмон кўради. Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш вожибдир.

4. Чақимчилик қилинаётган одам ҳақида ёмон гумонга бормасин. Чунки Аллоҳ таоло Хужурот сурасида:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир», деган (12-оят).

5. Чақимчилик уни қарши тараф зиддига жосуслик қилишга олиб бормасин.

6. Чақимчининг гапини бошқаларга айтиб, ўзи чақимчилик қилиб юрмасин.

Ўнинчи офат – иккиюзламачининг гапи.

Бундай одам арабларда «икки тилли» ҳам дейилади. Бу сифатга эга бўлган одам икки душман тараф орасида гап ташиб юради ва икки тарафга ҳам ёқадиган гапни гапирди. Қайси тарафнинг қаршисида турса, ўшани мақтаб, бошқа тарафни ёмонлайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم يَقُولُ: «إِنَّ شَرَّ النَّاسِ ذُو الْوَجْهَيْنِ الَّذِي يَأْتِي هَوْلًا بِوَجْهِ وَهَوْلًا بِوَجْهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, одамларнинг ёмони иккиюзламачи кишидир. Анавиларга бир юз билан келади ва манавиларга бир юз билан келади», деганларини эшитган экан».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ عَمَّارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «مَنْ كَانَ لَهُ وَجْهَانِ فِي الدُّنْيَا كَانَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِسَانَانِ مِنْ نَارٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг бу дунёда икки юзи бўлса, қиёмат куни унинг оловдан бўлган икки тили бўлади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Иккиюзламачилик чақимчиликдан ҳам ёмондир. Чунки чақимчи бир тарафнинг гапини бошқасига ташийдди. Иккиюзламачи эса икки тарафнинг гапини ташийдди.

Икки душман тарафнинг олдига кириб, уларни яраштириш учун иккисига ҳам хушомад қилиб, тўғри гапни гапирган одам иккиюзламачи бўлмайди.

Бировнинг ёмонлигидан кўрққани учун сиртдан бошқача кўриниш ҳам иккиюзламачилик бўлмайди. Балки узрли ҳолат бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: اسْتَأْذَنَ رَجُلٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: «اِئْذِنُوا لَهُ، بئس أخو العشيّة - أو ابنُ العشيّة -» فَلَمَّا دَخَلَ أَلَانَ لَهُ الْكَلَامَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قُلْتُ الَّذِي قُلْتُ

ثُمَّ أَلَنْتَ لَهُ الْكَلَامَ، قَالَ: «أَيُّ عَائِشَةٍ، إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ - أَوْ وَدَعَهُ النَّاسُ - اتَّقَاءَ فُحْشِهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. Бас, у зот:

«Унга изн беринглар. У ўз уруғининг қандай ҳам ёмон биродари ёки уруғининг қандай ҳам ёмон ўғли», дедилар.

У кирганида эса унга мулойим гап айтдилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, айтган гапингизни айтдингиз-у, кейин унга мулойим гапирдингиз?» дедим.

«Эй Оиша! Одамларнинг ёмони одамлар унинг фаҳшидан кўркиб, тарк қилганларидир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу: «Бир қавмларнинг юзларига табассум ила боқамиз, аммо қалбларимиз уларни лаънатлайди», деган.

Ўн биринчи офат – маддоҳлик.

Маддоҳлик баъзи жойларда ман қилинган. Мадҳнинг ўзида олгита офат бор бўлиб, уларнинг тўртгаси мадҳ қилувчида, иккитаси мадҳ қилинувчидадир.

Мадҳ қилувчидаги офатлар қуйидагилар:

1. Мадҳда ҳаддан ошиб, ёлғон қўшиб юбориш.

2. Мадҳга риёкорликни аралаштириш. Мисол учун, мақтаётганда уни яхши кўришини айтади, аслида яхши кўрмайди. Ёки гапирётган гапи ўз эътиқодига тўғри келмайди. Шунинг ўзи риёкорликдир.

3. Маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин бўлган нарсани гапирди. Мисол учун, «Бу киши ўта тақводор, парҳезкор ва зоҳиддир», дейди.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا يُثْنِي عَلَيَّ رَجُلٍ وَيُطْرِبُهُ فِي الْمِدْحَةِ، فَقَالَ: «أَهْلَكْتُمْ - أَوْ قَطَعْتُمْ - ظَهْرَ الرَّجُلِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок қилдиларингиз ёки белини синдирдиларингиз», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ортиқча ва ноўрин мақтов маддоҳлик бўлади. Бу иш мақталган кишининг ўзидан кетишига ва ҳовлиқиб, бузилишига олиб боради. Ана шу тариқа у одам ҳалокатга учрайди ва одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун ҳам маддоҳлик қилишда эҳтиёт бўлиш лозим.

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: ذَكَرَ رَجُلٌ عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَثْنَى عَلَيْهِ رَجُلٌ خَيْرًا، فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَيْحَاكَ، قَطَعْتَ عُنُقَ صَاحِبِكَ - يَقُولُهُ مِرَارًا - إِنْ كَانَ أَحَدُكُمْ مَادِحًا لَا مَحَالَةَ فَلْيَقُلْ: أَحْسِبُ كَذَا وَكَذَا إِنْ كَانَ يُرَى أَنَّهُ كَذَلِكَ، وَحَسْبِيهِ اللَّهُ، وَلَا يُزَكِّي عَلَى اللَّهِ أَحَدًا». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларида бир киши зикр қилинди. Бир одам унга яхши мақтов айтди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча марта: «Шўринг курсин! Соҳибингнинг бўйни-

ни кесдинг! Агар бирингиз ноилож мадҳ айтадиган бўлсангиз, «Менимча, ундоқ, менимча, бундоқ», десин. Агар ана шундайлиги кўрилган бўлса ва Аллох унга етарли бўлса, Аллоҳга бировни поклаб кўрсатмасин», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Бу ерда бировни юзига мақташ ҳақида, шу билан бирга, мақтовдан сўнг ўзидан кетиб, адашув йўлига кириши эҳтимоли бор кишилар ҳақида сўз кетмоқда. Ўринли ва адолатли мақтов жоиз. Баъзи жойларда эса кишиларни яхшиликка тарғиб қилиш учун ҳатто зарур ҳам.

4. Маддоҳ золим ёки фосиқ одамни мақтаб, хурсанд қилади.

Мақталган шахсдаги офатлар:

1. Мақтов мақталган одамда кибр ва ўзини устун кўришига сабаб бўлиши мумкин.

2. Мақталган одам мақтовга учиб, ўзидан рози бўлиб, ҳимматини йўқотиши мумкин.

Мазкур олти офатдан холи бўлса, мадҳ жоиздир.

وَجَاءَ وَفَدُ بَنِي عَامِرٍ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالُوا: أَنْتَ سَيِّدُنَا،
فَقَالَ: «السَّيِّدُ اللَّهُ»، قَالُوا: وَأَفْضَلُنَا فَضْلًا، وَأَعْظَمُنَا طَوْلًا، فَقَالَ:
قُولُوا بِقَوْلِكُمْ - أَوْ بَعْضَ قَوْلِكُمْ - وَلَا يَسْتَجْرِبَنَّكُمُ الشَّيْطَانُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ.

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Омирнинг элчилари келишди. Бас, улар:

«Сиз саййидимизсиз», дейишди.

«Саййид Аллоҳдир», дедилар у зот.

«Фазлда афзалимизсиз, ато(мол бериш)да катта-мизсиз», дейишди.

«Бу гапингизни ёки бу гапингизнинг баъзисини айтаверинг. Фақат шайтон сизларни тезлатиб юбормасин», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Меъёрида ва ҳаддан ошмасдан мақтов сўзларини айтиш мумкинлиги шу ҳадиси шарифдан олинади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини мадҳ қилганлари ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Суфён ибн Уяйна дейди: «Ўзини билган одамни мадҳ қилиш зарар қилмайди».

وَجَاءَ رَجُلٌ فَأْتَنِي عَلَى عُمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي وَجْهِهِ، فَأَخَذَ الْمِقْدَادُ بِنُ
الْأَسْوَدِ ثُرَابًا فَحَثَا فِي وَجْهِهِ، وَقَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا
لَقَيْتُمُ الْمَدَّاحِينَ فَاحْثُوا فِي وُجُوهِهِمُ الثَّرَابَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ
وَالْتِّرْمِذِيُّ.

«Бир киши келиб, Усмон розияллоҳу анхуни юзларига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб, унинг юзига сочди ва: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг», деган эдилар», деди».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Бундан маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш ҳам зурурлиги келиб чиқади. Бўлмаса, улар ўз маддоҳликларида ҳаддан ошиб, бир-бирлари билан мусобақаллашиб бораверадилар.

Бир киши ҳазрати Али розияллоҳу анхунинг юзларига қараб туриб, маддоҳлик қилди. Али розияллоҳу

анху аввал шу одам ўзларини ёмонлаб юрганини билар эдилар ва унга: «Мен сен айтганчалик эмасман. Аммо ичингда сақлаб турганингдан устунман», деди.

Ўн иккинчи офат – гапни диққат билан гапирмаслик.

Аллоҳ таолога, эътиқодга, диний таълимотларга тегишли сўз ва гапларни эътиборсизлик қилиб, бузиб гапириш ҳам катта офатдир. Бунда куфр, ширк ва гуноҳ бўладиган гаплар айтилиб қолиши бор.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ فَكَلَّمَهُ فِي بَعْضِ الْأَمْرِ، فَقَالَ: مَا شَاءَ اللَّهُ وَشِئْتَ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «أَجَعَلْتَنِي لِلَّهِ عَدْلًا؟! قُلْ: مَا شَاءَ اللَّهُ وَحْدَهُ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Имом Насоий Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинган:

«Бир одам келиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга баъзи нарсаларни гапира бошлади ва: «Аллоҳ ва сиз истасангиз», деди.

Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қияпсанми?! Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи истаса», дедилар».

Имом Абу Довуд ва имом Насоий Хузайфа розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَا تَقُولُوا: مَا شَاءَ اللَّهُ وَشِئْتَ، وَلَكِنْ قُولُوا: مَا شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ شِئْتَ».

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ва сиз истасангиз», деманг, «Аллоҳ, сўнгра сиз истасангиз», денглар», дедилар».

Чунки «ва» сўзи баробарлик маъносини билдиради.

عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ قَالَ: خَطَبَ رَجُلٌ عِنْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: وَمَنْ يُطِيعَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ رَشِدَ، وَمَنْ يَعْصِهِمَا فَقَدْ غَوَى، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «اسْكُتْ، فَبَيْسَ الْخَطِيبِ أَنْتَ»، ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «مَنْ يُطِيعَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ رَشِدَ، وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ غَوَى، وَلَا تَقُلْ: وَمَنْ يَعْصِهِمَا». رَوَاهُ الشَّافِعِيُّ.

Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида хутба қилиб:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким икковларига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди», деди. Шунда у зот:

«Жим бўл! Қандай ҳам ёмон хатиб экансан!» дедилар.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди. Лекин «Ким икковларига осий бўлса», демагин», дедилар».

Шофеъий ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади: «Бирингиз ўз ити ила ҳам ширк келтириб қўйиши мумкин. «Агар ўша ит бўлмаса, уйимизни ўғри уриб кетарди», дейди».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم أَنَّهُ قَالَ: «وَلَا يَقُلْ أَحَدُكُمْ: عَبْدِي أَمْتِي، وَلِيَقُلْ: فَتَايَ وَفَتَاتِي وَغُلَامِي». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз «қулим, чўрим», демасин. Лекин «(хизматкор) йигитим, қизим ёки ғуломим» десин», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Иброҳим Наҳаъий айтади: «Қачон бир одам бошқасига: «Эй эшак!», «Эй чўчка!» деса, қиёмат куни унга: «Сен буни эшак қилиб яратганимни кўрганмидинг?! Сен буни чўчка қилиб яратганимни кўрганмидинг?!» дейилади.

Ўн учинчи офат – илмсиз кишининг илмий гапларга аралashiши ва ноўрин саволлар бериши.

Ҳар ким ўзини кўрсатгиси келади. Илмсиз киши ҳам ўзини илмли қилиб кўрсатиш ила ҳузурланади. Диний илмга оид гапларни гапириб турганда шайтон унинг хаёлига олим ва фозил бўлиб қолгани ҳақидаги даъвони солади. У бунга алданиб, шайтоннинг изидан бориб, куфр гапларни гапириб юборганини ўзи ҳам билмай қолади.

Қийин ва ўзининг даражасидан юқори масалаларни сўраш ҳам офат ҳисобланади.

Имом Термизий Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳаж қилмоқ бурчдир» ояти нозил бўлганида, одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳар йилими?» деб сўрашди. Ул зот индамадилар. Улар яна:

«Ҳар йилими?» дейишди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ. Агар «Ҳа», десам, фарз бўлиб қоларди», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло куйидаги оятни нозил қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَسْأَلُوا عَنَ أَشْيَاءَ إِن بُدَّ لَكُمْ
تَسْؤُكُمْ وَإِن تَسْأَلُوا عَنْهَا حِينَ يُنزَلُ الْقُرْءَانُ بُدَّ لَكُمْ عَفَا اللَّهُ عَنْهَا
وَاللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ

«Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўладир. Агар улар ҳақида Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга изҳор қилинадир. Аллоҳ уларни афв қилди. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта ҳилмлидир» (Моида сураси, 101-оят).

Бу ояти кариманинг нозил бўлиш сабаби ҳақида кўшлаб ривоятлар бор. Улардан бирини юқорида зикр қилдик.

Аслида бу оят ўша пайтда кенг ёйилган бир одатни муолажа этиш учун нозил қилингандир.

Эндигина жоҳилият замонидан чиқа бошлаган одамларнинг табиати ҳам ҳар хил бўлган. Улар орасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлар-бўлмас саволлар билан мурожаат қилувчилари ҳам мавжуд экан.

Баъзилари ўзини кўрсатиш учун, баъзилари фитна кўзиш учун ва яна бошқалари фаросати етмаганидан ҳам савол бераверар экан. Ўша пайтдаги воқеликни тасвирловчи ривоятларда бу ҳол яққол кўзга ташланиб туради.

Имом ибн Жарир Тобарий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан қилган ривоятда куйидагилар зикр қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабланиб, юзлари қизариб, минбарга чиқиб ўтирдилар.

Шунда бир одам туриб, қаршиларига борди-да:

«Менинг жойим қаерда?» деб сўради.

«Дўзахда!» дедилар. Бошқа бири туриб:

«Менинг отам ким?» деди.

«Отанг Ҳузайфа!» дедилар.

Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоху анху ўрнидан туриб:

«Аллоҳни Робб деб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламни Пайғамбар ва Қуръонни имом деб рози бўлдик. Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз жоҳилиятдан ва ширкдан яқиндагина чиққан одамлармиз. Оталаримизнинг кимлигини Аллоҳнинг Ўзи билади», деди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ғазабдан тушдилар. Кейин «Эй иймон келтирганлар, ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар» ояти нозил бўлди».

Бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Аммо мазкурлари кифоя қилар, деган фикрдамиз.

Ушбу оятдан Қуръони Карим акийда, шариат масалаларини баён қилиш билан бирга, мусулмонларнинг кундалик ҳаётларига аралашиб, уларнинг қўлидан етаклаб, тарбиялаб ҳам боргани, ҳатто савол бериш одоби-гача ўргатгани маълум бўлади.

Аслида сўраб ўрганиш, маърифат ҳосил қилиш яхши нарса. Аммо ҳамма нарсанинг меъёри ва чегараси бўлганидек, саволнинг ҳам чегараси ва услуби бор.

Ислом воқелик дини бўлганидан, маърифат учун бериладиган саволлар ҳам воқеликдан келиб чиқиши, кишиларга манфаат жалб этиши лозим. Инсоннинг илмини оширмайдиган, маърифатига хизмат қилмайдиган, воқеликда бўлмайдиган икир-чикирларни сўрайверишдан нима фойда? Айниқса Қуръон нозил бўлиб турган пайтда. Чунки шариатнинг янгидан-янги ҳукмлари жорий этилиб турган пайтда ҳар хил саволлар берилавер-

са, кўшимча ҳукмлар тушиб, кўпчиликка жабр бўлиб қолиш эҳтимоли бордир.

«Ҳаж ҳар йили фарзми?» деб қайта-қайта сўраган одамга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар «Ҳа», десам, фарз бўлиб қоларди», деб жавоб қилганларидан ҳам шу маъно келиб чиқади.

Ўша бир кишининг саволи сабаб бўлиб, ҳаж ибодати ҳар йили фарз бўлиб қолганда, мусулмонларга қанчалик қийин бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Бўлар-бўлмас нарсаларни сўрайвериш ҳар хил қийинчилик ва ноқулайликларга сабаб бўлиши мумкинлигидан ҳам бундан қайтарилмоқда.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, юқоридаги ривоятда: «Отам ким?» деб сўраган одам Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бўлган. У киши қадимдан мусулмон эди. Ҳабашистонга ҳижрат қилган, Бадр ғазотида қатнашган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилари сифатида у зотнинг мактубларини Форс подшоҳи Кисрога олиб борган эътиборли шахс эди.

Аmmo у киши дабдурустдан «Отам ким?» деб ноқулай савол берди. Саволининг ноқулайлигини айниқса онасидан дакки эшитганида яна ҳам яхшироқ ҳис этди.

Онаси у кишига: «Сендан кўра оқроқ болани кўрмадим. Онанг жоҳилият аёллари қилган ишларни қилиб кўйган бўлганида, уни одамлар орасида шарманда қилган бўлар эдинг!» деган экан.

Шунда Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ мени «Бир қора кул насабидансан», деганларида, шундай бўлар эди», деди.

Яъни Абдуллоҳнинг отаси Ҳузайфа экани маълум ва машҳур бўлишига қарамай, худди онам хиёнат қилиб биров билан зино қилмаганмикан, дегандек шубҳага бориб савол берган.

Мусулмонларни шунга ўхшаш ноқулайликлардан сақлаш мақсадида уларга хитоб қилиниб:

«Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўлади», дейилмоқда.

Яъни сизга керакли қисми айтиб қўйилган. Агар сўраган нарсангиз юзага чиқса, ўзингизга ёмон бўлади. Тоқатингиздан ташқари таклиф бўлиши ёки бошқа бир оғирроқ ҳукм келиши ҳам мумкин.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, Аллоҳ таоло сизларга фарзларни буюрди, уларни зое қилманг; чегаралар қўйди, ундан тажовуз қилманг; бир қанча нарсаларни ҳаром қилди, уларни поймол қилманг; сизларга раҳм этиб, эсидан чиқиб эмас, бир қанча нарсаларни зикр қилмади, улар ҳақида сўраманг», деганлари ривоят қилинган.

Имом Муслим Омир ибн Саъддан, у эса ўз отасидан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларга ҳаром қилинмаган бир нарсга ҳақида сўраса-ю, унинг саволи сабабидан ўша нарсга мусулмонларга ҳаром қилинса, ўша одам мусулмонлар ҳақида энг катта гуноҳ қилган бўлади», дейдилар.

Бу ҳолат Куръони Карим нозил бўлиб турган пайтда айниқса хавфли эди: ҳар бир лаҳзада янги оят тушиб, қўшимча савол туфайли мусулмонларга таклиф кучайиши эҳтимоли бор эди.

Аввалги авлод мусулмонлари бу ҳақиқатни яхши тушуниб етганларидан, ўзларини эҳтиёт қилишарди.

Имом Доримий ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда шундай дейилади: «Расулulloҳнинг саҳобаларидан кўра яхшироқ қавмни кўрмадим. Улар у зот вафот этгунларига қадар ўн учта савол сўрашган, холос. Бу саволларнинг ҳаммаси Куръонда

зикр қилинган: «Сендан ҳаром ой(да уруш қилиш) ҳақида сўрарлар», «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар», каби.

Улар фақат ўзларига манфаатли нарсаларнигина сўрашар эди».

Имом Молик: «Мен бу юртнинг (яъни Мадинаи Мунавваранинг) Китоб ва Суннатдан бошқа нарсага амал қилмаслигини кўрдим. Агар бир янги масала пайдо бўлса, амир уламоларни тўпларди. Уламолар нимага иттифоқ қилсалар, амалга оширардилар. Сизлар эса саволларни кўпайтираверасизлар, Расулуллоҳ бу ишни хуш кўрмаганлар», деган экан.

Ҳа, афсуски, бир замонлар келиб, мусулмонлар Исломининг бошқа таълимотлари қатори, бу таълимотини ҳам унутиб, бўлар-бўлмас масалаларни хаёлан тўқиб чиқаришга, уни ҳал қилишга ортиқча вақт, ақл-заковат ва куч-қувват сарфлашга ўтиб кетдилар. Бу ҳақда кўп гаплар бўлиб ўтган.

Аммо ҳаммаси бефойда нарсалар экани кишини афсуслантиради. Баъзи фикҳ китобларида ҳам мана шу қабилдаги масалаларни ўқиб, ҳайрон қоласан.

Мисол учун, қуйидагича савол берилади: «Ҳомиладор аёлни тўлғоқ тутиб, боланинг боши чиққанда намоз вақти кириб қолса, қандай қилиб намоз ўқийди?»

Жавоб тайёр: «Боланинг бошидан каттароқ қилиб ердан чуқур ковлайди. Саждага борганда, ўтирганда, боланинг боши ўша чуқурга тушиб туради, ҳеч қаерга тегмайди. Зарар тортмайди».

Лекин савол берган тараф ҳам, жавоб берганлар ҳам «Воқеликда шу иш бўлиши мумкинми?» деб ўйлаб ҳам кўрмаган.

Бунга ўхшаш саволлар ва уларга жавоб ахтаришлар, жавоб бир хил бўлмай қолса, орада жанжал чиқаришлар керагидан ортиқ кўрилган.

Бундай ҳол фақат фикҳда эмас, илми калом, фалсафа ва бошқа соҳаларда ҳам авж олган. Оқибат ҳаммага маълум. Аслида бу ишлар Ислом руҳига тўғри келмайди.

Воқелиқда бўлмаган нарсани савол қилиб сўраш аввалги мусулмонларнинг одатида йўқ эди.

Имом Доримий ўзларининг «Сунан» номли китобларида ривоят қилишларича, ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоху анху бўлмаган нарсани сўраган одамни лаънатлар экан.

Зухрий розияллоху анхудан қилинган ривоятга қараганда, улуғ саҳобалардан Зайд ибн Собит ал-Ансорий розияллоху анху бирор иш ҳақида масала сўралса, «Бу содир бўлдимиз?» деб сўрар экан. Агар «Ҳа, содир бўлди», дейилса, у иш ҳақида билганларини айтар экан. Агар «Ҳали содир бўлгани йўқ», дейилса, «Содир бўлгунча қўйиб туринглар», дер экан.

Ушбу оятнинг нозил бўлишига бир қанча сабаблар бўлиб, уларнинг ҳар бирида етарлича ваъз-насиҳатлар борлигини аввалда кўрдик.

Шунга ҳам қарамасдан, Аллоҳ таоло кўп ноўрин савол яхшилиққа олиб бормаслигини ўтганларнинг мисолида ҳам ўрнак қилиб кўрсатишни ирода қилди ва қуйидаги оятни нозил қилди:

﴿١٠٢﴾ قَدْ سَأَلَهَا قَوْمٌ مِّن قَبْلِكُمْ ثُمَّ أَصْبَحُوا بِهَا كَافِرِينَ

«Сиздан олдин ҳам бир қавм уларни сўраган, сўнгра эса уларга кофир бўлиб қолган эди» (Моида сураси, 102-оят).

Бунга энг ёрқин мисол Бану Исроилдир. Бақара сурасининг тафсирида уларнинг курбонлиққа амр этилган сигирнинг сифатлари ҳақида бирин-кетин ноўрин саволлар бериб, ўзларига ўзлари қийин қилиб олганлари, кейин кофир бўлганлари ҳақида багафсил сўз юритилади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга айтмай тинч кўйсам, мени ҳам тинч кўйинглар. Шубҳасиз, сизлардан олдингиларни ҳалок қилган нарса – саволларнинг кўплиги ва пайғамбарларига хилофлари бўлган», деганлар.

Беҳуда саволларни беравермаслик ҳақида бир қанча ҳадиси шарифлар ҳам бор.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «مَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَاجْتَنِبُوهُ، وَمَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَافْعَلُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ، فَإِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَثْرَةُ مَسَائِلِهِمْ وَاخْتِلَافُهُمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар. Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қудратингиз етганини қилинг.

Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари ҳалок қилган», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

عَنْ الْمُغِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَيْكُمْ عُقُوقَ الْأُمَّهَاتِ، وَوَادَ الْبَنَاتِ، وَمَنْعَ وَهَاتِ، وَكَرِهَ لَكُمْ قِيلَ وَقَالَ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ сизларга оналарга оқ бўлишни, қизларни тирик кўмишни, (хуқуқларни) ман қилиш-

ни, «Бер-бер», дейишни ҳаром қилди. Ва яна сизларга қийлу қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: «قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ: إِنَّ أُمَّتَكَ لَا يَزَالُونَ يَقُولُونَ: مَا كَذَا مَا كَذَا؟ حَتَّى يَقُولُوا: هَذَا اللَّهُ خَلَقَ الْخَلْقَ، فَمَنْ خَلَقَ اللَّهَ؟» رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтадилар: «Аллоҳ азза ва жала: «Албатта, уммат «Бу нима, бу нима?» дейишида давом эта бориб, ҳаттоки «Аллоҳ халойиқни халқ қилди. Бас, Аллоҳни ким халқ қилди?» ҳам дейдилар», дейди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Олим бўлмаган кишиларнинг илмнинг нозик тарафларидан сўрашлари ва сўз юритишлари катта офатдир. Айниқса эътиқод масалаларининг нозик жойларидан сўз юритиш улар учун кони зарар бўлиб, заррача фойдаси йўқдир.

Бизнинг замонимиздаги энг катта офатлардан бири шу иш бўлиб қолди. Ўзи бирор соат низомли таълим олмаган кишилар мусулмонларнинг тўртдан учини кофирга чиқариб, фатво беришга журъат этмоқдалар, турли ихтилофларни урчитмоқдалар. Уларнинг шундан бошқа ишлари ҳам, ташвишлари ҳам йўқ.

Кези келганда, мисол тариқасида, ибрат учун бир ачинарли ҳодисани эслаб ўтмай иложи йўқ. Олимлардан бири билан кимлиги номаълум бўлган шахс бир масалада тортишиб қолибди. Ҳалиги киши ўзининг гапини тўғри, олимнинг гапини нотўғри деб туриб олибди.

Охири ўзининг гапи китобда борлигини даъво қилибди. Бориб, китобини олиб келиб, ўша гап ёзилган жойини кўли билан кўрсатибди ҳам.

Олим китобни ўқиб қараса, ҳалиги одам айтган гапнинг кетидан «Бу гап нотўғри, тўғриси қуйидагича», деб олимнинг айтгани ёзилган экан.

Олим киши: «Мана, пастдаги сатрга қаранг, менинг гапим тўғри экан-ку!» деса, ҳалиги шахс: «Мен ўқишни билмайман», дер эмиш.

Билмаган нарсасини гапиришнинг ўзи залолат, адашув, улкан гуноҳ. Шариат ҳукмини билмай туриб, бошқа бир кишига нотўғри нарсани «Шариат ҳукми мана шу», деб айтиш эса ундан-да катта, тенги йўқ залолатдир. Чунки шариатдан бошқа ишларда билмасдан гапириб йўл қўйилган хато туфайли фақат бу дунёнинг баъзи бир ишларига зарар етиши мумкин. Аммо шариат бўйича жоҳиллик билан гапиришда эса ҳам бу дунё, ҳам охират куяди. Чунки шариат масаласи ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасида айланадиган масаладир. Бу ишда билмасдан фатво бериш фатво берувчининг ўзини ҳам залолатга кетказади.

Шу билан бирга, илмсиз равишда фатво берган ўша одам ўзгаларни ҳам залолатга кетказади. Унинг хато фатвоси ҳамма ёқни бузади. Одамлар «Фалончи айтди», деб у айтган гапларни бир-бирларига етказадилар, ўзаро тарқатадилар. Натижада залолат кенг ёйилади.

Бирор нарсa сўралганда «Бу масалани мен билмайман», дейиш билмасдан, тахмин билан жавоб беришдан кўра миллион марта афзалдир. Шаръий масалаларда фатво бериш, турли саволларга жавоб қайтариш учун диний мансаб, бир оз нарсани билиш ёки чиройли салла-чопон восита бўла олмайди.

Бундай мақомга етишни истаган киши махсус илмларни ўқиши, ўша илмнинг устозларидан ижозат олиши

лозим. Шу билан бирга, ўқиб, ижозат олган ўша киши тақво, ростгўйлик, илмига амал қилиш каби маълум шахсий сифатларга ҳам эга бўлиши керак.

Мусулмонлар ана шундай кишиларни олим сифатида ҳурмат қилиб, эъозлашлари, улардан фатво сўраб, турли ишларда иршодлар олишлари лозим.

Беш-олти сурани чала ёд олиб, икки-учта ҳадиснинг маъносини бировдан ўрганиб олган, ўзини аллома қилиб кўрсатишга уринаётганлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Шунингдек, араб тилини билиш ёки баъзи араб юртларига бориб келиш ҳам кишига шаръий масалада фатво айтиш ҳуқуқини бермайди. Инсоннинг араб бўлиши, арабча кийиниши, муқаддас жойларда истиқомат қилиши олим бўлиши дегани эмас. Мазкур васфга эга бўлганлар ичида дунёнинг энг жоҳил одами унвонига даъвогарлар ҳам кўп.

Шунингдек, кимнинг китобини ва қайси йўналишдаги китобни ўқишни ажрата билишда ҳам гап кўп. Қўлга тушган ҳар бир китобни «ҳақиқат шунда экан», деб ўқиб кетавериш ҳам яхшиликка олиб бормайди.

Бу масалада ҳам ҳушёр бўлиш керак. Чунки айрим ғаламис тоифалар мусулмонлар орасини бузиш, динга зарба бериш мақсадида мусулмонларнинг диёрларида кўплаб зарарли, ишончсиз, бетайин китобларни ҳам тарқатишга уринмоқдалар.

Шариат илмларидан тўлиқ хабардор бўлмаган киши бошлиқлик ўрнига интилмаслиги ва билмасдан фатво бермаслиги лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ أَفْتِيَ بِغَيْرِ عِلْمٍ كَانَ إِثْمُهُ عَلَيَّ مَنْ أَفْتَاهُ، وَمَنْ أَشَارَ عَلَيَّ بِأَمْرٍ يَعْزَمُ أَنْ الرُّشْدَ فِي غَيْرِهِ فَقَدْ خَانَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади. Кимки ўз биродарига тўғрилиқ бошқа тарафда эканини билиб туриб, бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида икки муҳим масалани баён қилмоқдалар.

Биринчиси – илмсиз кишининг фатво бериши мумкин эмаслиги.

Иккинчиси – билиб туриб, бировга нотўғри йўл кўрсатиш хиёнат экани.

Бир мусулмон одам қилмоқчи бўлган ишининг Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлишини, Ислом шариятига мос бўлишини хоҳлади, дейлик. Аммо уни қандай қилса тўғри бўлишини билмади. Бориб, бир кишидан ўша ишнинг ҳукмини сўрайди. Чунки ўша одам бу ҳукмни билса керак, деб ўйлайди.

Аслида ўша фатво сўралган одам фатво беришга қодир бўлмаса, мазкур ишнинг ҳукмини аниқ ва ишончли равишда билмаса, «Билмайман», деб айтиши керак.

Аммо билмаса-ю, ўзича тахмин билан нотўғри жавоб берса ва сўраган одам соф ният билан Аллоҳнинг динининг ҳукми шу экан, деб ҳалиги нотўғри ишни қилса, нима бўлади?

«Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади».

Чунки нотўғри ишнинг содир бўлишига илмсиз равишда фатво берган киши сабаб бўлди. Агар у нотўғри фатво бермаганида, ҳалиги одам биладиган бошқа

одамдан сўраб, ишини тўғри ҳолда амалга оширган бўлар эди.

Нотўғри фатвога ишониб, нотўғри ишни савоб ниятида қилган кишига эса гуноҳ бўлмайди. Аммо у киши фатвонинг нотўғри эканини билиши билан ўша ишни тўхтатиши, иккинчи бор ҳалиги жоҳил одамдан фатво сўрамаслиги лозим. Ўзи учун ишончли, тақводор, инсофли ва билимдон устоз топиб олиши керак.

Яна бошқа бир киши келиб, «Фалон нарсани амалга оширишим учун қайси йўлни тутишим керак?» деб бировдан маслаҳат сўради. Сўралган одам ўша нарсани амалга ошириш учун қайси йўлни тутса яхши бўлишини билади.

Аммо унга ишониб, йўл сўраган одамга била туриб, бошқа нотўғри йўлни кўрсатди. Бундай алдамчи одамни ким деб баҳолаш мумкин? Ушбу ҳадиси шарифда бундай одам қуйидагича баҳоланмоқда:

«Кимки ўз биродарига тўғрилиқ бошқа тарафда эканини билиб туриб, бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади».

Бу жойда «ўз биродарига» деган иборага эътибор берайлик. Бундан ўртада биродарлик алоқаси бор одамга нисбатан мазкур ишни қилиб бўлмаса-да, биродар бўлмаган кишиларга нисбатан қилаверса бўлар экан, деган тушунча келиб чиқмайди. Ислом муомала бобида барча инсонларни бир-бирларига биродар деб билади.

Ислом ҳукми бўйича, ҳатто ғайридинларга ҳам ёлғон гапириб, уларни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда барча одамларнинг биродарлиги кўзда тутилмоқда.

Одатда ишончга, омонатга хиёнат қилган одам «хоин» дейилади. Бир одамнинг иккинчисига ишониб, «Бу ишни қандай қилай?» деб сўраши омонатдир. Сў-

ралган одам ишончни оқлаб, тўғри жавоб берса, омонатга хиёнат қилмаган бўлади. Агар билиб туриб бошқа нарсани айтса, хиёнат қилган бўлади.

Демак, биров қайси бир нарсани сўраса ҳам, билиб, аниқ жавоб бериш керак. Билмай туриб жавоб бериш ҳам, билиб туриб, нотўғри жавоб бериш ҳам гуноҳ бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир масалани аниқ билмай туриб фатво бериш мумкин эмас.

2. Бир масалани билмай туриб фатво берган одам гуноҳкор бўлади.

3. Фатвонинг нотўғрилигини билмай, унга ихлос билан амал қилган одам гуноҳкор бўлмайди.

4. Сўралган масалани билган одам тўғри жавоб бериши зарур.

5. Тўғри йўлни билиб туриб, бошқа йўлни кўрсатган одам хоин ва гуноҳкор саналади.

Энди ушбу ҳадиси шарифнинг ҳукмини бугунги ҳаётимизга солиштириб кўрайлик. Билимсиз равишда фатво бераётганлар қанчалар кўп. «Намоз ўқимаса ҳам бўлаверар экан», «Ароқни ичиш эмас, маст бўлиб кўчада тўполон қилиш ҳаром экан», «У экан, бу экан», деган гапларни айтадиганлар ҳар қадамда учраб туради.

Баъзи бир чаласаводлар эса икки-уч оғиз нарсани ёдлаб олиб, мусулмонларнинг ярмидан кўпини кофир ёки мушрикка, дунёдаги аксар нарсаларни ҳаромга чиқариб юборадилар.

Бу ҳолатлар ҳам ўз эгалари ва мусулмонлар бошига кўпгина бало-офатлар ёғдириши турган гап. Бундай бало-офатлардан кутулиш учун ҳар ким ўз чегарасини билиши керак.

Билмаган, лаёқатсиз кишилар инсоф қилиб диний ишларга аралашмаслиги, фатво беришга ўтмаслиги

фарз. Ким фатво бермоқчи бўлса, хато гапни айтса, гуноҳи ўзининг бўйнига бўлишини ўйлаб қўймоғи лозим.

Билмаган одамнинг бир оғиз сўзи қанчадан-қанча одамларнинг залолатга кетишига, гуноҳга ботишига сабаб бўлади. Беш кунлик дунёнинг матоҳини деб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам охиратини куйдирмасин.

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَقُصُّ عَلَى النَّاسِ إِلَّا أَمِيرٌ أَوْ مَأْمُورٌ أَوْ مُحْتَالٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларга фақат амир ёки маъмур, ёки риёкор томонидангина гапирилади», дедилар.

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Биринчи навбатда мусулмонларга амри маъруф, наҳйи мункар, ваъз-насиҳат қилиш ҳуқуқига ана ўша амир ҳақлидир.

Иккинчи ўринда эса масъул киши тарафидан шу ишга амр қилинган шахс ҳақлидир. Бундай шахслар шаръий илмларни тўлиқ ўрганиб, расмий ижозат – шаҳодатнома ёки маълум ва машҳур уламоларнинг рухсатини олган киши бўлади.

Ана шундай кишиларгина мусулмонларга ваъз-насиҳат, иршод, амри маъруф ва наҳйи мункар қилишлари мумкин.

Агар бу ишни мазкур сифатларга эга бўлмаган кишилар қилсалар, риёкорлик учун қилган бўладилар. Ўзларини билимдон қилиб кўрсатиш учун риёкорлик қилаётган бўладилар.

Ушбу риёкорлик йўли билан мусулмонлар ичида обрў қозонмоқчи, уларнинг ишончига, ҳурматиغا сазо-

вор бўлмоқчи бўладилар. Аслида эса алдамчилик қилдилар. Мусулмонликни куруқ гап билан эмас, чин ихлос билан, Исломга амал қилиш билан тарғиб этиш лозим.

Афсуски, ичимизда шу қабилдаги риёкорлар жуда ҳам кўп. Оқкўнгил мусулмонлар ҳақиқий олим ким, риёкор, қаллоб ким, буни яхши билиб олишлари керак.

Бунинг учун Исломни ўрганиш, ҳақ-ноҳақ гапларни фарқлай билиш, гапираётганларнинг Исломга амал қилишига қараш керак. Ҳақиқий уламоларга кулоқ осиб, риёкорлардан сақланиш лозим.

Ноўрин саволлар сўраш ҳам тил офатларидан биридир. Бу борада ҳам асл қоидаларни билиб олиб, уларга амал қилиш лозим.

ФАТВО СЎРАШ ОДОБЛАРИ

Фатво берувчи олим савол сўраган кишига нисбатан муршид ва устоз мақомида бўлади. Шунинг учун фатво сўровчи у билан бўладиган муомаласида одобли бўлмоғи, уни илми учун улуғламоғи ва эҳтиром қилмоғи лозим.

Ғам-ғуссада бўлган, аччиқланиб ёки қалби машғул бўлиб турган олимдан фатво сўраш одобдан эмас.

Олимдан савол сўраган пайтда унинг далилини сўралмайди. Жуда сўраш лозим бўлса, бошқа мажлисда ёки фатвони қабул қилиб олгандан бир оз ўтиб сўраса, жоиз.

Фатво сўровчи учун қуйидагилар макруҳдир:

1. Кўп савол сўраш.
2. Динда фойдаси йўқ нарсаларни сўраш.
3. Воқеликда йўқ нарсани сўраш.
4. Қийин масалаларни сўраш.
5. Таъаббудий масалаларнинг ҳикматини сўраш. («Бомдод намози нима учун икки ракъат?», «Нимага икки марга сажда қилинади?») кабилар.)

6. Саволда ҳаддан ташқари чуқур кетиш.
 7. Бошқалардан устун келиш учун сўраш.
 8. Бир олимдан сўрагандан кейин бошқасидан яна ўша саволни сўраш.
 9. Енгил фатво берадиган одамни излаб топиб сўраш.
- Агар илмда ва адолатда бир хил олимлар бир нечта бўлсалар, сўровчи ўзи хоҳлаганига мурожаат қилиши мумкин. Аммо баъзи уламолар: «Уларнинг энг афзалидан сўраган маъкул», деганлар.

ОЗ СЎЗЛАШ КИШИ ИСЛОМИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИДАНДИР

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: أَتَى رَسُولَ اللَّهِ ﷺ آتٌ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي مُطَاعٌ فِي قَوْمِي، فَبِمَ أَمْرُهُمْ؟ قَالَ لَهُ: «مُرُّهُمْ بِإِفْشَاءِ السَّلَامِ، وَقَلَّةِ الْكَلَامِ إِلَّا فِيمَا يَغْنِيهِمْ». رَوَاهُ الْخُرَائِطِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қавмим менга итоат қилади. Уларга нимани буюрай?» деди.

«Уларга саломни ёйишни ва ўта аҳамиятли каломдан бошқасини оз қилишни», дедилар».

Хароитий ривоят қилган.

Бу ҳадиси шарифда юқорида сўз юритилган гуноҳ бўладиган каломдан ташқари, оддий сўзни ҳам оз сўзлаш ҳақида гап кетмоқда.

Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ: «Ким каломини амалидан деб ҳисобласа, унинг ўта аҳамиятлидан бошқа каломини оз бўлур», деган.

КИШИ ИСЛОМИНИНГ ГЎЗАЛ БЎЛИШИ БАРЧА ТУРДАГИ АҲАМИЯТСИЗ НАРСАЛАРНИ ТАРК ЭТИШИ БИЛАНДИР

Ўтган сатрларда аҳамиятсиз каломни тарк қилиш борасидаги гап чўзилиб кетди. Бунинг сабаби шуки, кўпчилигимиз каломни амалдан ҳисобламай, оғзига келганини бўғзига ютмай гапираверишга одатланиб қолганимиздир. Аммо мўмин одам ўзининг Исломи гўзал бўлишини истаса, шариятда кўрсатилган барча беҳуда амалларни тарк қилиши керак.

Бунинг асосий далили ушбу рисолада биз ўрганаётган «Ўзи учун беҳуда нарсаларни тарк қилиши киши Исломининг ҳуснидандир», ҳадисидир. Бу ҳадисда аҳамиятсиз нарса умумий қилиб айтилган, фақат «гап-сўз» дейилмаган. Бунга ушбу ҳадисдан бошқа далиллар ҳам кўп. Аммо биз яна битта далил билан кифояланамиз.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ كَعْبٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَوَّلُ مَنْ يَدْخُلُ عَلَيْكُمْ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ»، فَدَخَلَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَلَامٍ، فَقَامَ إِلَيْهِ نَاسٌ، فَأَخْبَرُوهُ، وَقَالُوا: أَخْبَرْنَا بِأَوْثِقِ عَمَلِكَ فِي نَفْسِكَ، قَالَ: إِنَّ عَمَلِي لَضَعِيفٌ، وَأَوْثِقُ مَا أَرْجُو بِهِ سَلَامَةَ الصَّدْرِ، وَتَرْكِي مَا لَا يَعْنِينِي. رَوَاهُ أَسَدُ بْنُ مُوسَى.

Муҳаммад ибн Каъбдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Сизларнинг хузурингизга аввал кирадиган киши аҳли жаннатдандир», дедилар. Бас, Абдуллоҳ ибн Салом кирди. Одамлар у томон турдилар ва хабар бердилар ҳамда:

«Ўзинг учун энг ишончли амалинг ҳақида бизга хабар бер», дейишди. Шунда у:

«Таъкидки, амалим заифдир. Орзу қилишим мумкин бўлган нарса қалб саломатлиги ва ўзим учун аҳамиятсиз бўлган нарсани тарк қилишим», деди».

Асад ибн Мусо ривоят қилган.

Ушбу ривоятда Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анху ўзлари ҳақида Набий соллаллоху алайҳи васаллам аҳли жаннат деб башорат берганларининг икки сабабидан бири – аҳамиятсиз бўлган нарсани тарк қилиш эканини таъкидламоқдалар.

Биз ўрганаётган «Ўзи учун беҳуда нарсаларни тарк қилиши киши Исломининг хуснидандир» ҳадиси ва ушбу ривоятдаги таъкидланган гап ва бошқа шунга ўхшаш ривоятлар банда ўзи учун динида аҳамиятсиз бўлган нарсани тарк этиб, аҳамиятли бўлган нарсага амал қилса, унинг Исломи гўзал бўлишига ёрқин далилдир.

ИСЛОМИ ГЎЗАЛ БЎЛГАНЛАРНИНГ МУКОФОТЛАРИ

Бир қанча ҳадисларда Исломи гўзал бўлишнинг фазли ва унга эришган банданинг савоблари кўпайтирилиб, гуноҳлари ўчирилиши қайта-қайта таъкидланган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا أَحْسَنَ أَحَدُكُمْ إِسْلَامَهُ، فَكُلُّ حَسَنَةٍ يَعْمَلُهَا بَعَشْرَ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ، وَكُلُّ سَيِّئَةٍ يَعْمَلُهَا يُكْتَبُ لَهُ مِثْلُهَا حَتَّى يَلْقَى اللَّهَ جَلَّ وَجَلَّ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон бирингизнинг Исломи гўзал бўлса, қилган ҳар бир яхши амали учун ўн баробардан етти юз баробаргача ёзилади. Қилган ёмонлиги ўз ҳолича ёзилади. То Аллоҳ жалла ва жаллага йўлиққунча шундай бўлади», дедилар».

Муслим ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

Мўмин-мусулмон банданинг қилган яхши ишига ўн баробардан етти юз баробаргача савоб ёзилиши борасида уламоларимиз раҳматуллоҳи алайҳим жуда ҳам нафис сўзларни айтганлар.

Ҳар бир мусулмонга унинг Исломи гўзалми ёки гўзал эмасми, фарқланмасдан, бир яхшилиги учун ўн савоб ёзилиши мавжуд ҳақиқатдир.

Ўндан ортиқ бўлиб, то етти юзгача бўлган савоблар эса банданинг Исломи гўзаллигига, ниятга, ихлосга, қилинган амалнинг фазлига ва омманинг унга эҳтиёжига қараб бўлади.

Муҳтарам уламоларимиз ўзларининг бу гапларига куйидаги далилни келтирадилар.

عَنْ عَطِيَّةَ: حَدَّثَنِي ابْنُ عُمَرَ قَالَ: أَنْزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ فِي الْأَعْرَابِ: ﴿مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا﴾، فَقَالَ رَجُلٌ: فَمَا لِلْمُهَاجِرِينَ، يَا أَبَا عَبْدِ الرَّحْمَنِ؟ قَالَ: مَا هُوَ أَفْضَلُ مِنْ ذَلِكَ: ﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلِمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ وَإِنْ تَكَ حَسَنَةً يَضْعَفْهَا وَيُؤْتِ مِنْ لَدُنْهُ أَجْرًا عَظِيمًا﴾. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Атийядан ривоят қилинади:

«Ибн Умар:

«Ушбу «Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар берилур» ояти аробийлар ҳақида нозил бўлган», деди. Бир киши:

«Муҳожирларга нима, эй Абу Абдурахмон?» деди.

«Ундан афзали: «Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан улуғ ажр берур», деди».

Табароний ривоят қилган.

Юқоридаги гаплар асли мусулмон бўлган бандаларга оиддир. Аммо шу билан бирга, аввал бошқа динда бўлиб, кейин Исломга кирганларга ҳам бу борада алоҳида муомала бўлади.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا أَسْلَمَ الْعَبْدُ، فَحَسَنَ إِسْلَامُهُ، كَتَبَ اللَّهُ لَهُ كُلَّ حَسَنَةٍ كَانَ أَرْزَلَهَا، وَمَحَيْتَ عَنْهُ كُلَّ سَيِّئَةٍ كَانَ أَرْزَلَهَا، ثُمَّ كَانَ بَعْدَ ذَلِكَ الْقِصَاصُ، الْحَسَنَةُ بِعَشْرَةِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ، وَالسَّيِّئَةُ بِمِثْلِهَا إِلَّا أَنْ يَتَجَاوَزَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ عَنْهَا». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Абу Саъид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Қачон банда мусулмон бўлиб, Исломи гўзал бўлса, олдин қилган барча яхшиликларини унинг фойдасига ёзади ва олдин қилган барча ёмонликларини ўчиради. Кейин эса қилганига яраша бўлади. Бир

яхшилиқ ўн баробардан етти юзгача кўпайтирилади. Ёмонлик ўз ҳолича ёзилади. Аллоҳ таоло кечиб юборгани мустасно».

Насоий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан аввал Исломда бўлмай, кейин Исломга кирганларнинг мусулмон бўлишларидан олдинги Исломда яхши саналадиган амалларига ҳам савоб берилиши тушунилади. Уларнинг мусулмон бўлишларидан олдинги гуноҳлари кечирилади. Мусулмон бўлганларидан кейинги фаолиятлари эса бошқа мусулмонларнинг фаолияти каби баҳоланади.

Уламоларимиз: «Аввал бошқа динда бўлиб, кейин мусулмон бўлганларга бунга ўхшаш мақомлар берилиши учун Исломлари гўзал бўлиши шартдир», деганлар.

Ҳоҳида янги мусулмон бўлган одамнинг ҳам Исломи гўзал бўлиши мумкин. Бу эса жуда ҳам катта фазлдир.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رضي الله عنه، قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فِي غَزْوَةِ خَيْبَرَ، فَخَرَجْتُ سَرِيَّةً، فَأَخَذُوا إِنْسَانًا مَعَهُ غَنَمٌ يَرْعَاهَا، فَجَاءُوا بِهِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَكَلَّمَهُ النَّبِيُّ ﷺ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يُكَلِّمَ، فَقَالَ لَهُ الرَّجُلُ: إِنِّي قَدْ آمَنْتُ بِكَ، وَبِمَا جِئْتُ بِهِ، فَكَيْفَ بِالْغَنَمِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ فَإِنَّهَا أَمَانَةٌ، وَهِيَ لِلنَّاسِ الشَّاةُ وَالشَّاتَانِ وَأَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ؟ قَالَ: «أَحْصِبْ وَجُوهَهَا تَرْجِعْ إِلَى أَهْلِهَا»، فَأَخَذَ قَبْضَةً مِنْ حَصْبَاءٍ أَوْ تُرَابٍ، فَرَمَى بِهَا وَجُوهَهَا، فَخَرَجْتُ تَشْتَدُّ حَتَّى دَخَلْتُ كُلَّ شَاةٍ إِلَى أَهْلِهَا، ثُمَّ تَقَدَّمَ إِلَى الصَّفِّ، فَأَصَابَهُ بِهِ سَهْمٌ، فَقَتَلَهُ، وَلَمْ يُصَلِّ لِلَّهِ سَجْدَةً قَطُّ، فَقَالَ رَسُولُ

اللَّهِ ﷺ: «أَدْخَلُوهُ الْخِبَاءَ» فَأَدْخَلَ خِبَاءَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ حَتَّى إِذَا فَرَّغَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ دَخَلَ عَلَيْهِ، ثُمَّ خَرَجَ، فَقَالَ: «لَقَدْ حَسُنَ إِسْلَامُ صَاحِبِكُمْ، لَقَدْ دَخَلْتُ عَلَيْهِ، وَإِنَّ عِنْدَهُ لَزَوْجَتَيْنِ لَهُ مِنَ الْحُورِ الْعِينِ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

Жобир ибн Абдллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Хайбар ғазотида эдик. Бир сария йўлга чиқди. Бир кишини боқиб юрган қўйлари билан тутиб олишди ва уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келтиришди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга Аллоҳ истаганича гапирдилар. Сўнг ҳалиги одам у зотга:

«Мен сизга ва сиз келтирган нарсага иймон келтирдим. Қўйлар нима бўлади, эй Аллоҳнинг Расули? Улар омонат. Одамлар битта, иккита ва ундан кўпни қўшишган», деди. У зот:

«Уларнинг юзига майда тош отсанг, эгаларига қайтишади», дедилар. У бир сиқим майда тош ёки тупроқни олиб, қўйларнинг юзига отди. Улар тезлаб бориб, ҳар бири ўз эгасиникига кирди. Сўнг ҳалиги одам сафга турди. Унга ўқ тегиб, ўлди. У Аллоҳга бир марта ҳам сажда қилмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни чайлага киритинглар», дедилар. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чайлаларига киритилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фориф бўлганларида унинг олдига кирдилар. Сўнгра чиқдилар ва:

«Батаҳқиқ, соҳибингизнинг Исломи гўзал бўлибди. Унинг олдига кирсам, ҳузурда ҳурул ийндан икки жуфти ҳалоли туришган экан», дедилар».

Ҳоким ривоят қилган.

Исломнинг гўзаллигини қаранг! Бир одам иймон келтириб, Исломга кириб, мусулмонларнинг сафида туриб, ўқ тегиб ўлгани учун, жаннатга кириш ва унинг ҳури ийнларига сазовор бўлиш бахтига сазовор бўлди.

ХУЛОСА

Ушбу рисоламизнинг аввалида шарҳ қилинган «Дин насиҳатдир», деган ҳадиси шарифда жамият аъзоларининг биргаликда ўз жамиятларини шариат таълимотлари асосида фозил жамият даражасига кўтариш учун ўзаро насиҳат йўли билан ҳаракат қилишлари ҳақида сўз борган эди. «Киши Исломининг ҳусни» деб номланган иккинчи ҳадиси шарифда эса фозил жамият аъзоларининг ўз устларида ишлашлари ҳақида сўз борди. Ҳар бир шахс ўз бахти-саодати учун, дини учун, биродарлари учун аҳамиятли бўлмаган нарсаларни тарк қилиш йўли билан гўзал жамият қуришга хизмат қилишга тарғиб этилди.

Ҳар бир мўмин-мусулмон ўз устида ишлаб, умр деб аталмиш неъматдан тўғри фойдаланиши, уни зое қилмаслиги унинг Исломининг гўзаллигига сабаб бўлишини ҳамма уламолар яхши билишган. Улардан нафс тарбиясига алоҳида яҳамият берган машойихларимиз инсонларга «Муҳосабатун нафс» – ўзини ўзи тергаш барномасини таклиф қилганлар.

Нафсни тергаб туриш ўта фазилатли ишдир. Бу ишга Аллоҳ таоло амр қилган. У Зот Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَلْتَنْظُرْ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لِغَدٍ

**«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилин-
лар! Ҳар бир жон эртанги кун учун нима тақдим
қилганига назар солсин» (18-оят).**

Банда ўз ҳолини мулоҳаза ва нафсини муҳосаба (ҳи-
соб-китоб) қилсин. Батаҳқиқ, унинг йўлидан бир босқич
тугади. Билсинки, умр кунлардан иборатдир ва у бир
кун-бир кундан тугаб бориб, ниҳоят, барчаси тугайди.

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳ: «Эй Одам боласи! Сен
кунлардан иборатсан. Агар бир кунинг ўтса, бир қис-
минг ўтган бўлади», деган.

Бугуни кечасига баробар бўлдимиз? Мурид шунга
назар солсин. Агар кунни яхшилик ила ўтказган бўлса,
уни муяссар этган Аллоҳ таолога шукр қилсин. Агар
бошқача бўлса, тавба қилиб, йўл қўйган камчилигининг
ўрнини кечаси тўлдиришга ҳаракат қилсин, чунки ях-
шиликлар ёмонликларни ювади.

Жисмини соғ қилган ва нуқсонини тузатиши учун умр
берган Аллоҳ таолога шукр қилсин. Ўтган азизлардан
баъзилари кунни садақа бериш билан, имкони борича ях-
шилиқ қилиш билан тугатиш ҳаракатида бўлар эдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу кеч кирса, ўз оёғига
дарра билан ура туриб: «Бугун нима иш қилдинг?» дер
экан.

Маймун ибн Мехрон дейди: «Ўзини ўзи шеригидан
кўра қаттиқроқ тергамаган одам тақводорлардан бўла
олмайди. Ишни қилиб бўлгандан кейин шериклар бир-
бирларини тергайдилар-ку!»

Абдуллоҳ ибн Саломнинг бир боғлам ўтин орқалаб
кетаётганини кўрганлар: «Эй Абу Юсуф! Болаларинг ва
ғулумларинг кўтарса ҳам бўларди?!» дедилар.

«Нафсимни текшириб кўришни ирода қилдим. Ёқтирармикан ёки йўк», деди у.

Ҳасан Басрий: «Мўмин киши ўз нафсини Аллоҳ таоло учун тергаб туради. Бу дунёда ўзларини тергаб турган қавмларнинг у дунёдаги ҳисоби осон бўлади. Бу дунёда ишни ҳисоб-китобсиз қилганларнинг қиёмат кунигаги ҳисоби машаққатли бўлади», деган.

«**Маломатчи нафс билан қасам**» (*Қиёмат сураси, 2-оят*) оятининг тафсирида Ҳасан: «Мўминнинг фақат нафсини маломат қилиб турганини кўрасан: «Бу сўзим ила нимани ирода қилдим? Бу еганим ила нимани ирода қилдим? Бу ичганим ила нимани ирода қилдим?...» Фожир эса ўзини ўзи тергамай кетаверади», деган.

АМАЛДАН КЕЙИН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ

Банданинг куннинг аввалида нафси билан яхшилик қилишга шартлашиб оладиган вақти бўлганидек, куннинг охирида қилинган ишларни ҳисоблашиб оладиган вақти ҳам бўлиши керак. Бу худди савдогарларнинг шериклари билан ҳар йил, ой, ҳафта ёки кун охирида дунё ҳирсида қиладиган ҳисоб-китобига ўхшайди. Улар буни беш кунлик дунё учун бўладиган фойдани қўлдан чиқариб юбормаслик учун қиладилар. Бас, шундай экан, қайси оқил абадийлик учун бўладиган фойдани кўзлаб ўз нафсини тергамаслиги керак?!

Савдогар шериги билан ҳисоб-китоб қилганида сармоя, фойда ва зарарга назар солади. Агар фойда кўрган бўлса, шеригига раҳмат айтади. Зарар кўрса, тўлаб беришни ва бундан кейин бундай хатога йўл қўймасликни таъкидлайди.

Шунга ўхшаш, банданинг динидаги сармоёси фарзлардир. Фойдаси нафллар ва фазилатлар, зарари эса маъсиятлардир. Ушбу тижоратнинг мавсуми кундуз кунидир.

Банда аввал нафсини фарзлар бўйича тергайди. Агар уларни яхшилаб адо этган бўлса, Аллоҳ таолога шукрлар қилади ва нафсини шунга ўхшаш ишларни кўп қилишга тарғиб этади. Агар бирор фарзни ўтказиб юборган бўлса, қазосини бажаришга шошилади. Агар уни нуқсонли адо этган бўлса, кўпроқ нафл ибодатлари ила ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилади. Агар маъсият қилган бўлса, нафсини жазолайди, азоблайди ва бошқа чораларни кўради. Хулласи калом, банда ўзининг қилган каттаю кичик ҳар бир ишида нафсини тергаб туриши лозим.

Шундай бўлганда мўмин банданинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан афзал бўлиб яшайди. Бу эса нафсни тергаш, яъни ўзини ўзи тергаш ва ўзи учун аҳамиятсиз бўлган барча нарсаларни тарк қилиш билан юзага чиқади.

Аллоҳ таоло барчаларимизга Исломи гўзал бандаларидан бўлишимизни насиб қилсин!

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدِ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ ﷺ رَجُلٌ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، دُلَّنِي عَلَى عَمَلٍ، إِذَا أَنَا عَمَلْتَهُ أَحَبَّنِي اللَّهُ وَأَحَبَّنِي النَّاسُ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «أَزْهَدْ فِي الدُّنْيَا يُحِبُّكَ اللَّهُ، وَأَزْهَدْ فِيمَا فِي أَيْدِي النَّاسِ يُحِبُّكَ النَّاسُ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мени бир амалга далолат қилинг. Қачон уни адо этсам, менга Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам муҳаббат қилсин», деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дунёдан зуҳд қил, Аллоҳ сенга муҳаббат қилади. Одамлар кўлидаги нарсадан зуҳд қил, улар сенга муҳаббат қилишади», дедилар».

Ибн Можжа ривоят қилган.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِنَّ مِمَّا أَدْرَكَ النَّاسَ مِنْ كَلَامِ النَّبِيِّ الْأُولَى: إِذَا لَمْ تَسْتَحْيِ فَاصْنَعْ مَا شِئْتَ».

Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, одамларга етиб келган нубувват сўзларидан аввали «Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаганингни қилавер», деган гапдир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича мўмин бўла олмайди», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

ХОТИМА

Ушбу китобга хотима сифатида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда келган “Дин насиҳатдир” жумласининг маъноси ниҳоятда кенглиги ҳақида бироз сўз юритсак, айни муддао бўлур эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг “Дин насиҳатдир”, деганлари “Диннинг асосий мадори насиҳатдан иборатдир”, деганларидир. Шундай экан, ҳар бир мусулмон киши бошқа бир мусулмон диндошига холис ният билан, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтиши, унга тўғри йўлни кўрсатиши, яхшиликка чорлаши ва ёмон амаллардан қайтариши зарур бўлади.

Китобда шарҳлаб берилганидек, мусулмон уммати насиҳатни Аллоҳ учун, Унинг Китоби учун, Расули учун, мусулмонларнинг имомлари учун, мусулмон оммаси учун қилгандагина ҳадиснинг ҳикматини тўғри англаган, унинг талабига риоя қилган бўлади. Шундай йўл тутган мусулмон ўз динининг энг муҳим талабини амалга оширган бўлади. Аммо бу иш анча машаққатли, бажариш кўп куч ва имконият талаб қилади. Шунинг учун ҳам у диннинг мадори ҳисобланади. Айниқса одамлар насиҳатни ёқтирмай қолган, насиҳат кўпчиликка хуш келмай қолган, насиҳат қилувчилар таъна ва маломатларга қолиб турган ҳозирги асримизда бу вазифанинг ҳикмати ва аҳамияти ортиб борапти. Агар биз Ислом мадори бўлган ушбу ҳадисдан фойдаланмоқчи бўлсак, ана шу тушунчаларни қайта тирилтиришимиз, Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби, Расули учун, мусулмонларнинг имомлари ва оммаси учун чинакамига насиҳат қилишга ўтишимиз лозим бўлади. Шундагина Ислом умматига хос йўлни тутган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2012.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Ҳадис ва Ҳаёт» 11-жуз – «Савдо, зироат ва вақф китоби». «Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2012.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «Зикр аҳлидан сўранг». «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси, Тошкент, 2013.
4. Доктор Абдуссаттор Абу Ғудда. «Банк татбиқотларига шаръий жавоблар». Шарика ат-Тавфиқ, Мажмуъа далла ал-Барака, 2002.
5. Доктор Ваҳба аз-Зухайлий. «Мажмуъул фатово». Дорул фикр, Дамашқ, 2002.
6. Доктор Ваҳба аз-Зухайлий. «Замонавий молиявий муомалалар». Дорул фикр, Дамашқ, 2002.
7. Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдуррошид Бухорий. «Хулосатул фатаво». Мактаба ал-Малик Фаҳд Ватаний, 1900.
8. Хойруддин Рамлий. «Жомиъул фусулайн»га ёзган ҳошияси. Матбаъа Кубро ал-Мирийя, Миср. 1300 ҳ. с.
9. Муҳаммад ибн Алий Ҳанафий Ҳаскафий. «Дуррул мухтор». Дорул кутубул илмийя, Байрут, 2002.
10. Абдуррахмон ал-Жазийрий. «Китобул фикҳи ғалал Мазаҳабил арбаъати». Дорул фикр, Дамашқ.
11. Доктор Ваҳба аз-Зухайлий. «Ал-фикҳул Исламий ва адиллатуху». Дорул фикр, Дамашқ, 1997. 4-нашр.
12. Рафиқ Юнус Мисрий. «Фикҳул Муъомилатил Малийя». Дорул-қалам, Димашқ.
13. Муҳаммад Тақий Усманий. «Бухус фи Қозое фикҳийя муъосира». Дорул-қалам, Дамашқ.
14. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Ан-Ниқоя шарҳу Мухтасарил Виқоя». Император университети босма-хонаси, Қозон, 1908.

15. Муҳаммад Амийн Ибн Обидин. «Раддул Мухтор ала Дуррил Мухтор». Дорул кутубил илмийя, Байрут, 1994.

16. Шайх Юсуф Қаразовий. «Ал-фатовий ал-муосира». Дорул Қалам, Кувайт, 1422/2001. 9-нашр.

17. Шайх Али Жумъа. «Ал-калим ат-тоййиб. Фатавий муосира», Дорус салом, Қоҳира, 1426/2005. 1-нашр.

18. Кувайт вақф ва Исломий ишлар вазирлиги. «Ал-Мавсуъал Фикҳийя». Дорус софва, Миср, 1414/1993. 4-нашр.

19. Абдулқодир Авда. «Ат-ташрийъул жиноийю фил Ислам». Муассасатур-рисола, Байрут, 1406/1986. 7-нашр.

20. Шайх Муҳаммад Абу Захра. «Ал-аҳвол аш-шахсийя». Ал-Фикрул Арабий, 1369/1950. 2-нашр.

МУНДАРИЖА

Тамим Дорий розияллоху анхунинг таржимаи ҳоли.....	5
Тамим Дорий розияллохуанхунинг ҳадиси ривоятлари	7
«Насиҳат» сўзининг маъноси ва таърифи	8
Насиҳат ҳақидаги оятлардан	10
Насиҳат ҳақидаги ҳадислардан.....	13
«Дин насихатдир» ҳадиси шарҳининг давоми	16
Жаброил ҳадиси	17
Насиҳат ким учун?.....	20
Аллоҳ учун насихат	21
Аллоҳнинг Китоби учун насихат.....	21
Аллоҳнинг Расули учун насихат.....	23
Мусулмонларнинг имомлари учун насихат.....	24
Мусулмонлар оммаси учун насихат	25
Насиҳатнинг аҳамияти.....	27
Насиҳат талаб қилиш.....	30
Насиҳатнинг вожиблиги	31
Фарз ва нафл насихат.....	34
Насиҳат одоблари.....	36
Насиҳат қилувчининг одоблари.....	37
Насиҳат қилинувчининг одоблари	40
Насиҳат тинглаш одоблари	40
Насиҳатга амал қилишнинг фойдаси	44
Кул хожасига насихат қилса	48
Набавий насихатлардан намуналар.....	50
Улуғ зотларнинг насихат ҳақида айтган гапларидан намуналар.....	54
Насиҳатнинг фойдаларидан	58
Иккинчи ҳадис.....	63
Абу Хурайра розияллоху анхунинг таржимаи ҳоллари.....	63

«Киши Исломининг ҳусни»
 ҳадиси ҳақида уламоларнинг фикрлари.....86
«Киши Исломининг ҳусни» ҳадисининг шарҳи87
Киши Исломининг гўзал
 бўлиши нимани тақозо қилади?89
 Аллоҳдан ҳаё қилиш мақоми90
 Аллоҳдан ҳаё қилиш нимани тақозо қилади?91
 Аллоҳдан ҳаё қилишнинг бардавомлиги93
 Беҳуда ишларни тарк қилиш киши
 Исломининг ҳуснидандир99
 Тил офатлари99
 Каломнинг офатлари.....102
 Фатво сўраш одоблари.....158
 Оз сўзлаш киши Исломининг гўзаллигидандир159
Киши Исломининг гўзал бўлиши
 барча турдаги аҳамиятсиз нарсаларни
 тарк этиши биландир160
 Исломи гўзал бўлганларнинг мукофотлари161
 Хулоса166
 Амалдан кейин ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти168
 Фойдаланилган адабиётлар.....172

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

Исломнинг мадори
бўлган ҳадислар

Дин

насихатдир

БЕҲУДА ИШЛАРНИ ТАРК ҚИЛИШ
КИШИ ИСЛОМИНИНГ ҲУСНИДАНДИР

*Наширёт рухсатисиз нусха кўчиришнинг
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2016

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*
Муҳаррир: *Барно Саидрахмон*
Бадий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Арабча матн мусахҳиҳи:
Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Муқова дизайнери: *Нажотбек Жўраев*

Нашр лицензияси № АІ 235, 13.02.2013 йил.
Босишга рухсат этилди 07.11.2016. Бичими 84x108 ¹/₃₂.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 11.
Шартли босма табоғи 9,24. Адади 5.000 нусха.
Буюртма № 77. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси
100185, Тошкент шаҳри, Сўғалии ота, 5
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
<http://hilolnashr.uz> e-mail: info@hilolnashr.uz

